

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК _____

МАВЛАНОВ АБДУЛНОСИР ХАЙРУЛЛАЕВИЧ

**Жиноят субъектив томонининг қилмишни
квалификация қилишга таъсири**

5А 240104 – Жиноят ҳуқуқи; жиноят процесси

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: юридик фанлар
доктори, профессор Зуфаров
Рустам Ахмедович

Тошкент – 2015

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
I БОБ. ЖИНОЯТЛАРНИ СУБЪЕКТИВ ТОМОН БЎЙИЧА КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	
1. Жиноятнинг субъектив томони тушунчаси.....	
2. Жиноятларни квалификация қилиш тушунчаси ва жиноят субъектив томонининг қилмишни квалификация қилишга таъсирига доир умумий қоидалар.....	
I боб бўйича хулоса	
II БОБ. ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИНИНГ ЗАРУРИЙ ВА ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШГА ТАЪСИРИ	
1. Жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси ва унинг қилмишни квалификация қилишга таъсири.....	
2. Жиноят субъектив томонининг факультатив белгилари ва уларнинг қилмишни квалификациясига таъсири.....	
II боб бўйича хулоса	
III БОБ. АЙРИМ ЖИНОЯТЛАРНИ СУБЪЕКТИВ ТОМОН БЎЙИЧА КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУАММОЛАР	
1. Порахўрлик жиноятларини квалификация қилишда субъектив томоннинг аҳамияти.....	
2. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни субъектив томон бўйича квалификация қилишнинг ўзига хусусиятлари.....	
III боб бўйича хулоса	
ХУЛОСА	
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	
ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бўлган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш шароитида ислохотлар, аввало, қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган¹. Бу эса, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи орган ходимларидан ушбу концептуал талабларни, шу қаторда содир этилган қилмишларга қонун асосида тўғри ҳуқуқий баҳо бериш орқали одил судловни таъминлаш лозимлигини талаб этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланган бўлиб, мазкур конституциявий қоида жиноят ҳуқуқининг бир қатор принципларида, шу жумладан, айб учун жавобгарлик принципида ўз ифодасини топган. Ушбу принципга кўра, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. Афсуски, ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноят-ҳуқуқий қилмишларни квалификация қилиш жараёнида аксарият ҳолатларда мазкур принципни бузиш билан боғлиқ хатоларга йўл қўйилади.

Суд амалиёти таҳлили кўпгина хатолар суриштирув ва дастлабки терговни юритиш вақтида йўл қўйилган жиддий камчиликлар билан белгиланади. Содир этилган жиноятнинг фактик ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириш барча ишлар бўйича ҳам таъминланмайди, айбдорнинг қасди нимага қаратилгани, у содир этган қилмишнинг мақсади ва мотиви аниқланмайди².

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 26.

² Колосовский В.В. Ошибки в квалификации уголовно-правовых деяний: Дисс. ...канд. юрид. наук. – Челябинск, 2003. – С. 11.

Баъзан судларнинг ўзи жиноятга имкон берган ҳолатларни лозим даражада баҳоламасдан, юз берган воқеа хусусияти ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилмасдан, маҳкумнинг хулқ-атвори мотивларини аниқламасдан ҳукм чиқаради, аксарият ҳолларда жиноят билан етказилган зарарнинг оғирлик даражасинигина инобатга олади, бу эса, баъзан айбдорларнинг жиноий ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинишига олиб келади. Шу билан бир вақтда мутахассисларнинг илмий тавсияларида айнан жиноятнинг субъектив томони мазмунини ҳисобга олиш жиноий қилмишларни тўғри квалификация қилишнинг муқаррар шarti ҳисобланишига эътибор қаратилади¹.

Демак, мавзунинг долзарблигини қуйидагилар билан изоҳлаймиз:

биринчидан, жиноят ҳуқуқида жиноятнинг субъектив томони ва жиноятларни квалификация қилиш тушунчасини тушунишда турли хил ёндашувлар мавжуд. Ўз навбатида, турли хил ёндашувларнинг мавжудлиги бир жиҳатдан муайян мавзунини “иложи борича” тўлиқ ўрганиш имконини берса, бошқа жиҳатдан юзага келадиган қарама-қарши ёндашувлар муайян масалага нисбатан яқдил ва ягона қарашни “синдиради”. Бу эса, қонун нормасини тўғри, аниқ ва бир хилда қўллашда қатор қийинчиликларни юзага келтиради. Шундай экан, мазкур мавзунини комплекс таҳлил қилиш мавжуд турли ёндашувларни тизимлаштириш, уларнинг ижобий жиҳатларини аниқлаган ҳолда мавзу доирасидаги масалалар юзасидан ягона ёндашувни шакллантириш имконини беради;

иккинчидан, жиноятнинг субъектив томони ва шу йўналишда жиноятларни квалификация қилиш юзасидан қонун ҳужжатлари тизимида, уларни амалиётга қўллашда қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, ЖКнинг “Айб” деб номланган 5-боби шу ном билан номланган бўлишига қарамай мазкур бобда айб тушунчасини ёритилмасдан тўғридан-тўғри унинг шакллариغا эътибор қаратиш билан бошланиб, айб тушунчаси ёритиб берилмаган ва аксинча айбдор масаласи ёритилган. Фикрмизча, шахсни айбдор деб топиш ва унга “айб” қўйиш учун ҳамда жиноятни

¹ Научно-методические основы квалификации преступлений / Отв. ред. М.К.Кислицын. – Архангельск, 2001. – 77-б.

тўғри квалификация қилиш учун унинг айблилик масаласини ҳал қилиш лозим бўлиб, айблилик масаласини ҳал қилишда эса айбнинг ўзи нима эканлигини қонунда кўрсатиш лозим;

учинчидан, жиноятларни квалификация қилишда айбнинг шакллари аниқлаш, қилмишни эҳтиётсизлик орқасидан содир этилишига тўғри баҳо бериш ва квалификация жараёнида мотив ва мақсадга тўғри баҳо бера олиш талаб этилади. Жумладан, жиноятнинг субъектив томони жиноят таркибининг элементи сифатида қилмишни жиноят сифатида баҳолаш учун зарур бўлган 4 та элементдан биридир, қолаверса, субъектив томон объектив белгиларга кўра ўхшаш бўлган жиноят таркибларини бир-биридан фарқлашда катта аҳамиятга эга, бундан ташқари, субъектив томон айб, жиноятнинг мақсади ва мотивини қамраб олган ҳолда жавобгарлик хусусияти ва жазо миқдорини кўп жиҳатдан белгилайди;

тўртинчидан, ўрганилган суд амалиёти ва қонунчилик таҳлили ушбу масала юзасидан қонун ҳужжатларида бўшлиқлар мавжудлигини, амалдаги қонунларни қўллашда муаммолар юзага келаётганлигини кўрсатди (масалан, мансабдор ва масъул мансабдор шахсларни аниқлаштиришда шундай муаммолар мавжуд);

олтинчидан, кўплаб ривожланган хорижий мамлакатлар жиноят қонуни нормалари таҳлили жиноятнинг субъектив томони билан боғлиқ нормаларни қайта кўриб чиқиш заруратини кўрсатмоқда.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар мавзунинг долзарблигини асослайди ва унинг аҳамиятини ойдинлаштиради.

Тадқиқот объекти ва предмети. Жиноят субъектив томонининг қилмишни квалификация қилишга таъсири ва унинг натижасида вужудга келган жиноят-ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий муносабатлар тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети а) Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг тадқиқот объектига доир қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари; б) жиноят субъектив томони бўйича қилмишни

квалификация қилишга алоқадор халқаро ҳужжатлар; в) мазкур масалага оид илмий-назарий адабиётлар ва амалий қўлланмалар ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг мақсади Жиноят субъектив томонининг қилмишни квалификация қилишга таъсири билан боғлиқ масалаларини комплекс таҳлил қилиш, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, унга доир жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўлланиш бўйича норматив-ҳуқуқий база, тергов ва суд амалиётини таҳлил қилиш, шунингдек бу соҳада жиноят қонунини такомиллаштириш истиқболларини белгилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- жиноятнинг субъектив томони ва жиноятларни квалификация қилиш тушунчаларини илмий-назарий таҳлил қилиш;
- жиноят субъектив томонининг қилмишни квалификация қилишга таъсирига доир умумий қоидаларни ёритиш;
- жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси ва унинг қилмишни квалификация қилишга таъсирини таҳлил қилиш;
- жиноят субъектив томонининг факультатив белгилари ва уларнинг қилмишни квалификациясига таъсирини таҳлил қилиш;
- порахўрлик жиноятларини квалификация қилишда субъектив томоннинг аҳамиятини очиб бериш;
- ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни субъектив томон бўйича квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;
- жиноят субъектив томонининг қилмишни квалификация қилишга оид қонун нормаларини такомиллаштириш.

Илмий янгилиги шу билан белгиланадики, унда Жиноят субъектив томонининг қилмишни квалификация қилишга таъсирига оид назарий ва амалий масалаларининг энг муҳим жиҳатларини комплекс ўрганишга, уни жиноят-ҳуқуқий таҳлил қилишга, жиноят қонуни либераллаштириш

шароитида тадқиқ этилаётган институтини такомиллаштириш истиқболларини белгилашга ҳаракат қилинган.

Мазкур тадқиқот доирасида жиноят субъектив томонининг қилмишни квалификация қилишга таъсирини аниқлашга нисбатан янгича ёндашув ишлаб чиқилган ҳамда унда тадқиқот объектига мамлакатимизда жиноят-ҳуқуқий сиёсат доирасида амалга оширилаётган жиноят қонунини либераллаштириш нуқтаи назардаридан ёндашилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот натижасида жиноят субъектив томонининг қилмишни квалификация қилишга таъсири назарий ва амалий масалаларига оид жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан комплекс ёритилиб, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш орқали унинг янада самарали қўлланилишига эришилади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Жиноят субъектив томонининг қилмишни квалификация қилишга таъсирига доир масалалар республикамизда кўплаб олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Мазкур масала юзасидан республикамизда Қ.Р.Абдурасулова, Ш.Ё.Абдуқодиров, Б.Д.Ахроров, Ш.Бердиев, М.Ҳ.Жиянов, О.Ғ.Зокирова, Р.А.Зуфаров, Б.Матлюбов, Н.И.Мухторов, С.С.Найимов, С.С.Ниёзова, М.А.Ражабова, М.Ҳ.Рустамбоев, Ф.Тоҳиров, Э.О.Турғунбоев, М.Усмоналиев, А.К.Иркаходжаев, У.Ш.Холикулов, Ғ.Эрматов, О.А.Юсупджанов, А.С.Якубов¹лар, хорижий олимлардан И.В.Андреев,

¹ Абдурасулова Қ.Р.Жиноятнинг махсус субъекти. – Тошкент: ТДЮИ, 2005.- 106 б.; Абдуқодиров Ш.Ё. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли ва унинг белгилари. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 91 б.; Рустамбоев М.Ҳ., Ахроров Б.Д. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни квалификация қилиш муаммолари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 228 б.; Бердиев Ш. Жиноий жавобгарлик ва ундан озод этиш масалалари: Монография. – Тошкент: Сано стандарт, 2011. – Б. 228.; Жиянов М.Ҳ. Бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик: Монография. // Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. –Тошкент: ТДЮИ, 2011. – 244 б.; Зокирова О. Ғ. Фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. –Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 114 б.; Зуфаров Р.А. Порахўрликка қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 126 б.; Найимов С.С. Қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари: юридик фанлари номзодлиги учун ёзилган диссертация афтореферати. – Тошкент, 2007. - Б 48.; Мухторов Н.И. Жиноят қонунида айбнинг эҳтиётсизлик шакли муаммолари: юридик фанлари номзодлиги учун ёзилган диссертация афтореферати. – Тошкент, 2009. – Б. 28.; Найимов С.С. Қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари: юридик фанлари номзодлиги учун ёзилган диссертация афтореферати. – Тошкент,

Ф.Г.Бурчак, Е.В.Благов, Л.Д.Гаухман, А.А.Герцензон, Н.Т.Идрисов, М.И.Коржанский, Л.В.Иногамова Хегай, С.А.Тарарухин, А.В.Корнеева, Б.А.Куринов, А.И.Рарог, А.В.Наумов, А.Г.Левицкийлар¹ томонидан ўрганилган.

Мазкур мавзу доирасида комплекс тадқиқот олиб бориш амалиётда юзага келаётган айрим муаммоларни бартараф этишда катта аҳамият касб этиши билан бир қаторда мазкур соҳани тартибга солувчи қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот ишида индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, мантикий ва тизимли, эмпирик ва социологик, статистик таҳлил ва формал-мантикий, қиёсий-ҳуқуқий ва тарихий-қиёсий каби методлардан фойдаланилган.

2007. – Б. 48.; Тоҳиров Ф. Жинсий жиноятларни квалификация қилиш асослари. Монография. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев -Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 234.; Турғунбоев Э.О. Фактик ҳатонинг жиноят ҳуқуқий аҳамияти. Рисола. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Ф.Тахиров. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 37.; Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Тошкент. “Янги аср авлоди”, 2005. – Б.129.; Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 59 б.; Эрматов Ғ.О. Расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш ва улардан фойдаланиш жиноятини квалификация қилиш масалалари: Монография. //- Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 169.; Юсупджанов О.А. Мураккаб айбли жиноятларни квалификация қилиш муаммолари: юридик фанлари номзодлиги учун ёзилган диссертация афтореферати. - Тошкент, 2010. - Б 48.; Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основм учета о преступлении. – Тошкент, 1996.; Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А. С. Якубов, Р. Кабулов ва бошқ.- Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. - 374 б.

¹ Андреев И.В. Теоретико-правовые основм квалификации преступлений: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. - Омск: 2000. - 21 с.; Бурчак Ф.Г. Квалификация преступлений. Украина., 1983. С. 140; Благов Е.В. Применение уголовного право (теория и практика) СПб.: 2004.- С 505.; Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. М., 2005. С. 311.; Герцензон А.А. Квалификация преступлений. М., 1947. [Электронный ресурс] Режим доступа: Идрисов Н.Т. правила квалификации преступлений: понятие, видм, проблема правового регулирования Автореф. дисс... канд. юрид. наук. - Самара: 2009. - 18 с.; Колосовский В.В. Квалификационные ошибки. СПб, “Юридический центр Пресс”, 2006. С 157.; Курс уголовного права в пяти томах Т 1_Общая часть -Учение о преступлении_Кузнецова Н.Ф_2002 -624с.; Курс уголовного права в пяти томах Т 2-Общая часть -Учение о наказании_Кузнецова Н.Ф_2002 -464с.; Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. М., 1999. С. 14.; Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений.-2-у изд., перераб и дополн.-М., “Юрист, 2004 С. 304.; Коржанский М.И. Квалификация преступлений. Киев, 1998. С. 10-11.; Иногамова Хегай Л.В. Конкуренция норм об освобождении от наказания // Государство и право. 2000. - №2. - С. 57-64.; Тарарухин С.А. Понятие и значение квалификации преступлений: Учебное пособие. – Киев, 1990. – С. 6.; Корнеева А.В. Теоретические основм квалификации преступлений. М., 2009. С. 171.; Куринов Б.А. Научный основм квалификации преступлений. М., 1976. С. 178.; Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации Отв. ред. В.М. Лебедев. - 3-е изд., доп. и испр. - М. Юрайт-Издат, 2004; Левицкий А.Г. Квалификация преступлений. М., 1981. С. 140.; Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть: Курс лекций. - 2-е изд. перераб. и доп.; М.: Издательство БЕК, 1999. - 590 с.; Наумов А.В. Практика применения Уголовного кодекса РФ комментарий судебной практики и докт толкование. - Волтерс Клувер, 2005 г.; Павлов В.Г. Квалификация преступлений со специальным субъектом. - СПб.Юридический центр Пресс, 2011. - С. 374.; Рарог А.И. Квалификация преступлений по субъективным признакам преступления. СПб., 2009. С. 24.; Настольная книга судьи по квалификации преступлений_Рарог А.И_2006 -224с.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот Жиноят субъектив томонининг қилмишни квалификация қилишга таъсирига доир масалаларни тизимлаштириш, янги тушунчаларнинг аниқ таърифини баён этиш, бу соҳада назарий асосларни ривожлантиришга, жиноят қонунининг қўлланиш амалиётини такомиллаштиришга ҳисса қўшади. Диссертацияда баён этилган қоидалар, чиқарилган ҳулосалар, таърифланган таклифлар ва тавсиялардан ушбу муаммога доир илмий тадқиқотлар ўтказишда; амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорини тайёрлашда; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятида; олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида дарс жараёнларида, ўрганилган муаммога оид ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Мазкур диссертация ишининг таркиби тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларига мувофиқдир. Диссертация кириш, олтита параграфни ўз ичига олган уч боб, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 80 бет. Ишда 262 та манба ва адабиётлардан фойдаланилган.

I БОБ. ЖИНОЯТЛАРНИ СУБЪЕКТИВ ТОМОН БЎЙИЧА КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1. Жиноятнинг субъектив томони тушунчаси ва унинг қилмишни квалификация қилишга таъсири бўйича умумий қоидалар

Ҳар қандай жиноят бир-бири билан боғланган ва бир-бирини тақозо қиладиган объектив ва субъектив белгиларнинг муайян бирикмасидан таркиб топади, яъни жиноят руҳий-жисмоний бирлик, фикрлар ва қилмиш, жон ва тан, ниятлар ва натижа иттифоқини, сиртдан кузатиш мумкин бўлган воқеа билан “бегона кўзлардан яширин сир” – ҳуқуқбузарнинг руҳий кечинмалари ўртасидаги узвий алоқани ўзида ифодалайди. Бошқача айтганда, шахс ақлий жиҳатдан олдиндан ўйлаган ҳолда, атрофдагиларга алоқадор ирода ва ҳис-туйғулари орқали жиноят содир этади ҳамда ўзининг қилмиши орқали атрофдагиларга бўлган муносабатини акс эттиради¹. Яъни, шахс ички руҳий кечинмаларини ташқи объектив ҳаракати ёки ҳаракатсизлигида ифодалайди. Жиноятларни тўғри квалификация қилишда қилмишнинг мазкур ички руҳий кечинмаларига тўғри баҳо бериш алоҳида аҳамият касб этади.

Шахснинг ташқи объектив ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига тўғри баҳо бериш унинг ички руҳий кечинмаларини таҳлил қилишни талаб этади. Ўз навбатида, мазкур руҳий кечинмаларга тўғри баҳо бериш шахснинг содир этган қилмишида айби мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлашнинг мажбурий шarti ҳисобланади. Зотан, ЖК 9-моддасида мустаҳкамланган принципга мувофиқ, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. Мазкур принцип (айб учун жавобгарлик принципи) – қонун чиқарувчи томонидан ўйлаб топилган қоида эмас, балки А.В.Наумов одилона таъриф берганидек, инсон хулқ-атворини юридик ва ижтимоий-маънавий

¹ Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – Б. 23.

жихатдан тўғри баҳолашнинг оддий шартидир¹. Мазкур қоида объектив айб қўйишни, яъни айбсиз жавобгарлик мумкин эмаслигини белгилайди². Яъни, Б.Ахраров тўғри таъкидлаганидек, шахс ўзи (қасддан ёки эҳтиётсизликдан) содир этган ҳаракатларида айбли бўлгандагина жавобгарлик масаласи келиб чиқиши мумкин³. Шу боис, ҳар бир ижтимоий хавфли қилмиш учун шахс фақат унинг айби билан камраб олинган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун жавобгарликка тортилиши лозим⁴. Жиноят ҳукуқида мазкур қоиданинг ўрнатилмаслиги қилмиш учун жавобгарликка тортиш ва жазолашнинг мақсадсизлигини юзага келтирарди ҳамда бундай ҳолда жиноий жавобгарлик “қасос олиш”дан бошқа нарса бўлмай қоларди⁵.

Жиноят ҳукуқида шахснинг содир этган қилмишига ёки унинг оқибатига нисбатан ички руҳий кечинмалари “жиноятнинг субъектив томони” номи остида умумлаштирилган ҳолда ўрганилади.

Жиноятнинг субъектив томони жиноят таркибининг белгиси сифатида ижтимоий хавфли қилмишнинг ботиний шаклланиши ҳисобланади⁶. Унинг белгиларини тўғри ва аниқ баҳолаш ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган мажбуриятидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги белгиланган. Жиноятнинг субъектив томонига етарлича эътибор қаратмаслик қилмишни квалификация қилишда хатоликларга йўл

¹ Наумов А.В. Уголовное право. Убщая часть. – М.: Бек, 1996. – С. 203.

² Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 66.; Эрматов Ғ. Расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш ва улардан фойдаланиш жиноятини квалификация қилиш масалалари. Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 54.

³ Ахраров Б.Д. Мансабдорлик жиноятлари учун жиноий жавобгарлик. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б. 118.

⁴ Жиноятларни квалификация қилиш: Дарслик. / Р.Кабулов, А.Отажонов, И.Соттиев ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 89.

⁵ Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении. – Ташкент, 1996. – С. 62.

⁶ Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – Б. 23.

кўйилишига, шахснинг у содир этмаган қилмиши учун жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади¹, бу эса, адолатли жазо тайинланишининг бузилишига олиб келади².

Жиноят ҳуқуқи фанида жиноятнинг субъектив томони хусусида турли ыарашлар мавжуд. Жумладан, М.Ҳ.Рустамбаевнинг қайд этишича, жиноят таркибининг субъектив томони айбдорнинг жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган, айбдор ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан руҳий муносабатидир³. Шунга ўхшаш фикр, Р.А.Зуфаров, А.И.Рарог, В.Е.Корноуховлар томонидан ҳам қайд этилади, яъни жиноятнинг субъектив томони – бу шахснинг жиноятни содир этиш билан бевосита боғлиқ бўлган руҳий фаолиятидир⁴. У жиноятнинг психологик мазмунини ташкил этади ва унинг (объектив томонга нисбатан) ички томони ҳисобланади⁵. Баён этилган ушбу нуқтаи назарларнинг тўғрилиги шубҳа уйғотади, чунки у жиноятнинг субъектив томони мазмунига жиноятчининг фақат жиноятни содир этгандан кейинги кечинмаларини киритиш имконини беради.

Бошқа олимлар, масалан, А.С.Якубов, Р.Кабуловлар жиноят таркибининг субъектив томони деганда, жиноят қонунида назарда тутилган жиноятни содир этиш пайтида шахснинг содир этилаётган жиноятга руҳий муносабатини тавсифловчи муҳим белгилар йиғиндисини⁶ тушунади. Шунга ўхшаш фикр, Н.К.Семернева томонидан ҳам қайд этилади: жиноятнинг субъектив томони деганда, жиноят таркибининг жиноятни содир этаётган шахснинг онги ва иродасида юз бераётган ички руҳий жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини берадиган,

¹ Бакунов П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган талон-торож жиноятлари. Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 75.

² Рустамбаев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 166.

³ Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.1. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Дарслик. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2010. – Б. 164.

⁴ Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 66.

⁵ Курс криминалистики. Особенная часть. Т. 1. Методика расследования насильственных и корыстно-насильственных преступлений. / Под ред. В.Е.Корноухова. – М., 2001. – С. 70.; Рарог А.И. Субъективная сторона и квалификация преступлений. – М., 2001. – С. 6.

⁶ Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б. 160.

айбнинг аниқ шакли, мотив, мақсад ва ҳис-туйғулар билан тавсифланадиган элементини тушунади¹. Мазкур олимларнинг фикрлари ҳам, бизнингча, ўринли эмас, чунки у, ўз навбатида, жиноятнинг субъектив томони мазмунига фақат қилмишни содир этиш пайтида юз берадиган руҳий жараёнларни киритиш имконини беради. Аммо, шуни унутмаслик керакки, жиноятнинг субъектив томонини аниқлашга кўмаклашадиган муҳим ахборотни айбдорнинг жиноятни содир этишдан олдинги хулқ-атвори таҳлили бериши мумкин. Б.Я.Петелин таъкидлаб ўтганидек, содир этилган жиноий хатти-ҳаракатларни шахснинг олдинги фаолиятига боғлаб ўрганиш унинг бутун фаолияти ва унга кирувчи жиноий бўлмаган ҳаракатларнинг психологик мазмунини – уларни содир этиш мотивлари ва мақсадлари ўзининг аниқ ифодасини топган эпизодларни аниқлаш имконини беради².

Бошқа муаллифлар, хусусан, О.Расулов, П.Бакунов, А.Отажонов, И.Соттиев каби олимларнинг фикрича, жиноятнинг субъектив томони – шахснинг ўз ижтимоий хавfli ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ва ундан келиб чиқадиган ижтимоий хавfli оқибатларга бўлган руҳий муносабатидир³.

Мазкур таъриф нисбатан тўлиқроқ акс эттирилган, яъни юқорида қайд этилган фикрлардан фарқли равишда тушунчанинг моҳиятини очишда ижтимоий хавfli оқибат ҳам инобатга олинган бўлса-да, ушбу таърифни ҳам муфассал, деб бўлмайди.

Бошқа олимлар томонидан таҳлил қилинаётган масала юзасидан бошқача қарашлар ҳам баён этилган. Жумладан, В.В.Лунеевнинг қайд этишича, жиноятнинг субъектив томони – бу жиноий хулқ-атворнинг ички руҳий характеристикаси бўлиб, жиноятчини содир этилаётган жиноятига, хусусан, объектив характердаги юридик аҳамиятга эга алоҳида

¹ Уголовное право. Общая часть. Учебник для вузов / Под ред. И.Я.Козаченко, З.А.Незнамова. – М., 1997. – С. 181.

² Петелин Б.Я. Психологический анализ преступного поведения. // Государство и право, 1993. №5. – С. 75.

³ Расулов О.Х. Совет жиноят ҳуқуқи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – Б. 144.; Бакунов П. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 29.; Жиноятларни квалификация қилиш: Дарслик. / Р.Кабулов, А.Отажонов, И.Соттиев ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 89.

элементларига (ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликка, жиноий оқибатларга, қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишга, жойга, вақтга, усулга, қуролга, воситаларга ва бошқа жиноят содир этиш ҳолатларига) бўлган руҳий муносабатини ўз ичига камраб олади¹. М.Журавлев ва А.Наумовлар жиноятнинг субъектив томони – бу шахснинг жиноят содир этиши билан боғлиқ бўлган бевосита руҳий фаолиятидир², деб таъриф беришади. Бироқ, тушунчани бундай талқин қилиш ижтимоий хавфли қилмиш содир этилгандан кейинги кечинмаларни, хусусан, пушаймонлик, муваффақиятсизликка учраганлигидан алам ва бошқа шу каби ҳиссиётларни ҳам жиноятнинг субъектив томони мазмунига киритиш имконини беради.

Биз И.Бикеевнинг³ ушбу муаммо хусусидаги фикрига қўшиламыз ва жиноятнинг субъектив томони жиноят субъектининг у ижтимоий хавфли қилмиш содир этишини белгилаган ва ушбу жараёнга йўлдош бўлган руҳий фаолияти сифатида қаралиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Руҳий фаолият деганда, юксак даражада уюшган тирик мавжудотлар ташқи дунё билан ўзаро алоқа қилиши жараёнида вужудга келадиган ва уларнинг хатти-ҳаракатлари (фаолияти)да тартибга солиш функциясини бажарадиган объектив воқеликни субъект томонидан фаол акс эттириш шакли тушунилади⁴.

Айрим олимлар⁵ айб ва жиноятнинг субъектив томони – бир хил тушунчалардир, чунки инсоннинг ақлий-руҳий фаолияти мотивацион ва эмоционал фаолият билан узвий боғлиқ, деган нуқтаи назардан келиб чиқадилар. Бу нуқтаи назар П.С.Дагель томонидан, айниқса, чуқур ва изчиллик билан ҳимоя қилинган. Унинг фикрича, айб жиноятнинг ички,

¹ Лунеев В.В. Субъективное вменение. – М.: Спарк, 2000. – С. 6-7.

² Уголовное право России. Части Общая и Особенная: Учебник. / М.П.Журавлев, А.В.Наумов и др. – М.: Проспект, 2004. – С. 87.

³ Бикеев И. Актуальные проблемы учения о субъективной стороне преступления. // Уголовное право. 2002. №3. – С. 9.

⁴ Большая медицинская энциклопедия: (в 30-ти т.) / Гл. ред. Б.В.Петровский. – 3-е изд. Т. 21. – М., 1993. – С. 313.

⁵ Лекшас И. Вина как субъективная сторона преступления. – М., 1998; Дагель П.С., Котов Д.П. Субъективная сторона преступления и ее установление. – Воронеж, 1994. – С. 41, 42, 59.; Ворошилин Е.В., Кригер Г.А. Субъективная сторона преступления. – М., 1997. – С. 6–12.

субъектив томонини, субъектнинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг оқибатига бўлган рухий муносабатини ўзида ифодалайди¹. Ушбу қондани асослар экан, олим шундай деб ёзади: “Жиноятнинг субъектив томони айб билан бир қаторда, жиноятнинг мотиви ва мақсадини ҳам ўз ичига олади, деган нуқтаи назар жиноятнинг субъектив томони (айб) ва жиноят таркибининг ушбу субъектив томонни тавсифловчи белгилари (қасд, эҳтиётсизлик, мотив, мақсад, кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолати, била туриб жиноят содир этиш ва бошқ.)ни аралаштиришга, шунингдек айб шакли ва мазмуни тушунчаларини қориштиришга асосланади”².

Келтирилган нуқтаи назарга қўшилиш қийин:

биринчидан, айбни жиноятнинг субъектив томони билан бир хил тушунча деб қабул қилиш айб тушунчасига қонунда берилган тавсиф билан мос келмайди. ЖК 9-моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши ҳақидаги қоида яқдиллик билан қилмишда қасд ёки эҳтиётсизлик аниқланиши лозимлиги сифатида талқин қилинади. ЖК 20-моддасига мувофиқ, ушбу Кодексида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жиноят содир этилишида айбдор деб топилиши мумкин. Бинобарин, қонун чиқарувчи айбга қасд ва эҳтиётсизликнинг махсус тушунчаси сифатида қарайди ва айб тушунчасининг мазмунига бошқа ҳеч қандай психологик омилларни киритмайди;

иккинчидан, П.С.Дагель талқинида айб аниқ белгиланган тушунча ҳисобланмайди. У айб тушунчасини ва уни тавсифловчи белгиларни бир-биридан ажратиб, ўзининг турли ишларида бундай белгиларнинг ҳар хил рўйхатини келтиради. Айбга қасд ва эҳтиётсизлик билан бир қаторда мотив, мақсад, ҳис-туйғулар ва бошқа психологик

¹ Дагель П.С. Содержание, форма и сущность вины в советском уголовном праве. // Правоведение. 1969. №1. – С. 78.

² Дагель П.С. Понятие вины в советском уголовном праве. // Материалы XIII конференции ДВГУ. Ч. IV. – Владивосток, 1968. – С. 123.

белгиларни киритиш айб шакли тўғрисидаги масалани ечиш жараёнини чалкаштиради;

учинчидан, кўриб чиқиладиган концепция мантиқ нуқтаи назаридан ҳам изчил эмас. П.С.Дагель жиноят таркибининг айбни тавсифловчи бегиларини санаб чиқар экан, мотив ва мақсадни қасд ва эҳтиётсизлик билан бир даражага қўяди. Аммо, қасд ва эҳтиётсизликнинг мазмунини таҳлил қилар экан, у мотив ва мақсадни қасд ва эҳтиётсизлик билан эмас, балки онг ва ирода билан бир даражага қўяди. Бинобарин, бир ҳолда у мотив ва мақсадга айбни қасд ва эҳтиётсизлик билан бир қаторда тавсифловчи белгилар сифатида, бошқа бир ҳолда эса – субъектнинг рухий муносабати элементлари, қасднинг белгилари¹ сифатида қарайди.

Айрим олимлар айбни жиноятнинг субъектив томонидан кенгрок тушунча деб ҳисоблайдилар. Масалан, Ю.А.Демидов фикрига кўра, айб жиноятнинг бирон-бир элементи, айтайлик, қасд ва эҳтиётсизликдан ёки объектив томондан олинган қилмишдангина иборат бўлиши мумкин эмас. У жиноятнинг ҳам объектив, ҳам субъектив томонида тенг даражада акс этади². Жиноятнинг ҳам объектив, ҳам субъектив томонини ошириб баҳолашга эътироз билдирар экан, олим айбнинг мазмунини муайян шахс томонидан жиноят содир этилишида, айбни ифодаловчи объектив ва субъектив ҳолатларнинг бирлигида кўриш лозимлигини таъкидлайди³.

Г.А.Злобин бу нуқтаи назарга қўшилар экан, шундай деб ёзади: “Жиноий қилмишнинг субъектив томонини ташкил этувчи айб айни вақтда жиноятнинг яхлит тавсифи сифатида ҳам амал қилади... Айбнинг ушбу хоссалари уни ҳам объектив, ҳам абстракт-субъектив айблашга зид бўлган жиноий жавобгарликнинг зарурий ва етарли асосига айлантиради”⁴.

¹ Дагель П.С., Котов Д.П. Субъективная сторона преступления и ее установление. – Воронеж, 1994. – С. 83.

² Демидов Ю.А. Социальная ценность и оценка в уголовном праве. – М., 1995. – С. 114.

³ Ўша ерда. – Б. 117–118.

⁴ Злобин Г.А. Виновное вменение в историческом аспекте. // Уголовное право в борьбе с преступностью. – М., 1991. – С. 23.; Малков В.П. Субъективные основания уголовного ответственности. // Государство и право. 1995. №1. – С. 21.

Келтирилган мулоҳазаларда муаллифлар айбнинг икки хусусияти – жиноятнинг субъектив томони сифатидаги ва жиноий жавобгарлик асоси сифатидаги хусусиятларини фарқлашга ҳаракат қиладилар. Иккинчи ҳолда улар айбга “жиноятнинг яхлит тавсифи” сифатида қарайдилар.

Ушбу нуқтаи назар тарафдорлари айбни жиноятнинг субъектив томони белгиларидан бири деб ҳисобламайдилар. Уларнинг фикрича, айб жиноий қилмишнинг ҳам объектив, ҳам субъектив томонини, шунингдек содир этилган жиноятнинг “жавобгарлик учун муҳим бўлган” бошқа хусусиятларини ўз ичига олади. С.Склярлов таклиф қилган ва қизғин баҳс-мунозаралардан кейин жиноят ҳуқуқи фанида рад этилган “қўш айб” назариясига бундай қайтиш юридик таълимотнинг ҳозирги ривожланиш босқичида ўринли бўлмаса керак¹.

Мамлакатимиз жиноят ҳуқуқи фанида жиноят субъектив томонининг психологик мазмуни инсон руҳий фаолиятининг турли шакллари тавсифлайдиган айб, мотив ва мақсад сингари юридик белгилар ёрдамида ёритилади, деган нуқтаи назар² етакчилик қилади. Улар бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади, лекин, шунга қарамай, биронтаси ҳам бошқаларини таркибий қисм сифатида ўз ичига олиши мумкин бўлмаган мустақил психологик ҳодисалар ҳисобланади. Номлари зикр этилган белгиларнинг ҳар бири турли маънога эга.

Шахснинг ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишга ва унинг ижтимоий хавфли оқибатларига бўлган руҳий муносабатининг муайян шакли – *айб* жиноят субъектив томонининг ўзагини ташкил этади, лекин унинг мазмунини тўлиқ қамраб олмайди. У ҳар қандай жиноятнинг

¹ Склярлов С.В. Вина и мотивы преступного поведения. – СПб., 2004. – С. 21.

² Мусаев М.А. Теоретико-правовые основы и современные проблемы квалификации преступлений: Учебное пособие. – Ташкент: Шарқ, 2012. – С. 30.; Мусаев М.А. Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалиёт муаммолари. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б. 142.; Ахраров Б.Д. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш жинояти учун жиноий жавобгарлик: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 39.; Аллабергенов А.П. Фирибгарлик жинояти учун жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 39.; Бакунов П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган талон-торож жиноятлари. Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 75.; Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 66. ва бошқ.

муқаррар белгиси ҳисобланади. Бинобарин, айб мавжуд бўлмаса, жиноят таркиби ҳам мавжуд бўлмайди.

Жиноятнинг *мотиви* – бу айбдор жиноят содир этаётганда амал қилган, муайян эҳтиёжлар билан белгиланган ички майл. *Мақсад* – бу ҳаракат ёки фаолият мақбул натижасининг субъектив образи¹, яъни жиноятнинг субъекти эришишга ҳаракат қилаётган бўлғуси пировард натижанинг ҳаёлий идеал модели. Шахснинг ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг оқибатларига бўлган руҳий муносабати мазмунига мотив ҳам, мақсад ҳам кирмайди, улар айб элементлари сифатидаги ақл ва ирода доирасидан ташқарида ётади. Мотив ва мақсадлар айбнинг психологик асоси ҳисобланади. Юридик адабиётларда таъкидланганидек, айбнинг мазмуни кўп жиҳатдан ҳам мотив, ҳам мақсад билан белгиланади. Қилмишнинг мотиви ва мақсадини аниқламасдан бир жиноятни бошқасидан, жиноий бўлмаган ёки ҳатто ижтимоий фойдали ва жамият учун мақбул ҳатти-ҳаракатлардан ҳам фарқлаш мумкин эмас².

Шахснинг жиноят содир этиш билан боғлиқ руҳий фаолияти элементлари, яъни жиноятнинг мотивлари ва мақсадлари сифатида улар ҳатти-ҳаракатларнинг жиноий бўлмаган мотивлари ва мақсадларидан келиб чиқади. Ваҳоланки, айб жиноятдан олдин ва ундан ташқарида мавжуд бўлмайди. Жиноят-ҳуқуқий ҳодиса сифатида айб фақат жиноятни содир этиш пайтида вужудга келади ва намоён бўлади. Шаклланган мотивлар ва мақсадлар асосида вужудга келар экан, айб уларни таркибий элементлар сифатида ўз ичига олмайди. Жиноятнинг мотивлари ва мақсадлари айб мазмунига кирмасдан, шахснинг қилмишга ва унинг оқибатларига бўлган, айбнинг моҳиятини намоён этадиган руҳий муносабатини шакллантиради.

Адабиётларда³ жиноятнинг субъектив томони ҳиссиёт (ҳис-туйғу), кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати ва била туриб жиноят содир этиш

¹ Платонов К.К. Краткий словарь системы психологических понятий. – М., 1994. – С. 164.

² Якушин В.А. Субъективное вменение и его значение в уголовном праве. – Тольятти, 1998. – С. 170.

³ Практический комментарий к Уголовному кодексу РФ. – М., 2001. – С. 68–69.

сингари белгиларни ҳам ўз ичига олади, деган нуқтаи назар илгари сурилган. Жумладан, М.Ҳ.Рустамбаев жиноятнинг субъектив томонини айб, мотив, мақсад ва ҳис-туйғулардан иборат эканлигини¹ қайд этади. У ҳис-туйғуни шахснинг жиноят содир этишида ўзида ҳис қиладиган ички кечинмаларида кўринишини қайд этади. Аммо, қайд этилган тушунчаларнинг психологик моҳияти ва юридик мазмуни таҳлили уларнинг жиноят субъектив томонининг мазмунига кирмаслигидан далолат беради.

Жумладан, *ҳиссиёт (ҳис-туйғу)* жиноятни содир этишдан олдинги, жиноятни содир этиш пайтидаги ва жиноятни содир этгандан кейинги кечинмаларни англатади. Аммо, П.Бакунов ҳақли равишда таъкидлаганидек, жиноятнинг субъектив томонида ҳиссиёт (ички ҳис-туйғу, ғазаб, нафрат, қониқиш ҳосил қилиш ва ҳ.к.) муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, бундай ҳолатлар жиноят субъектив томонининг зарурий белгилари бўла олмайди². Ўз навбатида, ҳиссиёт жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этиш жараёнларида жиноий мотивни ташкил этувчи истакнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Гарчанд, улар жиноятнинг психологик мазмунини баҳолаш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолда ҳам жиноят субъектив томонининг мустақил белгиси ҳисобланмайди. “Майл пайдо қиладиган ҳиссиётлар мотивнинг энергетик компонентиدير”³, яъни улар мотивнинг вужудга келиши, шаклланишига туртки бериши мумкин. Айрим ҳолларда, қонун чиқарувчи ҳиссиётнинг мотив ҳосил қиладиган аҳамиятини ҳисобга олиб, уларга жазони енгиллаштирувчи ҳолат мазмунини юклайди. Масалан, кучли кўрқув (кўрқитиш таъсири остида жиноят содир этиш) жазони енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Аммо, бу ҳолда ҳам ҳиссиёт кўпроқ ижтимоий хусусият касб этади ва жиноятнинг субъектив томонидан ҳам кўра кўпроқ

¹ Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.1. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Дарслик. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2010. – Б. 164.

² Бакунов П. Талон-торож жиноятлари тушунчаси: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ. 2010. – Б. 44.

³ Зелинский А.Ф. Криминальная мотивация хищений и иной корыстной преступной деятельности. – Киев, 1990. – С. 19.

жиноятнинг субъектига тегишли бўлади (шахснинг ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишга бўлган рухий муносабатини эмас, балки шахснинг рухий ҳолати хусусиятларини тавсифлайди). Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, эмоцияларни жиноят субъектив томонининг юридик белгиси сифатида эмас, балки айбдорнинг шахсини тавсифловчи ижтимоий белги сифатида эътироф этиш, бизнингча, ўринли бўлади.

Кучли рухий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолати ҳам ижтимоий хавфли қилмишга бўлган рухий муносабат элементи ҳисобланмайди. У кўнгилсиз ташқи ҳолатлар таъсирида юзага келган шахснинг муайян рухий ҳолатини ўзида акс эттиради ва муайян ҳоллардагина юридик аҳамиятга эга бўлади (одам ўлдиришда ва баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказишда)¹.

Била туриб жиноят содир этишни жиноятнинг субъектив томони белгилари қаторига киритиш ҳам ўринли бўлмайди. Била туриб жиноят содир этиш – бу инсон рухий фаолиятининг мустақил элементи эмас. “Била туриб жиноят содир этиш” атамаси жиноятнинг субъектив томонини тавсифлаш учун қўлланиладиган алоҳида техник усул ҳисобланади.

Шундай қилиб, жиноятнинг субъектив томони мазмуни уч белги – айб, мотив ва мақсадни ўз ичига олади. Ушбу белгилар бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади. Айб билан жиноят субъектив томонининг бошқа белгилари ўртасида яқин алоқа мавжуд, лекин бу ҳар бир белги мустақил юридик аҳамият касб этиши эҳтимолини истисно қилмайди. Ҳар қандай жиноят таркибининг зарурий белгиси ҳисобланадиган айбдан фарқли ўлароқ, мотив ва мақсад фақат баъзи бир жиноят таркибларини тавсифлайди, уларга муқаррар ёки квалификация қилувчи белгилар ёинки жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида киради.

Демак, **жиноятнинг субъектив томони** – бу жиноят таркибининг шахснинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этишини белгилаган ва ушбу

¹ Спасенников Б.А. Принудительные меры медицинского характера. – СПб., 2003. – С. 309.

жараён билан боғлиқ бўлган рухий фаолиятини акс эттирувчи элементлар йиғиндиси бўлиб, айб, мотив ва мақсаддан иборатдир.

Жиноятнинг субъектив томонини, айб шаклини, жиноятнинг мақсади ва мотивини тўғри белгилаш жиноятни тўғри квалификация қилишда, жиноят таркибини объектив томонига кўра ўхшаш жиноятлардан фарқлашда, жиноят содир этган шахснинг хавфлилик даражасини аниқлашда ва жазони индивидуаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга¹. Шунинг учун суд-тергов амалиётида жиноятнинг мотиви, мақсади ва айбни тўғри аниқлашга катта эътибор бериш керак.

2. Жиноятларни квалификация қилиш тушунчаси ва жиноят субъектив томонининг қилмишни квалификация қилишга таъсирига доир умумий қоидалар

Жиноят ҳуқуқида жиноят квалификацияси деганда, содир этилган жиноят белгилари ва унинг жиноят-ҳуқуқий норма асосида кўриб чиқилган белгилари орасидаги мувофиқликни аниқлаш ҳамда ҳуқуқий мустаҳкамлаш тушунилади. Жиноят ҳуқуқи борасидаги муҳим вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартларидан бири - айб учун жавобгарлик тамойилига таяниб, айбнинг мавжудлигини аниқлашга ва қилмишни қонунга биноан тўғри квалификация қилишга қатъий амал қилишдан иборат.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларни квалификация қилиш тушунчаси турлича таърифланади. Биз қуйида жиноят ҳуқуқи назариясида олимлар томонидан жиноятларни квалификация қилишга доир таклифларни гуруҳларга бўлиб таҳлил қиламиз.

¹ Мирзаев У.М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарлик: Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 75.

Биринчи гуруҳ олимлари томонидан, “Жиноятларни квалификация қилиш бу муайян қилмишнинг жиноят қонунида кўзда тутилган у ёки бу жиноят таркибининг белгиларига мос келиши”¹ деб таърифлайди;

Иккинчи гуруҳ олимлари томонидан, “Жиноятларни квалификация қилиш содир этилган қилмишнинг белгилари ва жиноят таркибининг белгилари ўртасидаги аниқ мос келишини аниқлаш ва юридик мустаҳкамлаш”² дан иборатлигини таъкидлайди;

Учинчи гуруҳ олимлари томонидан, “Жиноятларни квалификация қилиш содир этилган қилмишни жиноят-ҳуқуқий баҳолаш, унинг белгиларини энг тўлиқ таърифлайдиган жиноят-ҳуқуқий меъёрни танлаш ва унга нисбатан қўллаш деб таърифлайди”³ деб ҳисоблашади;

Тўртинчи гуруҳ олимлари томонидан, “Жиноятларни квалификация қилиш – бу содир этилган қилмишда ижтимоий хавфли қилмишнинг белгилари Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисмининг меъёрларида кўзда тутилган жиноят таркибининг белгиларига мос келишини аниқлаш ҳамда Кодекснинг у ёки бу моддасининг қўлланиши тўғрисида хулосага келишдир деб таъриф берадилар”⁴;

Бешинчи гуруҳ олимлари томонидан, “Жиноятларни квалификация қилиш ҳар доим жиноят қонунининг бирор нормасини танлаш ва уни қўллаш билан боғлиқ бўлади. Квалификация натижасида қилмишнинг белгилари билан конкрет жиноят таркиби белгилари ўртасидаги мувофиқлик аниқланади”⁵ деб тушунтириш беради.

¹ Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. М., 2005. С. 3.; Герцензон А.А. Квалификация преступлений. М., 2007; Андреев И.В. Теоретико-правовые основы квалификации преступлений: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. - Омск: 2000. - 21 с.

² Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. М., 1999. С. 14.. Благоев Е.В. Применение уголовного права (теория и практика) СПб.: 2004.- С 505, Колосовский В.В. Квалификационные ошибки. СПб, “Юридический центр Пресс”, 2006. С 157.

³ Коржанский М.И. Квалификация преступлений. Киев, 2000. С. 10-11. Левицкий А.Г. Квалификация преступлений. М., 2001. С. 140. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации Отв. ред. В.М. Лебедев. - 3-е изд., доп. и испр. - М. Юрайт-Издат, 2004

⁴ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 5 томли. 3 том. Махсус қисм. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчликка қарши жиноятлар. Т.: “ILM ZIYO”. 2011.11 6.; Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учета о преступлении. Т., 2000.;

⁵ Иногамова Хегай Л.В. Конкуренция норм об освобождении от наказания// Государство и право.- 2000.№2.-С.57-64. Павлов В.Г. Квалификация преступлений со специальным субъектом. -

*Олтинчи гуруҳ олимлари томонидан, “Жиноятларни квалификация қилишни жиноятнинг белгиларини ва меъёرنинг белгиларини таққослаш каби таърифлашга қўшилмайди. Бу-абстракт қонун ва ижтимоий ҳодиса - жиноят гўёки турлича категориялар, деб қарайдилар”*¹.

Биринчи гуруҳ олимларнинг фикрлари бироз мунозарали, чунки муайян қилмишнинг белгиларини жиноят таркиби белгиларига мос келиши кўрсатиб ўтилгани билан қилмишнинг жиноят эканлиги тўғрисидаги фикрлари келтирилмаган. Иккинчи гуруҳ олимларининг фикрларини ҳам асосли дейиш қийин, чунки Жиноят кодексининг у ёки бу моддаси қўлланишининг ўрнига мавҳумроқ тушунча яъни юридик мустаҳкамлаш тушунчаси ишлатилган. Учинчи гуруҳ олимларининг фикрларида квалификация қилиш тушунчасига аниқ таъриф берилган аммо, улар ўзларининг таърифларида квалификация қилишнинг юридик жихатдан мустаҳкамланишини кўрсатишмаган, чунки нормани танлашнинг ўзи бундай мустаҳкамлашни амалга оширади деб ҳисоблашган. Бешинчи гуруҳ олимларининг фикрларида ҳам юқорида кўрсатиб ўтилганидек, қилмиш белгилари билан аниқ жиноят таркиби белгилари ўртасидаги мувофиқлик аниқлаш зарурлигини келтириб ўтишади, аммо Жиноят кодекси тегишли моддасини қўллаш тўғрисидаги хулосага келишни назардан четда қолдирадилар. Бизнингча тўртинчи гуруҳ олимлари жиноятни квалификация қилиш тушунчасига нисбатан аниқ ва мукамал таъриф беришган деб ҳисоблаймиз, чунки ушбу гуруҳ олимларининг фикрларида содир этилган қилмишнинг аввало жиноят эканлигини аниқлаш ва ижтимоий хавфли қилмишни жиноят таркиби белгиларга мос келишини аниқлашни кўрсатиб ўтилган, Жиноят кодексининг у ёки бу моддасининг қўлланиши тўғрисидаги хулосага келиш таъкидланган.

СПб.Юридический центр Пресс, 2011. - С. 374. Левицкий А.Г. Квалификация преступлений. М., 2001. С. 140.

¹ Тарарухин С.А. Понятие и значение квалификации преступлений: Учебное пособие. Киев, 1990.С. 6. Шишов О.Ф. Теоретические проблемм квалификации преступлений.-М.: «Юность», 988.С-11.

Жиноятларни квалификация қилишда содир этилган қилмиш юридик таҳлил қилинади: тажовузнинг объектив томони аниқланади, унинг конкрет белгилари тавсифланади, объектив ва субъектив томонларни тўлиқ характерлайдиган белгилари аниқланади. Бундай таҳлил содир этилган қилмишда қандай жиноятнинг таркиби мавжудлиги ва ушбу қилмишни содир этган шахсни ЖКнинг қайси моддаси билан жавобгарликка тортиш мумкинлиги ҳақида бир фикрга келишга ёрдам беради.

Демак, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва унга нисбатан жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун қонуннинг қайси нормаси бузилганлигини, қилмишда қандай жиноят таркиби белгилари борлигини “жиноятларни квалификация қилиш” воситасида аниқланади.

Жиноий жавобгарликка тортиш ва жазо тайинлаш учун шахс Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан қайси нормасини бузганлигини аниқлаш лозим. Бунда содир этилган қилмишнинг жиноят таркиби Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган ёки тутилмаганлигини аниқлаш лозим. Бу жараён жиноятларни квалификация қилиш жараёни деб аталади¹.

Содир этилган жиноятнинг амалдаги ҳолатларини тўғри ва тўлиқ аниқлаш жиноятни тўғри квалификация қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Жиноятни квалификация қилиш, жиноят- ҳуқуқий баҳо бериш сифатида, кўриб чиқиладиган ижтимоий хавфли қилмиш жиноят қонунининг қайси нормасида назарда тутилганлиги ҳақида хулоса чиқарилишини билдиради. Жиноятни квалификация қилиш жараёнида содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг аломатлари қонундаги шунга ўхшаш барча жиноятларнинг квалификация қилиш аломатларига таққосланади².

Жиноятларни квалификация қилиш тушунчаси кенг ва тор маънода ишлатилади. Тор маънода квалификация қилиш жиноят ҳуқуқий

¹ Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 5 томли. 3 том. Махсус қисм. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчликка қарши жиноятлар. Т.: “ILM ZIYO”. 2011.11 б.

² Абдурашулова. Қ.Р.Жиноятнинг махсус субъекти. Ўқув-қўлланма. -Т.: ТДЮИ 2005. 81, 82- б.

нормаларга мувофиқ келувчи ижтимоий хавфли қилмишнинг ҳуқуқий баҳосидир. Кенг маънода квалификация муайян мантиқий жараён бўлиб Жиноят Кодекси Махсус қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг қилмишида жиноят таркиби мавжудлигини аниқлаш бўйича муайян -шахсларнинг фаолияти ҳисобланади

Квалификация ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари томонидан “фикрлаб” амалга ошириладиган конкрет жараён бўлиб, диалектика ва мантиқ қонуниятлари ва категорияларга асосланган моддий, процессуал ҳуқуқ аппарат концепцияси тушунчасини ҳамда ҳуқуқнинг умумий назариясини қўллашни назарда тутди.

Диалектиканинг моҳият ва ҳодиса, аниқ (конкрет) ва мавҳум (абстракт), мазмун ва шакл, умумийлик ва жузъийлик, ўзига хослик ва ягоналик, сабаб ва оқибат, микдор ва сифат сингари категориялари муҳим методологик аҳамиятга эга бўлиб, содир этилган жиноятга жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан ваколатли орган ходимлари томонидан ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона баҳо беришга асос бўлади.¹

Жиноят квалификациясининг субъекти жисмоний шахс томонидан содир этилган ва ижтимоий хавфли бўлган ҳаракат ўзининг шакл ва мазмунига эга бўлган конкрет ҳодисадан иборатлигини билиш керак. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳодисани аниқ қонунларга мувофиқликда ҳолисона баҳолаш ва содир этилган ҳаракат у ёки бу жиноят-ҳуқуқ нормаларига тўғри келиш ёки келмаслиги борасида ҳулоса чиқаришдан иборат.

Бу борада Л.Д. Гаухман квалификация қилиш жараёни масаласини гносеологик² жиҳатдан ёритиб, “жиноятларни квалификация қилиш субъектининг онгида содир этилган қилмишнинг амалдаги белгиларини жиноят қонунида кўзда тутилган муайян жиноятнинг таркибининг

¹ Шишов О.Ф. Теоретические проблемм квалификации преступлений.-М.: «Юность», 988.С-11.

²Гносеология бу фалсафий билиш назарияси бўлиб, бунда борлиқни, дунёни билиш, унинг аниқлиги, манбаи ва шакллари ҳақидаги фалсафий таълимотдир. Бу ерда олим жиноятни квалификация қилишни худди шу борада ўрганганлиги эътироф этилмоқда.

белгиларига мослиги, ҳамда кўрсатилган аслидаги белгилар ва жиноят таркибининг белгилари ўртасида ўхшашлик бор-йўқлигини акс этишининг мақсадга йўналтирилган жараёнидир”¹ деб эътироф этиб, У бундай квалификация қилишнинг жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал маънодаги жараёнини фарқлаш мумкин, деб ҳисоблайди.

“Квалификация жараёни” илмий билиш усуллари ва юридик фан билимлари билан чамбарчас боғланган. Гносеологик нуқтаи назардан бу жараён жиноят содир этилган ёки этилмагани тўғрисидаги тахминга асосланган билимдан, жиноят аслида қандай содир этилгани ҳақидаги ҳулосагача бўлган ҳаракатни ўзида ифодалайди. Квалификация - механик ҳаракат эмас, балки қонунчилик доирасидаги ижодий жараёндир. “Юридик баҳо” мустақил ижодий кўникма ва билимларсиз мумкин бўлмаган билиш жараёнидан олдин туради. “Юридик ижодкорлик”нинг мақсади жиноий-криминал ҳодисани жиноят ҳуқуқи қонунларидаги белгиларига ўхшашликни ўрганишдан иборат². Жиноят квалификацияси жараёни индивидуал ҳаракат, фикрлаш маҳсули, инсон тафаккури фаолияти натижасидир. Бугунги кунда жиноятни квалификация қилишда илмий ёндашувнинг аҳамияти катта, бунда интуицияга эга бўлиш инкор этилмайди. Кўрсатиб ўтилган жиноят квалификациясининг назарий асослари қонун қўлловчи органлар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

Жиноятларнинг квалификация қилиш - бу динамик жараён бўлиб, жиноий иш бўйича иш юритишнинг турли хил босқичларида муайян хусусиятларга эга. Жиноятларнинг квалификация қилиш субъектлари (махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари, вакиллари) жиноятларни квалификация қилишда “билмасликдан билимга”, “умумийдан хусусийга” қараб борадилар³.

“Жиноят квалификацияси” атамасининг икки хил маъносига эътибор қаратамиз: а) қонун қўлловчи мансабдор шахслар (суриштирувчи,

¹ Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика.-М., 2005. Б. 311.

² Уголовное право. Общая и Особенная части-под. ред Кадникова Н.Г. Учебник 2006 -Б.361

³ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 5 томли. 3 том. Махсус қисм. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчликка қарши жиноятлар. Т.: “ILM ZIYO”. 2011.11 б.

терговчи, прокурор, судья)нинг асосий вазифаси содир этилган ҳуқуқбузарликлар белгиларини Жиноят кодексининг Махсус қисм моддаларида кўрсатилган жиноят таркиби аломатлари билан солиштириш;
 б) жиноят қонунчилигида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишга давлат ва ҳуқуқ соҳаси томонидан берилган жиноят ҳуқуқий баҳо.

Демак, жиноятни квалификация қилиш тушунчаси назария ва амалиётда икки хил маънода қўлланилади:

а) квалификация - ижтимоий хавфли қилмишни жиноят ҳуқуқий жиҳатдан қиёсланиши.

б) квалификация бу - муайян мантиқий жараён сифатида, у ёки бу шахснинг кўриб чиқиладиган муайян ҳолатнинг ЖК Махсус қисм нормасида белгиланган жиноят таркиби белгиларига мослигини аниқлашдаги фаолияти; Бу маъноларнинг иккаласи ўзаро боғлиқ. Квалификация тушунчасини ёритишда бу икки маънони уйғунлаштириб, содир этилган қилмиш белгилари билан жиноят- ҳуқуқий нормада назарда тутилган жиноят таркиби белгилари ўртасидаги айнан ўхшашликни аниқлаш ва юридик жиҳатдан мустаҳкамлаш деб бериш мумкин.

Ҳақли савол туғилади, агар квалификация қилиш муайян мантиқий жараён сифатида, у ёки бу шахснинг кўриб чиқиладиган муайян ҳолати Жиноят кодекси Махсус қисм нормасида белгиланган жиноят таркиби белгиларига мослигини аниқлашдаги фаолияти бўлса яъни қонун-ҳуқуқни қўлловчининг ҳуқуқий онги - баҳолаш белгилари бўлса қайси бири устун бўлиши лозим?

Келтирилган саволда мантиқий баҳолаш белгилари учта омилга асосланган бўлади; 1) қонун, 2) ҳуқуқни қўлловчининг ҳуқуқий онги ва 3) ишнинг муайян ҳолатлари баҳолаш белгилари ҳисобланади. Бунда исталган қилмишни жиноят деб тан олишда, шу жумладан унинг тавсифий белгилари билан, қонунни қўллайдиган шахсларнинг ҳуқуқий онги эмас, айнан қонуннинг ўзи, яъни жиноят қонуни устувор бўлади.

Шу ўринда жиноятларни квалификация қилиш тушунчасини ёритиш билан бирга унинг моддий ҳуқуқ ва процессуал ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳам фарқлашимиз лозим. Яъни жиноят ҳуқуқи назариясида ва жиноят процессидаги жиноятларни квалификация қилиш тушунчаларини ва уларнинг чегарасини аниқлаб олиш зарур.

Демак, *quid probandum* нинг аниқ белгиланиши *моддий жиноят ҳуқуқ асосида* амалга оширилади; судда иш кўриш тадқиқ этиш усули яъни расмийлаштириш сифатида *жиноий қонунчилик билан белгилаб берилган дастурни* бажаради.¹ Бошқача қилиб айтганда жиноят ҳуқуқи квалификация моҳиятини белгиласа, жиноят-процессуал ҳуқуқи уни расмий шаклга келтириш имконини беради. Демак, Жиноят кодекси нормалари асосида қилмиш квалификация қилиниб, унинг жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарликдан фарқланса, уни расмийлаштириш эса жиноят процессуал қонун нормалари билан амалга оширилади ва тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида “жиноятни квалификация қилиш” атамасининг ҳар хил қўлланилишига тўхталадиган бўлсак. Бугунги кунда жиноятни квалификация қилиш тушунчаси турлича номлар билан хусусан, малака қилиш, малакалаш, тавсифлаш, квалификация қилиш каби атамалар билан номланиб келмоқда. Мазкур ҳолатни биз танқидий баҳолаб қуйидагиларни таъкидлаймиз:.

биринчидан, жиноят юқорида таъкидлаганимиздек давлат, жамият, инсон учун хавфли саналса, ҳуқуқни қўлловчи яъни жиноятни квалификация қилувчи шахс уни малака қилмайди аксинча содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни жиноят эканлигини аниқлайди. Жиноятнинг малакаси бўлмайди ва у қонунни қўлловчи томонидан ҳам малака қилинмайди.;

иккинчидан, жиноятнинг тавсифи деб номланиши борасида ҳам эътироз билдирамиз. Тавсиф одатда ижобий нарсаларга ва ҳолатларга

¹ Владимиров Л.Е. Учение об уголовных доказательствах. СПб., Тула, 2000. С. 180-181.

берилиб, салбий нарсалар ва ҳолатлар сифат (ёмон) ланади. Жиноят ижтимоий маданий, аммо салбий ҳодиса¹ бўлганлиги боис уни тавсифланмайди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, “тавсиф” сўзи Жиноят ва Жиноят процессуал кодексида 2 хил маънода қўлланмоқда. Масалан Жиноят кодексининг 130 моддаси²нинг 3 қисмида “Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган”, деб рус тилидаги матнида эса “с описанием или изображением несовершеннолетнего” деб кўрсатилган. Мазкур моддада Тавсиф сўзи қонуннинг мазмуни тили ва терминологияси мутаносиб ишлатилган. Бироқ жиноятни квалификация қилишни жиноятнинг тавсифи деб номланишини нотўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки, жиноятнинг тавсифи билан вояга етмаган шахснинг тавсифини фарқлашда номуთანосиблик келиб чиқиши мумкин.

Мазкур ҳолатни Жиноят процессуал кодексининг моддаларида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан ЖПК нинг 467 моддасининг номланиши “Айблов ҳукмининг тавсиф қисми”, рус тилидаги таҳририда “описательная часть” деб кўрсатилган. Шу модданинг биринчи қисмида “..жиноятнинг тавсифи нотўғрилиги...”, деб рус тилидаги матнида эса “неправильная квалификации преступления” деб икки хил ёндашувга йўл қўйилган. Яъни тавсиф сўзи ҳам ўзбек тилида, ҳам рус тилида 2 хил кўринишда номутаносиб қўлланиб келинмоқда. Мазкур ҳолатни 409, 414 моддаларда ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қатор қарорларида эса малака, тавсиф, баҳолаш, квалификация қилиш сўзлари аралаштириб қўлланилмоқда³. Маълумки, қонунчилик техникаси ўз ичига турли усул ва услубларни олади: жумладан қонуннинг мазмуни: тили,

¹ Рустамбоев М.Ҳ. Абдухоликов С.О. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари (жиноят ҳуқуқида универсал алоқадорлик масалалари). - Т.: «ILM ZIYO», 2008.Б.

² Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш деб номланган мазкур модда Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 6 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган, Амалда 12.04.2012 йилдан бошлаб қўлланилмоқда.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. I жилдди. (1991 2006) - Тош: 2007.

услуги, терминологияси; бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш тартиби ва техникаси соф ва равон бўлиши талаб этилади.

Ҳар қандай қонунни амалиётда аниқ, бир хилда, одилонга қўлланилиши билан бирга тил ва услуб жиҳатдан ҳам мукаммал бўлмас экан, у ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини бажарилишини мураккаблаштиради. Қонунни қўллашда ҳам битта сўз бир маънони англатса уни қўллаш ҳам осон, аниқ ва равон бўлади.

Фикримизча, мазкур номланишлар хорижий ва рус тилидан таржима қилинганда кўпроқ нотўғри талқин қилиниб қўлланилмоқда. Бунга сабаб кўп сўзларни дастлаб рус тилига таржима қилиниб сўнг эса ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Муълумки, хорижий сўзларни одатда бошқа тилдан ўзбек тилига таржима қилинаётганда ўша сўзни тўғри таржима қилиш учун луғатдан фойдаланилади. Бизнинг фикримизча ҳар бир хорижий кўринган сўзни таржима қилишда ва қўллашда ўша тилнинг луғатидан ҳамда ўзбек тилининг изоҳли луғатидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу юқоридаги номутаносибликни бартараф этади. Чунки квалификация сўзини изоҳли луғатдан кўрганимизда у рус тилидан эмас аксинча лотин тилидан кириб келган сўзлигини аниқладик.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “квалификация” (лотинча, qualification, qualis-қандай сифатли fasere, қилмоқ, қурмоқ;)- муайян нарса, воқеа ҳодиса сифатини аниқлаш, уни маълум тоифа, гуруҳга киритиш¹ маъносини англатиши кўрсатилган. Кўриб турганимиздек квалификация сўзи ўзбек тилида тавсиф деб нотўғри қўлланилмоқда чунки, изоҳли луғатда “малака”, “тавсиф”, “баҳолаш” ва “малакалаш” сўзлари келтирилмаган. Жинойт квалификацияси эса амалга оширилган жиноий ҳатти ҳаракат учун жинойт қонунида кўзда тутилган моддани (жазо чорасини) тўғри қўллаш мақсадида шу жиноий ҳаракатнинг у ёки бу жинойт таркиби белгиларига мувофиқлигини аниқлаш деб кўрсатилган.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томли. 2-том. Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006, 340-бет.

Демак, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва унга нисбатан жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун қонуннинг қайси нормаси бузилганлигини, қилмишда қандай жиноят таркиби белгилари борлигини уни “малакалаш” орқали эмас аксинча “жиноятларни квалификация қилиш” воситасида аниқланади.

Бизнингча, жиноятларни квалификация қилиш - бу содир этилган қилмишда ижтимоий хавфли қилмишнинг белгилари Жиноят кодексининг Умумий ва Махсус қисмининг нормаларида кўзда тутилган жиноят таркибининг белгиларига мос келишини аниқлаш ҳамда кодекс тегишли моддасининг қўлланиши тўғрисидаги хулосани жиноят процессуал қонунига асосан мустаҳкамлаш ҳақидаги тўхтамга келишдир.

Демак, жиноятларни тўғри квалификация қилишнинг муҳим юридик аҳамиятга эга эканлигини қуйидагиларда кўриш мумкин:

биринчидан, жиноятларни тўғри квалификация қилиш жазоланадиган жиноий қилмишни бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ахлоқ қоидаларига ҳилоф ҳаракатлардан ажратиб беради;

иккинчидан, у қонуний ва адолатли жазо учун муҳим асос бўлиб ҳисобланади, чунки қилмиш нотўғри квалификация қилинганда ЖКнинг ҳақиқатда бузилган моддаси санкцияси қолиб, ЖКнинг оғир ёки унча оғир бўлмаган модда санкцияси бўйича жазо тайинланиши мумкин;

учинчидан, жиноятларни тўғри квалификация қилиш содир этилган жиноят категориясига боғлиқ ҳолда озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ шартлари дифференциациясига асос бўлиб хизмат қилади;

тўртинчидан, жиноятларни тўғри квалификация қилиш асосида уларнинг категорияларига кўра турли ҳуқуқий оқибатларга олиб келувчи рецидив, хавфли рецидив ва ўта хавфли рецидивлиги аниқланади;

бешинчидан, жиноятларни тўғри квалификация қилиш ёрдамида уларнинг категорияларига кўра жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод этиш ҳақида, жазони енгилроқ жазога алмаштириш ҳақида, белгиланган муддат ўтиб кетганлиги ҳақида, жиноий жавобгарликдан озод

этиш мумкинлиги ҳақида, амнистия актини қўллаш ёки қўлламаслик ҳақидаги масалалар тўғри ҳал этилади;

олтинчидан, жиноятларни тўғри квалификация қилиш қўплаб жиноят-процессуал қоидаларга (терговга тааллуқлилик, судга тааллуқлилик, процессуал муддат) асос ҳисобланади;

еттинчидан, жиноятларни тўғри квалификация қилиш алоҳида криминалогик аҳамиятга эга (жиноятчиликнинг жиноят статистикасидаги ҳақиқий ҳолатни ва таркибини акс эттириш, турли хилдаги жиноятларни олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва қўллаш)¹.

Юридик адабиётларда нотўғри квалификация қилишни турли кўринишлари тадқиқ этилиб унга турлича қарашлар ва таърифлар берилган. Масалан, айрим олимлар “тўлиқсиз” ва “ортиқча” квалификация қилишни нотўғри квалификация қилиш² деб изоҳласалар, иккинчи гуруҳ олимлар эса “квалификацион хато”³ ни нотўғри квалификация қилиш деб изоҳлайдилар. Учинчи гуруҳ олимлар “хато” квалификация қилиш “объектив нотўғри” квалификация қилиш⁴ деб таърифлайдилар. Тўртинчи гуруҳ олимлар эса “нотўғри квалификация” қилишни турларга ажратмаган ҳолда умумий жиҳатларини⁵ ёритиб берганлар.

Нотўғри квалификация ўзининг турли кўринишларига ҳам (тўлиқсиз ва ортиқча) эга деб белгиланади. Тўлиқсиз квалификациялашда жиноятнинг белгилари жиноят-ҳукукий баҳо бериш учун қўлланилаётган нормада тўлиқ акс эттирилмайди.

Тўлиқсиз квалификация суд амалиётида терговнинг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқламалиги сифатида қўйидагиларда намоён бўлади:

¹ Рарог А.И. Квалификация преступлений по субъективным признакам. СПб., 2009. Б. 20;

² Корнеева А.В. Теоретические основы квалификации преступлений. М., 2009. С. 31.; Лаптева Е.Н. О видах квалификации преступлений // Юридические записки Ярославского государственного университета им. П.Г. Демидова. Ярославль. 1998. Вып. 2. С. 232.

³ Колосовский В.В. Ошибки в квалификации уголовно-правовых деяний. Челябинск, 2005. С. 94

⁴ Корнеева А.В. Теоретические основы квалификации преступлений. М., 2009. С. 31.; Лаптева Е.Н. О видах квалификации преступлений // Юридические записки Ярославского государственного университета им. П.Г. Демидова. Ярославль. 1998. Вып. 2. С. 232.

⁵ Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. 59 бет.; Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳукуқи курси. 5 том. Дарслик. Тошкент. “ШМ 21У0”, 2010.Б-106.

- жиноят таркибининг объектив томонига тегишли ҳолатларнинг тўлиқ текширилмаганлиги, яъни қилмишнинг ижтимоий хавfli ҳаракат ёки ҳаракатсизликка оид характери, ҳаракат ва оқибат ўртасидаги сабабий боғлиқликнинг мавжудлиги кабилар аниқ эмаслиги;

- айбдорлик ва унинг шакли тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни тўлиқ ва ҳар томонлама текширилмаганлиги;

- жиноят мотивининг ноаниқлиги қилмишни квалификация қилишга, жиноят ва уни содир этган шахснинг хавfliлик даражасини ёки жазо чорасини белгилашга бевосита таъсир кўрсатиши;

- жиноятни содир этишга алоқадор бўлган барча шахслар жавобгарликка тортилмаганлиги;

- ҳар бир айбланувчининг жиноятни содир этишдаги роли аниқ эмаслиги;

- асослар мавжуд бўлган ҳолда айбланувчининг рухий ҳолати аниқланмаганлиги;

- жавобгарликни инкор этувчи ёхуд енгиллаштирувчи ҳолатларга оид маълумотлар аниқланмаганлиги;

- жиноят натижасида етказилган зиённинг даражаси белги-ланмаганлиги;

- жиноятни содир этилишига олиб келган сабаб ва шароитларнинг аниқланмаганлиги.

- вояга етмаган айбланувчининг яшаш ва тарбияланиш шароитлари, тарбияси, шунингдек, жиноят содир этишига олиб келган сабаб ва шароитлар текширилмаганлиги;

- айбланувчининг зарурий мудофаа ёки охирги зарурат ҳолатида бўлганлигига оид маълумотлар етарли ўрганилмаганлиги;

- маҳкумнинг тушунтиришлари етарлича текширилмаган ва асоссиз баҳоланганлиги;

- суд ҳукмида келтириб утилган далиллар бир-бирига зид бўлган ҳолда бартараф этилмаганлиги;
- суд ҳукми таҳминларга асосланганлиги ёхуд иш бўйича барча таҳминлар тўлиқ текширилмаганлиги;
- ишни қўшимча терговга ёки янгитдан судда кўришга юбориш ҳақида ажримда ёки қарорда баён қилинган ҳолатлар тўлиқ ва ҳар томонлама текширилмаганлиги ҳақидаги ҳолатлар эътироф этилиши мумкин¹.

Жиноятни квалификация қилишда жиноятнинг белгилари ортиқча акс эттирилганда ортиқча квалификация қилиш бўлиб ҳисобланади². Ортиқча квалификация эса квалификация қилинаётган модданинг оғирроқ қисми ёки бандларига асосланади³.

Шу ўринда жиноятларни ортиқча квалификация қилишга мисол келтирсак. *Фуқаро А. 2009 йил 23 март куни соат 17 ларда спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда, ўзганинг мулкани товламачилик йўли билан қўлга киритиш ҳамда таъмагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш мақсадида, Шаҳрисабз тумани “Чорсу” бозорига қарашли янги автошоҳбекатда паттачи бўлиб ишловчи Б.нинг ёнига келиб, уни зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб, товламачилик йўли билан 500.000 сўм пул талаб қилган. Шу боис А. билан Б. ўртасида юзага келган жанжал пайтида А. ёнида бўлган пичоқ билан Б.ни қасддан ўлдириш мақсадида, ҳаёти учун муҳим бўлган органи - бўйин соҳасига бир марта уриб, Б.га соғлигининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган энгил шикаст етказган. Шундан сўнг А. яна пичоқ урмоқчи бўлганида Б. З.нинг бошқарувидаги автомашинага ўтириб қочиб кетганлиги сабабли А. жиноий режасини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказа олмаган.*

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир проф. Ғ.Абдураҳимов. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. Б. 730.

² Лаптева Е.Н. О видах квалификации преступлений // Юридические записки Ярославского государственного университета им. П.Г. Демидова. Ярославль. 1998. Вып. 2. С. 232.

³ Корнеева А.В. Теоретические основы квалификации преступлений. М., 2009. С. 14.

Иш материалларига қараганда, А. онаси В.ни ишдан кетишига, кейинчалик автоҳалокатда вафот этишига гўёки Б. айбдор эканлигини гумон қилиб, 2009 йил 23 март куни спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда Б.ни учратиб қолиб, жанжаллашган. Жанжал пайтида А. Б.ни қасддан ўлдириш мақсадида унинг бўйин қисмига пичоқ урган. Аммо Б. қочиб кетганлиги сабабли ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, жиноятини охирига етказа олмаган. Бироқ А.нинг таъмагирлик ниятида Б.ни қасддан ўлдиришга суиқасд қилиш, товламачилик йўли билан пул талаб қилиш жиноятларини содир этганлиги суд мажлиси давомида ўз исботини топмаган. Шу сабабли жиноят ишлари бўйича Олий суд судлов ҳайъатининг 2011 йил 18 августдаги ажрими билан А.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, А.нинг айбидан Жиноят кодексининг 165-моддаси 1- қисми чиқарилиб, жиноят ишининг шу қисми тугатилди, А.нинг жиноий ҳаракати Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисми “и ” бандидан шу кодекснинг 25,97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинган¹.

Жиноятларни квалификация қилиш келиб чиқишига кўра хато ва объектив нотўғри бўлиши мумкин. Жиноятни хато квалификация қилишда таснифлаш квалификация қилувчига боғлиқ бўлади, яъни квалификация қилувчи томонидан олдиндан кўзда тутилган тегишли жиноят-процессуал ҳужжатда аниқланган қилмишни белгилаш ва мустаҳкамлашда қилмишни жиноят таркиби деб ҳисоблашга йўл қўйади. Қилмишга жиноят-ҳуқуқий баҳо бериб бўлинганидан сўнг қонунчиликка ўзгартириш киритилиши сабабли нотўғри деб ҳисобланган квалификация объектив нотўғри квалификация қилиш деб аталади².

Жиноят жараёнининг турли босқичларида жиноятларни квалификация қилишни ўзгартирилиши жиноятларни квалификация қилишнинг нотўғри эканлигидан далолат берадими?

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. - Тошкент, 2011. - №6. Б. -33.

² Благов Е.В. Квалификация преступлений (теория и практика). Ярославль: 2003. С. 18.

Жиноятларни квалификация қилиш - бу тергов ҳамда суд томонидан муайян жиноят иши бўйича топилган фактик ҳолатларнинг йиғиндиси билан белгиланадиган алоҳида мантикий жараён. Жиноятни квалификациясини амалга оширувчи шахс тегишли процессуал тартибда аниқланадиган фактик ҳолатларнинг ҳажми ва хусусияти билан боғлиқликни тўғри амалга ошириши лозим.

Агар квалификация мавжуд фактик ҳолатларга ҳажми ва хусусиятига кўра мос келса жиноятларни квалификация қилишни тўғри деб ҳисоблаш лозим. Агар содир этилган жиноятларнинг янги фактик ҳолатлари пайдо бўлса, табиийки, содир этилган жиноятга баҳо *(бу ерда “баҳо” сўзи муаллифнинг асаридан, муаллифлик ҳуқуқига дахл қилмаслик ва бузмаслик учун тўғридан тўғри олинган)* бериш ҳам ўзгартирилиши мумкин. Шу аснода қайта квалификация қилганлиги аввал нотўғри амалга оширилганлиги учун эмас, балки у тергов ёки суднинг қўлида бўлган фактик ҳолатларнинг ҳажми ва хусусияти ўзгарганлиги сабабли алмаштирилади¹.

Квалификация тўлиқ бўлмаган, содир этилган жиноятни тўлиқ камраб оладиган жиноят ҳуқуқий нормалар қўлланилмаган тақдирда ҳам у нотўғри деб топилиши керак.

Масалан, У 2008 йил 24 декабрь куни соат 21 ларда спиртли ичимлик истеъмол қилиш мақсадида Бектемир туманида жойлашган “Омад” кафесига келган, Шу ерда К. уяли телефони орқали сўқиниб, кафе ходимларининг тартибга чақирувчи талабларига бўйсунмаганлиги сабабли танишлари Т. ва И. томонидан тинчлантирилган. Шундан сўнг К. маст ҳолатда Т. билан жанжаллашиб, қасддан ўлдириш мақсадида ёнида бўлган пичоқ билан унинг кўкрак қафасига бир марта уриб, воқеа жойидан яширинган, Т. олган тан жароҳати оқибатида Тошкент вилояти 1-сонли клиник шифохонасида вафот этган.

Суд К. томонидан содир этилган жиноят тафсилотини тўғри

¹ Куринов Б.А. Научные основы квалификации преступлений. М., 1984. С. 25.

аниқлаган бўлса-да, бироқ унинг ҳаракатини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Иш ҳолатларига қараганда, К. “Омад ” кафесида маст ҳолатда уяли телефони орқали сўкинган, уни кафе ишчиси А., танишлари Т. ва И. тинчлантиришган. Шундан сўнг маст ҳолатдаги Т. К. билан иккиси ўртасида илгари бўлиб ўтган келишмовчиликни эслаб, боши билан К.нинг юз қисмига зарба берган. К. стулдан ерга йиқилиб тушиб, Т. билан кўчада гаплашиб олишни айтиб, уни ташқарига таклиф қилган. Кейинчалик К. Т.нинг қўлидаги пичоқни кўриб, ўзи ҳам ёнидан пичоқ чиқариб, Т.ни қасддан ўлдириш мақсадида кўкрак қафасига бир марта урган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24-сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 16-бандида. безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш жиноятини ўзаро жанжал ёки уришни оқибатида содир этилган қотилликдан (Жиноят кодексининг 97-моддаси биринчи қисми) фарқлаш учун уруш-жанжал ташаббускори ким эканлигини, низо одам ўлдиришда баҳона сифатида фойдаланиш мақсадида айбдор томонидан атайлаб уюштирилган-уюштирилмаганлигини аниқлаш лозимлиги, агар урушжанжал жабрланувчи томонидан бошланган ёки низога унинг. гайриҳуқуқий хулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, айбдор безорилик оқибатида одам ўлдириш жинояти учун жавобгар бўлмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бундай ҳолатда К. Т. ни безорилик оқибатида эмас, балки Т.нинг гайриҳуқуқий хулқ-атвори сабабли жаҳл устида ўлдирганлиги кўринади. Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 27 октябрдаги ажрими билан К.нинг ҳаракатини Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “л” бандидан шу кодекснинг 97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинган¹.

Агар квалификация қилиш жиноят иши бўйича мавжуд ҳамда исбот қилинган фактик ҳолатларга мос келмаса, у ҳолда квалификациялаш хато

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. - Тошкент, 2012. - № 1. Б. -30.

амалга оширилган деб ҳисобланади¹. Шу ўринда яна бир мисол, И. 2007 йил 26 январь куни фуқаро А. ижарада яшаб келаётган Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, “Буюк Ипак йўли” кўчаси, 1-уй, 65-хонадонга келиб, у ерда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, муқаддам А.га берилган тилла тақинчокларнинг пулларини олиш мақсадида ўзаро жанжаллашиб қолган. Жанжал пайтида И. таъмагирлик ниятида шу ерда ётган темир билан А.нинг бошига уриб, ўта шафқатсизлик билан телефон сими ва қўллари билан унинг бўйнидан бўғиб ўлдирган. Шундан сўнг И. А.га тегишли бўлган 682.000 сўмлик тилла тақинчоклар, “Нокия” русумли телефон аппарати ҳамда 12.000 сўм пулни олиб, ўзи содир қилган жиноят изини йўқотиш мақсадида шу уйнинг меҳмонхонасида ухлаб ётган З.дан қутулиш учун бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда З.ни қасддан ўлдириш мақсадида ошхонадаги газ плиталарининг жўмракларини очиб, хонадонни қулфлаб, воқеа жойидан яширинган. З. эшик қўнғироғи жиринглашидан уйғониб қолганлиги сабабли И.га боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, унинг жинояти охирига етмай қолган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, И. таъмагирлик ниятида эмас, балки А. билан жанжаллашиб, ўч олиш мақсадида уни қасддан ўлдирган. Бундай ҳолатда судлов ҳайъати И. томонидан босқинчилик йўли билан А.нинг мулкини қўлга киритилганлиги эмас, балки унинг анча микдордаги мулкини яширин равишда талон-торож қилганлиги кўринади.

Суд жиноят иши бўйича иш ҳолатларини тўғри аниқлаган бўлса-да, бироқ И.нинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Чунки, Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 14-бандида айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар учун моддий наф кўриш (пул, мол-мулк ёки унга эгалик ҳуқуқини, тураржойга нисбатан ва шу каби ҳуқуқларни қўлга киритиш) ёки моддий харажатлардан (мол-мулкни, қарзни қайтаришдан, хизматга ҳақ тўлашдан, мулкий мажбуриятларни

¹ Куринов Б.А. Научные основы квалификации преступлений. М., 1984. С. 25.

бажаришдан, алимент тўлаш ва шу кабилар) қутулиш мақсадида қасддан одам ўлдириш таъмагирлик ниятида содир этилган жиноят сифатида (ЖК 97-моддаси 2-қисми “и” банди билан) квалификация қилиниши; - агар айбдор моддий наф кўришга нисбатан қасд қотиллик содир этилганидан кейин пайдо бўлган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 97-моддаси тегишли қисми ҳамда Жиноят кодексининг ўзганинг мулкани талон-торож қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари бўйича квалификация қилиниши лозимлиги назарда тутилган. Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 29 декабрдаги ажримига асосан И.нинг айбидан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “и” банди чиқарилиб, Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми “г” бандидаги айби шу кодекснинг 169- моддаси 2-қисми “б” бандига қайта квалификация қилинган¹.

Ишнинг амалдаги ҳолатларига ҳукмда баён этилган суд ҳулосаларининг номувофиқлиги ва жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланиши ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлади².

Жиноят кодекси нормалари қуйидаги ҳолларда нотўғри қўлланилган деб эътироф этилади, башарти:

1) Жиноят кодекси Умумий қисми моддаларининг талаблари бузилган бўлса;

2) жиноят тавсифи Жиноят кодексининг қўлланилиши керак бўлган моддаси (модданинг қисми, банди) ўрнига бошқа моддаси (модданинг қисми, банди) билан берилган бўлса. Жиноят кодекси Умумий қисми моддаларининг суд амалиётида кўпинча учрайдиган бузилиш ҳолатлари:

- жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш;
- жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. - Тошкент, 2012. - № 1. Б. -34.

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси- Т.: Адолат, 2010. 488 модда.

- жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси;
- бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик;
- қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар, жумладан зарурий мудофаа чегарасидан чиқиш, охирги зарурат, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш.

Судланувчининг содир этган ижтимоий хавфли қилмишини тўғри квалификация қилиш - жиноят қонуни, яъни одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланган жиноят қонунининг муайян моддаси (моддалари)ни аниқ ва тўғри қўллаш демакдир. Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-моддасига мувофиқ, “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айб ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак”. Шахсни жиноят қонунида назарда тутилган жиноят содир этган ҳар бир муайян ҳолатда жиноят қонунининг моддаси (моддалари)ни аниқ кўрсатилиши жиноятни тўғри квалификация қилишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Содир этилган жиноятнинг амалдаги ҳолатларини тўғри ва тўлиқ аниқлаш жиноятни тўғри квалификация қилишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Бинобарин, жиноятни квалификация қилишни шахснинг жиноий фаолияти ҳақидаги муайян фактнинг Жиноят кодекси Махсус қисми муайян нормасида назарда тутилган жиноят таркиби аломатларига мувофиқлигини аниқлаш деб тушуниш лозим.

Ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмиш кўплаб турли-туман ҳолатлар ва фактлардан ташкил топади. Аммо, тегишли жиноят таркиби аломатларининг мавжуд бўлиши билан бир вақтда, қилмишнинг жиноятлиги ва жазога сазоворлигига таъсир кўрсатувчи амалдаги ҳолатларгина жиноят ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Қилмишнинг амалдаги ҳолатлари аниқланганидан кейин муайян жиноят ҳуқуқий нормани танлаш ва унга мувофиқ шахснинг содир этган жиноятни квалификация қилиш лозим бўлади. “Бир қарашда жиноятни

квалификация қилишига турғунлик хосдек бўлиб туюлади. Амалда бу турғунлик нисбийдир. Суднинг қонуний кучга кирган ҳукмида мустаҳкамланганидан кейингина жиноятнинг квалификацияси турғун аҳамият касб этади»¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жиноятни квалификация қилишни назарий жиҳатдан қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин.

I. *Субъектига кўра*: 1) расмий; 2) норасмий.

II. *Маъносига кўра*: 1) кенг; 2) тор.

III. *Аниқлик даражасига кўра*: 1) аниқ; 2) ноаниқ;

IV. *Қўллаш усулига кўра*: 1) тўғри; 2) нотўғри.

V. *Натижасига кўра*: 1) ижобий; 2) салбий.

VI. *Ривожланиш вақтига кўра*: 1) квалификация бу мантикий жараён (шахс ҳаракатларидаги у ёки бу жиноят белгиларини аниқлаш); 2) квалификация шу жараённинг натижаси (терговчи ёки суриштирув органининг қарори, айблов ҳулосаси, суд ҳукми ёки ажримида содир этилган қилмиш белгилари мутаносиблигини жиноят-ҳуқуқий меъёр билан аниқланганлигини расмий тан олиш ёки маҳкамлаш).

VII. *Тугалланиш босқичларига кўра*: 1) дастлабки; (суриштирув ва тергов босқичи); 2) қўшимча; (тергов босқичи); 3) якуний. (суд босқичлари).

Шунингдек, жиноятларни квалификация қилишда жиноятнинг субъектив томони алоҳида аҳамият касб этиб, унинг қуйидаги хусусиятларини ажратиш мумкин:

биринчидан, жиноий жавобгарлик асосининг таркибий қисми сифатида, у жиноий ҳуқ-атворни жиноий бўлмаган ҳуқ-атвордан фарқлаш имконини беради. Хусусан, айбсиз ҳолда ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқариш, қасдан содир этилган тақдирдагина жазога лойиқ бўлган қилмишни эҳтиётсизлик орқасида содир этиш (ЖК 109-моддаси), шунингдек жиноят ҳуқуқи нормасида назарда тутилган,

¹ Левицкий Г.А. Квалификация преступления. «Правоведение», 1962, №1, с. 144.

лекин ушбу нормада кўрсатилган мақсадсиз (ЖК 164–169-моддалари) ёки қонунда кўрсатилгандан бошқа мотивларга кўра (ЖК 124–125-моддалари) содир этилган қилмиш жиноят ҳисобланмайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадининг йўқлиги кўпуровчилик (ЖК 161-моддаси) учун жавобгарликни истисно этади, моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаш, яъни қонунда кўрсатилган мотив мавжуд бўлмаган ҳолда эса, ёлланиш жинояти (ЖК 154-моддаси) таркиби ҳам мавжуд бўлмайди;

иккинчидан, жиноятнинг субъектив томони объектив белгиларга кўра ўхшаш бўлган жиноят таркибларини бир-биридан фарқлаш имконини беради. Масалан, қасддан одам ўлдириш ва эҳтиётсизлик оқсисида одам ўлдириш (ЖК 97 ва 102-моддалари) фақат айб шаклига кўра, ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш (ЖК 287-моддаси) дезертирлик (ЖК 288-моддаси)дан фақат мақсаднинг мазмунига кўра, терроризм (ЖК 155-моддаси) шахсга ёки мулкка қарши тажовузлардан халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш мақсадининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига кўра фарқ қилади;

учинчидан, жиноят субъектив томони факультатив белгиларининг фактик мазмуни, ҳатто улар ЖК Махсус қисмининг нормасида кўрсатилмаган бўлса ҳам, жиноятнинг ва уни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини, демак, ЖК 55–57-моддаларида мустаҳкамланган кўрсатмаларни ҳисобга олган ҳолда жавобгарлик хусусияти ва жазо миқдорини кўп жиҳатдан белгилайди;

тўртинчидан, содир этилган қилмиш ва жиноят субъектининг ижтимоий хавфлилик даражаси кўп жиҳатдан жиноят субъектив томонининг мазмуни билан белгиланади. Ўз навбатида, содир этилган

қилмиш ва жиноят субъектининг ижтимоий хавфлилик даражаси жавобгарликнинг хусусияти ва жазо миқдорига таъсир кўрсатади. Шу туфайли ҳам, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”, “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги ва бошқа қарорларида қасднинг мазмуни ва у нимага қарши қаратилганини, жиноятнинг мотиви ва мақсадларини синчиклаб текшириш, қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларни бир-биридан фарқлаш зарурлиги таъкидланган.

Жиноятнинг субъектив белгиларини аниқлаш жиноий хулқ-атвор фактик элементларининг таҳлилига яқун ясайди ва содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ва ғайриқонунийлиги ҳақида, пировард натижада эса – уни содир этган шахснинг айбдорлиги ҳақида хулоса чиқариш ва унинг жавобгарлиги ҳақида бир тўхтамга келиш учун асос беради.

I боб бўйича хулоса:

1. Жиноятнинг субъектив томони – бу жиноят таркибининг шахснинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этишини белгиланган ва ушбу жараён билан боғлиқ бўлган руҳий фаолиятини акс эттирувчи элементлар йиғиндиси бўлиб, айб, мотив ва мақсаддан иборатдир.

2. Жиноятларни квалификация қилиш – бу содир этилган қилмишда ижтимоий хавфли қилмишнинг белгилари Жиноят кодексининг Умумий ва Махсус қисмининг нормаларида кўзда тутилган жиноят таркибининг белгиларига мос келишини аниқлаш ҳамда кодекс тегишли моддасининг қўлланиши тўғрисидаги хулосани жиноят процессуал қонунига асосан мустаҳкамлаш ҳақидаги тўхтамга келишдир.

3. Жиноятнинг субъектив томони қилмишни квалификация қилишда қуйидаги хусусиятлари туфайли муҳим юридик аҳамият касб этади:

биринчидан, жиноий жавобгарлик асосининг таркибий қисми сифатида, у жиноий хулқ-атвори жиноий бўлмаган хулқ-атвордан фарқлаш имконини беради. Хусусан, айбсиз ҳолда ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқариш, қасддан содир этилган тақдирдагина жазога лойиқ бўлган қилмишни эҳтиётсизлик орқасида содир этиш (ЖК 109-моддаси), шунингдек жиноят ҳуқуқи нормасида назарда тутилган, лекин ушбу нормада кўрсатилган мақсадсиз (ЖК 164–169-моддалари) ёки қонунда кўрсатилгандан бошқа мотивларга кўра (ЖК 124–125-моддалари) содир этилган қилмиш жиноят ҳисобланмайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадининг йўқлиги кўпуровчилик (ЖК 161-моддаси) учун жавобгарликни истисно этади, моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаш, яъни қонунда кўрсатилган мотив мавжуд бўлмаган ҳолда эса, ёлланмиш жинояти (ЖК 154-моддаси) таркиби ҳам мавжуд бўлмайди;

иккинчидан, жиноятнинг субъектив томони объектив белгиларга кўра ўхшаш бўлган жиноят таркибларини бир-биридан фарқлаш имконини беради. Масалан, қасддан одам ўлдириш ва эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (ЖК 97 ва 102-моддалари) фақат айб шаклига кўра, ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш (ЖК 287-моддаси) дезертирлик (ЖК 288-моддаси)дан фақат мақсаднинг мазмунига кўра, терроризм (ЖК 155-моддаси) шахсга ёки мулкка қарши тажовузлардан халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш мақсадининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига кўра фарқ қилади;

учинчидан, жиноят субъектив томони факультатив белгиларининг фактик мазмуни, ҳатто улар ЖК Махсус қисмининг нормасида кўрсатилмаган бўлса ҳам, жиноятнинг ва уни содир этган шахснинг

ижтимоий хавфлилик даражасини, демак, ЖК 55–57-моддаларида мустаҳкамланган кўрсатмаларни ҳисобга олган ҳолда жавобгарлик хусусияти ва жазо миқдорини кўп жиҳатдан белгилайди;

тўртинчидан, содир этилган қилмиш ва жиноят субъектининг ижтимоий хавфлилик даражаси кўп жиҳатдан жиноят субъектив томонининг мазмуни билан белгиланади. Ўз навбатида, содир этилган қилмиш ва жиноят субъектининг ижтимоий хавфлилик даражаси жавобгарликнинг хусусияти ва жазо миқдorigа таъсир кўрсатади. Шу туфайли ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида”, “Одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги ва бошқа қарорларида қасднинг мазмуни ва у нимага қарши қаратилганини, жиноятнинг мотиви ва мақсадларини синчиклаб текшириш, қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларни бир-биридан фарқлаш зарурлиги таъкидланган.

II БОБ. ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИНИНГ ЗАРУРИЙ ВА ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШГА ТАЪСИРИ

1. Жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси ва унинг қилмишни квалификация қилишга таъсири

Жиноят ҳукуқи назариясида ва қонунни қўллаш амалиётида жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланган “айб” тушунчасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Зотан, айб тушунчасини ёритиш: *биринчидан*, ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда вужудга келган руҳий ҳодиса сифатида айбнинг моҳиятини очиқ беришга; *иккинчидан*, айбнинг мазмуни ва унинг моҳияти нимага қаратилганлигини аниқлашга, *учинчидан*, айбли муносабат нимага қаратилганлигини (қилмишгами, унинг оқибатларигами ёки умуман жиноятгами) аниқлашга, *тўртинчидан*, қилмишнинг онгли ёки онгсиз руҳий ҳолатда ёхуд ҳар иккаласининг ўзаро таъсирида содир этилганлигига тўғри баҳо беришга, *бешинчидан*, жиноятнинг субъектив томонида айбнинг тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлашга хизмат қилади.

Жиноят ҳукуқи назариясида айб, одатда, шахснинг ўзи содир этаётган қилмиш ва унинг оқибатларига бўлган қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги руҳий муносабати сифатида таърифланади¹. Бундан икки аср муқаддам айтилганидек, “Айб, айблилик тўғрисидаги таълимот, унинг аниқ ва тўлиқ ишлаб чиқилганлигининг юқори ҳамда қуйи даражаси жиноят ҳукуқининг ўзига хос барометри (чуқурликни ўлчовчи асбоб) ролини ўтайди. У – жиноят ҳукуқининг маданийлик даражасини кўрсатиб турувчи энг самарали кўрсаткичдир”². Дарҳақиқат, айбни аниқлаш жиноятни квалификация қилиш ва жазо тайинлашда муҳим аҳамият касб этиб, айб жиноий жавобгарликнинг “ядроси”ни³ ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ҳам айбни содир этилган жиноятнинг

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. / Масъул муҳаррир: Н. Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2011. – Б. 14.

² Фельдштейн Г.С. Природа умысла. – М., 1989. – С. 2.

³ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. / Масъул муҳаррир: Н. Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2011. – Б. 14.

асосий элементларидан бири сифатида кўрсатиб, ҳукм шахснинг айбдорлигини (айбсизлигини) белгилайди, ҳуқуқий жиҳатдан унинг ҳаракатини (ҳаракатсизлигини), жазо тури ва миқдорини аниқлайди¹. Умуман олганда, мазкур тушунчани ёритишда олимлар ва мутахассислар ўртасида ягона ёндашув мавжуд эмас. Хусусан, Ш.Ё.Абдуқодировнинг фикрича, айб – бу шахснинг ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан руҳий муносабатидир². М.Ҳ.Рустамбаевнинг қайд этишича, “айб – шахснинг ўзи томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги)га ва унинг ижтимоий хавфли оқибатларига нисбатан бўлган руҳий муносабатининг қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги кўринишидир”³. С.Ниёзованинг таъкидлашича, жиноятда айб бу фақатгина жиноятчига нисбатан руҳий муносабат бўлмасдан, шахс ўзи томонидан содир этилган аниқ жиноят таркибидан иборат бўлган ижтимоий хавфли қилмишга ва унинг оқибатига бўлган муносабатидир. Айбни ана шундай тушунган ҳолда судлар олдида шахснинг салбий ниятларига баҳо бермасдан, балки ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилганида унинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш вазифаси ётади. Шунингдек, шахснинг аниқ жиноят содир этишда айбли ёки айбсиз эканлиги масаласини ҳал қилиш ҳар томонлама масалага жиддий эътибор қилишини таъминлайди⁴. Билдирилган фикрга тўла қўшилиб бўлмайди, чунки таъриф мазмунига кўра, жиноят содир этаётган шахс яна бошқа жиноят содир этган шахсга ҳам руҳий муносабатда бўлиши ҳақида нотўғри тасаввур пайдо бўлади.

П.Бакунов айбга қуйидагича таъриф беришни таклиф қилади: Айб бу шахснинг ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг ижтимоий хавфли оқибатларига руҳий муносабатини кўрсатувчи, қасд ёки

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 2-сонли қарори. // www.lex.uz

² Абдуқодиров Ш.Ё. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли ва унинг белгилари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 29.

³ Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т. 1. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Дарслик. – Тошкент: ИЛМ ЗИҲО, 2010. – Б. 167.

⁴ Ниёзова С.С. Ўзгалир мулкани иштирокчиликда талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. ном. олиш учун ёзил. дис... – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 55.

эҳтиётсизлик шаклида ифодаланувчи жиноятнинг ажралмас белгисидир¹. Ушбу берилган таърифда фақат моддий таркибли жиноятлар ҳисобга олиниб, формал таркибли жиноятлар эътибордан четда қолгандек тасаввур пайдо бўлади.

О.Юсупджановнинг таъкидлашича, айб – мавҳум тушунча бўлиб, у жиноят содир этаётган вақтда шахснинг онгида юз берган субъектив жараёнларни ҳамда ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинган ва солинмаган хатти-ҳаракат қоидаларини у ёки бу тарзда бузувчи қилмишни акс эттириш учун зарур². И.А.Гревнованинг талкинига кўра, “айб – бу шахснинг ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг келиб чиққан оқибатларига бўлган қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги, шахс, жамият ёки давлат манфаатларига у салбий ёки бефарқ қарашини ифодаладиган онгли-руҳий муносабатидир”³. В.В.Лунеев мазкур таърифни бироз кенгайтиради ва айбни “шахснинг ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишга, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига ва жиноятни содир этишнинг бошқа юридик аҳамиятга молик ҳолатларига бўлган руҳий муносабати” сифатида таърифлайди⁴. А.В.Гребенюк айб деганда, шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишга ва мазкур қилмишнинг содир этилиши натижасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатларга бўлган руҳий муносабатини тушунишни таклиф қилади⁵.

В.А.Якушин янада мураккаб таърифни илгари суради: “айб – бу инсон ички дунёсининг содир этилаётган ғайриқонуний қилмиш билан унга бўлган муайян шакллардаги руҳий муносабат тарзидаги алоқасини ифодаладиган ва шу туфайли ҳам субъектив айблаш, қилмишни

¹ Бакунов П.Б. Айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида. – Тошкент: Адолат, 2006. – Б. 46.

² Юсупджанов О.А. Мураккаб айбли жиноятларни квалификация қилиш муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 29.

³ Гревнова И.А. Вина как принцип уголовного права Российской Федерации: Дисс. ...канд. юрид. наук. – Саратов, 2001. – С. 52.

⁴ Лунеев В.В. Субъективное вменение. – М., 2000. – С. 12.

⁵ Гребенюк А.В. Вина в российском уголовном праве. Автореф. ...дисс. канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2004. – С. 4.

квалификация қилиш, ушбу қилмиш учун жиноий жавобгарликнинг мазмуни ва чегарасини аниқлаш асосларидан бири ҳисобланадиган ҳуқуқий категория”¹.

Энг кенг таърифга С.А.Ивановнинг ишида дуч келиш мумкин: “Айб – бу жиноят қонунида назарда тутилган ва психологик, ахлоқий, юридик ва ижтимоий табиатга эга бўлган, жиноят субъектив томонининг муқаррар белгисини ифодаладиган, жиноий жавобгарликка тортиш ва жазолаш учун зарурий шарт ҳисобланадиган, субъектнинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишга ва мазкур қилмиш натижасида келиб чиққан оқибатларга бўлган рухий (онгли-ихтиёрий) муносабатини акс эттирадиган, шунингдек шакл (қасд ва эҳтиётсизлик), мазмун, даража, моҳият ва ҳажм сингари шартли кўрсаткичларга эга бўлган категория”².

Ҳозирги даврда кўпгина олимлар илгари рад этилган айб нисбий концепциясига ҳам эътиборни қаратадилар. Масалан, С.В.Векленко куйидаги хулосага келади: “Жиноят ҳуқуқида айб фақат жиноят содир этган шахснинг ўзи содир этаётган ҳаракат ёки ҳаракатсизликка ва ўз ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида юз берадиган ёки юз бериши мумкин бўлган оқибатларга бўлган рухий муносабати билангина боғланиши мумкин эмас. Айб субъектив-объектив мазмунини икки мустақил муносабат ташкил этадиган тушунчадир: 1) ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг ўзи содир этган қилмишга бўлган муносабати; 2) жамиятнинг мазкур ҳуқуқбузарликка ва уни содир этган шахсга бўлган муносабати. Жамиятнинг ҳуқуқбузарга бўлган муносабати замирида лозим ҳулқ-атвор, яъни шахснинг у ёки бу вазиятга нисбатан кутилаётган ва прогнозлаштирилаётган муносабати ётади”³.

Айрим муаллифлар эса, айбнинг мазмунини фақат уни нисбий тушуниш орқали таърифлашни таклиф қиладилар. Хусусан, С.В.Скляр

¹ Якушин В.А., Каштанов К.Ф. Вина как основа субъективного вменения. – Средневолжский научный центр, 1997. – С. 6.

² Иванов С.А. Понятие вины и ее основные характеристики в уголовном праве: Дисс. ...канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2004. – С. 29–30.

³ Векленко С.В. Виновное вменение в уголовном праве. Автореф. дисс. ...д-ра юрид. наук. – Омск, 2003. – С. 10–11.

фикрига кўра, “айб – бу шахс ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) муайян хулқ-атвор қоидаларини бузишини ёки у атрофдагиларга зиён етказиши мумкин бўлган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни содир этаётганда эҳтиёт чораларига риоя қилмаётганини қай даражада англаганига ҳамда жинойт қонуни билан қўриқланадиган манфаатларга зиён етиши мумкинлигига унинг қай даражада кўзи етгани ёки бундай кўзи етиш имкониятининг мавжудлигига суд томонидан берилган баҳо”¹.

И.С.Иванов айбни ҳуқуқбузар ғайриқонуний ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликни содир этишга тайёргарлик кўраётган ёки уларни бевосита бажараётган пайтда унинг бош миясида юз берадиган, ушбу қилмишлар билан бевосита боғлиқ бўлган муайян рухий ҳодисаларга жамият томонидан берилган салбий баҳо сифатида таърифлайди².

Айбнинг психологик ва нисбий концепциялари тарафдорлари ишларининг таҳлили айб тушунчасига берилган таърифларнинг аксариятида шахснинг ўзи содир этаётган қилмишга бўлган муайян муносабати биринчи даражали аҳамият касб этади, деган хулосага келиш имконини беради. Таърифлар ўртасидаги фарқ, энг аввало, қўшимча равишда киритилган белгилар сонига кузатилади.

Айб – психология, фалсафада ва инсон билимларининг бошқа соҳаларида ўз маъносига эга бўлган ўта мураккаб ва серқирра тушунчадир³. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуқтаи назаридан шахснинг ўз қилмишига бўлган айбли муносабати элементлари тўғрисидаги муаммо ҳам долзарб аҳамият касб этади. Жинойт қонуни нормаларида қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги айб ҳар қандай ижтимоий хавфли ҳаракатлар ва келиб чиққан оқибатларга нисбатан аниқланиши лозимлиги қайд этилган (ЖК 9, 21-моддалари). ЖК Умумий қисми моддаларининг таҳлили тегишли ҳолларда қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатадиган

¹ Скляров С.В. Вина и мотивы преступного поведения. – СПб., 2004. – С. 22.

² Иванов И.С. К вопросу соотношения форм вины и их основных признаков // Российский следователь. – 2005. - №11.

³ Иванов С.А. Понятие вины и ее основные характеристики в уголовном праве: Дисс. ...канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2004. – С. 27.

руҳий жараёнларнинг бутун бир рўйхатини тузиш имконини беради. Хусусан: ихтиёрийлик (ЖК 26-моддаси “Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш”, ЖК 66-моддаси “Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш”); аксинча, ихтиёрийликнинг мавжуд эмаслиги – руҳий ёки жисмоний мажбурлаш таъсирида жиноят содир этиш (ЖК 38-моддасининг тўртинчи қисми); кутилмаганлик (ЖК 37-моддаси “Зарурий мудофаа”); майл (ЖК 55-моддаси “Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар”, 56-моддаси “Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар”).

Бундан ташқари, ЖК Махсус қисмидаги кўпгина жиноят таркибларининг тавсифларида, шунингдек квалификация қилувчи белгиларнинг таърифларида мотивлар, мақсадлар сингари субъектив белгиларга ишоралар мавжуд.

Жиноят ҳуқуқи фанида ўз қилмишига бўлган айбли муносабат элементларини белгилашга нисбатан уч хил ёндашувни фарқлаш мумкин.

Биринчи ёндашувга кўра, айб (айбдорлик) муайян жиноятнинг субъектив ва объектив белгилари йиғиндиси ҳисобланади¹. Айбнинг мазкур талқинига асосан ўтган асрнинг 50–70-йилларида эълон қилинган ишларда дуч келиш мумкин ва у ўша йиллардаги давлат мафқурасига хос бўлган қуйидаги икки жараён маҳсулидир: 1) объектив айбланишнинг танқиди; 2) айбнинг ижтимоий табиатини аниқлашга уриниш. Бунда айб жиноят содир этувчи шахснинг онгида юз берадиган барча руҳий жараёнлардан ҳам анча кенг тушунча сифатида намоён бўлади. Г.А.Злобин бу хусусда шундай деб ёзади: “Жиноий қилмишнинг субъектив томонини ташкил этадиган айб аини вақтда жиноятнинг яхлит тавсифи сифатида ҳам амал қилади... Айбнинг бу хусусиятлари уни жиноий жавобгарликнинг ҳам объектив, ҳам абстракт-субъектив айбланишга зид бўлган зарурий ва етарли

¹ Утевский Б.С. Вина в советском уголовном праве. – М., 1950. – С. 53.; Алексеев Н.С. Доказывание и его предмет в советском уголовном процессе / Актуальные проблемы советского государства и права. – Л., 1967. – С. 455.; Демидов Ю.А. Социальная ценность и оценка в уголовном праве. – М., 1995. – С. 117–118.

асосига айлантиради”¹. Ю.А.Демидов фикрига кўра эса, “айб қасд ва эҳтиётсизликсиз ҳам, жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишсиз ҳам мавжуд бўлмайди. Айбнинг мазмуни муайян шахс томонидан жиноят содир этилиши, қилмиш объектив ва субъектив ҳолатларининг бирлиги билан белгиланади”².

Бу концепция кейинчалик танқид остига олинди³. Дарҳақиқат, айб тушунчасининг бундай кенг талқинидан ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланиш анча қийин иш, чунки бу ҳолда объектив белгилар икки марта: жиноят таркибининг мустақил элементи сифатида ва шахс айбининг бир қисми сифатида аниқланиши лозим.

Ҳозирги вақтда жиноят ҳуқуқи фанида *етакчилик қилаётган нуқтаи назарга кўра*, айб – бу ҳар қандай жиноят таркибининг муқаррар белгиси, лекин у жиноят субъектив томонининг (мотив, мақсад билан бирга) белгиларидан бири, холос.

Криминологик нуқтаи назардан олиб қараганда, жиноий ҳуқ-атвор омиллари – мотивлар ёки мақсадларни билмасдан шхснинг айбини аниқлаш мумкин эмас. Жиноят-процессуал қонунида шахснинг жиноятни содир этишда айбдорлиги, айб шакли ва мотивлари жиноят ишини юритишда исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар қаторига киритилган. А.В.Смирнов ва К.Б.Калиновский айб тушунчасига ҳолатларнинг икки гуруҳини киритишни таклиф қилади: а) жиноий қилмишни содир этишга шахснинг дахлдорлиги; б) айб – шахснинг ўз ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ва унинг оқибатларига бўлган қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги руҳий муносабатининг мавжудлиги. Мотив у тегишли жиноят таркиби билан қамраб олинган-олинмаганидан қатъи назар аниқланиши

¹ Злобин Г.А. Виновное вменение в историческом аспекте. / Уголовное право в борьбе с преступностью. – М., 1981. – С. 23.

² Демидов Ю.А. Социальная ценность и оценка в уголовном праве. – М., 1995. – С. 117-118.

³ Рарог А.И. Субъективная сторона и квалификация преступлений. – М., 2001. – С. 11.; Нерсисян В.А. Понятие и формы вины в уголовном праве // Правоведение. – 2002. - №2. – С. 68.

лозим, чунки акс ҳолда жиноят ва айбдор шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш мумкин эмас¹.

Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи назариясида муаллифлар мотивлар, мақсадлар ва айб ўртасида яқин алоқа мавжудлигини қайд этадилар. Хусусан, ҳар қандай, айниқса эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятда ушбу белгиларни аниқлаш шартлигини бутунлай инкор этувчи А.И.Рарог ҳар қандай онгли хулқ-атвор мотивланган ва изчил эканлигини, мотив ва мақсад эса жиноят субъектив томонининг айб билан узвий боғлиқ бўлган белгилари ҳисобланишини эътироф этади².

С.А.Манойлова субъектив томон белгиларини муқаррар (асосий) ва факультативга ажратиш муайян жиноятнинг субъектив томони таърифида мустақамланмаган белгиларни иккинчи даражали белгилар деб эътироф этиш учун асос сифатида талқин қилинмаслиги лозимлигини таъкидлайди³.

С.В.Дубовиченко мақсад ҳаракатлар хусусиятини ва оқибатларни олдиндан кўра билиш чегарасини белгилашини, қасддан содир этиладиган жиноятнинг интеллектуал омиллари замирида мотивнинг маъно ҳосил қилувчи функцияси ётишини қайд этади. Муаллиф фикрига кўра, “қасднинг ақлий омиллари ва мақсад ўртасида яқин алоқа мавжудлигига қарамай, у жиноят субъектив томонининг мустақил белгиси ҳисобланади”⁴.

Е.А.Симонова эса айбнинг мазмунига жиноят содир этаётган шахсининг онги ва руҳиятида кечадиган руҳий жараёнлар билан бир

¹ Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации. Постатейный / Смирнов А.В., Калиновский К.Б. – М., 2007. – С. 230.

² Рарог А.И. Настольная книга судьи по квалификации преступлений. Практическое пособие. – М., 2006. – С. 106–107.

³ Манойлова С.А. Эмоции в уголовном праве. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2008. – С. 11.

⁴ Дубовиченко С.В. Интеллектуальные моменты умышленной формы вины. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Тольятти, 2007. – С. 8.

каторда, уларни келтириб чиқарадиган ижтимоий хавфли мотивлар ва хатти-ҳаракатларнинг мақсадлари ҳам киради, деб ҳисоблайди¹.

Дарҳақиқат, қасддан содир этиладиган жиноятлар билан бир каторда, эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларнинг айримларида ҳам хулқ-атвор мотивлари ва мақсадлари жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Масалан, агар шахс тажовуздан ҳимояланаётганда ёки шовқин қилаётган кўшнилари кўркитиш мақсадида эшик орқасида туриб ўқ узган бўлса, эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш ҳар хил квалификация қилинади.

Ҳар қандай ҳолда ҳам мотивлар ва мақсадлар айбловни шакллантиришда жиноий жавобгарлик ва жазо миқдорига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар ҳисобланади: “Субъектив маънода мотив ҳаракат қилаётган шахс қарор қабул қилиши учун асос, у содир этаётган қилмишнинг онгли (ёки англаб етилмаган) сабабигина, ҳолос. Объектив маънода эса мотив жамият томонидан яхши ёки ёмон ният сифатида баҳоланади”².

Шу ўринда қонун ҳужжатларидаги айрим номутаносибликларни ҳам кўриб чиқиш лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 82-моддасида айблаш ва ҳукм қилиш учун асослар келтирилган бўлиб, унга кўра, ишни айблов ҳулосаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун қуйидагилар исботланган бўлиши керак: 1) жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар; 2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш; 3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги; 4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги,

¹ Симонова Е.А. Вина в уголовном праве и законодательстве России / Современные разновидности российской и мировой преступности: состояние, тенденции, возможности и перспективы противодействия. Сборник научных трудов под ред. Н.А.Лопашенко. – Саратов, 2005. – С. 398.

² Кудрявцев В.Н. Борьба мотивов в преступном поведении. – М., 2007. – С. 52.

жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари; 5) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

Шунингдек, ушбу ЖКда ҳам жазо тайинлашнинг умумий асослари белгиланган бўлиб, унда жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиниши назарда тутилган. Кўриб турганимиздек, процессуал ҳуқуқ нормасида жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадларини аниқлашни иш юритишда энг муҳим талаблардан бири сифатида белгиланган бўлса-да, моддий ҳуқуқ нормасида ушбуларни аниқлаш “шарт эмаслиги” белгиланган. Бу эса, аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни белгилаётган иккита қонун ҳужжатининг ўзаро немувофиқлигидан далолатдир. Бизнингча, мазкур ҳолатда ЖПКда белгиланган норма асосли бўлиб, жиноятнинг субъектив томонини акс эттирувчи ҳолатларни аниқланиши лозимлигини қонун билан мустаҳкамлаш талаб этилади.

Бизнингча, ЖК 54-моддаси иккинчи қисмига қуйидаги қўшимчани:

“айбдорнинг шахсини” сўзларидан сўнг, **“, айбнинг шакли ва даражасини”** сўзларини киритиш лозим.

Айб тушунчасининг таҳлили натижалари асосида қуйидаги хулосаларни таърифлаш мумкин. Айб, мотивлар ва мақсадларни фарқлаш ҳар бир белгининг психологик мазмунини аниқлаш ва уларга юридик тавсиф бериш учун имконият яратади, яъни у жиноят ҳуқуқи назариясининг объектив эҳтиёжлари билан белгиланади. Бинобарин, уларни жиноят субъектив томонининг мустақил белгилари сифатида эътироф этишдан воз кечмаслик лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида айб тушунчасига таъриф берилмаган. Бироқ, унинг аҳамияти шундаки, айб ҳар

кандай жиноятнинг мажбурий элементи ҳисобланади, чунки, ЖК 14-моддасига кўра, ЖК билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Шунингдек, ЖКда айб тушунчасининг мазмуни унинг аниқ шакллари тавсифлаш орқали ёритилган.

Жиноят ҳукуқи назариясига кўра Айб - жиноятчининг содир қилган ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ҳамда унинг ижтимоий хавфли оқибатига қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги руҳий муносабатидир¹.

ЖКнинг “Айб” деб номланган V боби шу ном билан номланган бўлишига қарамай мазкур бобда айб тушунчасини ёритилмасдан тўғридан тўғри унинг шаклларига эътибор қаратиш билан бошланиб, айб тушунчаси ёритиб берилмаган ва аксинча айбдор масаласи ёритилган. Фикрмизча, шахсни айбдор деб топиш ва унга “айб” қўйиш учун ҳамда жиноятни тўғри квалификация қилиш учун унинг айблилик масаласини ҳал қилиш лозим бўлиб, айблилик масаласини ҳал қилишда эса айбнинг ўзи нима эканлигини қонунда кўрсатиш лозим. Зеро профессор М.Ҳ.Рустамбоев мутлақо тўғри таъкидлаганидек, Айб, шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишига ва шунинг натижасидаги ижтимоий хавфли оқибатларига нисбатан бўлган руҳий муносабати сифатида жиноят субъектив томони таркибини таркибини батамом тугатмасада, унинг ядросини ташкил этади². ЖК 20-моддасини **“Айб ва унинг шакллари”** деб номлаб, унда айбнинг аниқ таърифини бериш мумкин деб ҳисоблаймиз **“Айб-жиноятчининг содир қилган ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ҳамда унинг ижтимоий хавфли оқибатига нисбатан руҳий ҳолати бўлиб, айб қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида бўлади”** деган таҳрирда баён қилиниши мумкин.

¹ Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳукуқи. Умумий қисм: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: “Насаф” нашриёти, 2010. – Б. 196.

² Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳукуқи курси. 5 томли. 1 том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. Дарслик. Тошкент. “ILM ZIYO”, 2010. Б-167.

Жиноят кодексига юқоридаги тузатиш киритилиши шу бобда жойлашган 21-23-моддалардаги айб шакллари ҳам номлари уларнинг мазмунига мослаштирилишини талаб этиши табиий деб ҳисоблаймиз. Чунки, бу бобда биринчидан жиноят тўғрисида эмас айб ва унинг шакллари ҳақидаги нормалар мустаҳкамланган. Иккинчидан эса қасд ва эҳтиётсизлик тушунчалари назария ҳамда амалиётда жиноятнинг шакли эмас аксинча айбнинг шакли ҳисобланади. ЖК нинг 21-моддасини **“Қасд шаклидаги айб”**, 22-моддани **“Эҳтиётсизлик шаклидаги айб”**, 23-моддани эса **“Мураккаб айб”** тарзида номлаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Айбнинг шакллари айбдорнинг руҳиятида ғайриқонуний қилмишнинг юридик аҳамиятга молик объектив хусусиятларига нисбатан кечадиган жараёнлар бирикмасига кўра фарқланади. ЖК 21-моддасида қасднинг учта руҳий элементи белгиланган. Булар икки ақлий омил: ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини англаш; қилмишнинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етиш ҳамда битта руҳий омил: тўғри қасдда ижтимоий хавfli оқибатларнинг юз беришини исташ ёки эгри қасдда ижтимоий хавfli оқибатларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйишдир.

Қонунда қасднинг **биринчи психологик элементи** сифатида ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавfli хусусиятини англаш кўрсатилган (ЖК 21-моддаси). М.Х.Рустамбаевнинг қайд этишича, шахс томонидан қилмишнинг ижтимоий хавfliлик хусусиятини англаш, *бириинчидан*, қилмишнинг ҳақиқий моҳиятини, *иккинчидан*, унинг ижтимоий аҳамиятини билишни билдиради. Англаш тажовуз қаратилган манфаат, қимматликларнинг хусусияти тўғрисида тасаввур мавжудлиги, яъни жиноятнинг объекти, қилмишнинг моҳияти, унинг воситасида тажовуз амалга ошириладиган ҳамда бошқа жиноят содир этишдаги фактик ҳолатлар (вақт, усул, ҳолат)ни намоён этади¹.

¹ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т. 1. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Дарслик. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2010. – Б. 174.

Ушбу элемент хусусида А.И.Рарог шундай деб ёзган: “Тўғри қасд ақлий элементининг белгиси содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфли хусусиятини, яъни ҳеч бўлмаса тажовуз объектининг умумий тавсифини, шунингдек ҳаракат ёки ҳаракатсизлик барча таркибий элементларининг ҳақиқий мазмуни ва ижтимоий хусусиятларини англаш ҳисобланади”¹. Бу фикрни мазкур масала юзасидан берилган кенг таъриф, деб айтиш мумкин.

Шу билан биргаликда қуйидагиларни ҳам қайд этиш мумкин:

биринчидан, шахс ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий аҳамиятини англаши қилмишнинг зарарлигини англаш билан баробар, чунки айнан зарарлилик ҳар қандай жиноятнинг жиноят объекти билан узвий боғлиқ бўлган объектив белгисидир. Агар жамиятда нормал деб қабул қилинган ижтимоий муносабат (жиноятнинг объекти) жиноятчи томонидан ўзгартирилган бўлса, қилмиш зарарли деб ҳисобланади. Масалан, номусга тегиш жинояти содир этилганда, жинсий алоқа қилиш учун эркакни танлаш эркинлигини ўз ичига олувчи ижтимоий муносабат зўрлик ишлатиш билан алмаштирилади. Шахс юридик аҳамиятга эга ҳақиқий ҳолатларни англаши эса, у ўз хулқ-атвори мазкур жамиятда қабул қилинган меъёрлардан оғаетганини тушунишига сабаб бўлади. Бу оғиш қанча кучли бўлса, содир этилган қилмиш жамият учун шунча зарарли бўлади. Шундай қилиб, содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий аҳамиятини англаш (тушуниш) унинг ҳақиқий мазмунини тушунишни тақозо қилади;

иккинчидан, айрим муаллифлар ўз ишларида “ижтимоий хавфлилик” белгисини “қонунга хилофлик”, “зарарлилик” белгиси билан алмаштиришни ёки уни айбнинг мазмунидан бутунлай чиқариб ташлашни таклиф қиладилар. Хусусан, В.В.Лунеев: “Жиноятлар деб барча ижтимоий хавфли қилмишлар ҳам эътироф этилавермайди, қонунга хилоф деб

¹ Рарог А.И. Проблемы субъективной стороны преступления: Учебное пособие. – М., 1991. – С. 21.

белгиланган қилмишларнинг аксарияти эса ижтимоий хавфли ҳисобланмайди”¹, деб ёзади.

Мазкур нуқтаи назар тарафдори ҳисобланган С.В.Скляровнинг фикрича, “айб тушунчасига ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфлилигини англашнинг киритилиши кўп жиҳатдан объективдир, чунки шахс ўзи содир этаётган қилмишнинг ижтимоий хавфли хусусиятини (гарчи, у жиноят қонунига мувофиқ жазога лойиқ қилмишлар қаторига киритилган бўлса-да) англамаслиги ҳам мумкин”².

Бу ерда фуқаролар ҳуқуқий онгининг даражаси уларнинг жиноят қонунига риоя қилишга психологик жиҳатдан тайёрлигини англатади, жиноят қонуни эса, ўз навбатида, давлат ҳаётини ташкил этишга хизмат қиладиган ахлоқий ва маънавий меъёрларни акс эттиради. Зеро, айтиш шунинг учун сабабли ғайриқонуний қилмишлар муайян давлатдаги нормал ижтимоий муносабатлар учун фақат ғайриқонуний ҳолларда хавфлилик белгисига эга бўлмайди. Инсон эса, агар у муомалага лаёқатли бўлса, ўз хулқ-атвори қачон ижтимоий хавфли ҳисобланишининг фарқига боради ва тегишли равишда жавобгарликка тортилади.

Бир гуруҳ муаллифлар томонидан қайд этилган “қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш ҳар бир иш бўйича махсус исбот қилишни талаб этмайди, чунки ўз қилмишларининг ижтимоий аҳамиятини англаш қобилияти ҳар бир инсонга унинг ҳаёт тажрибаси ва ўзлаштирган билимлари асосида ҳосил бўлади”³, деган фикрга қўшилиш қийин.

Чунки, жиноий жавобгарлик ёшига тўлган ақли расо жисмоний шахснинг онгида унинг ҳар бир хатти-ҳаракати акс этади. Аммо, у айнан қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаганини қайд этиш учун нормал хулқ-атвори ижтимоий зарарли хулқ-атвордан фарқлаш имконини берадиган объектив белгиларнинг барчаси шахснинг онгида акс этганини аниқлаш талаб этилади. Масалан, болани унинг яқин қариндошлари

¹ Лунеев В.В. Субъективное вменение. – М., 2000. – С. 34.

² Скляров С.В. Вина и мотивы преступного поведения. – СПб., 2004. – С. 18.

³ Комментарий к Уголовному кодексу РФ (постатейный). / Ашин А.А., Войтович А.П., Волженкин Б.В. и др. Под ред. А.И.Чучаева. – М., 2009. – С. 41–42.

(масалан, бобоси ёки бувиси) ота-онасининг хоҳишига зид равишда олиши ва ушлаб туриши, агар бу ҳаракатлар боланинг манфаатларида содир этилаётган бўлса, одам ўғирлаш ҳисобланмайди.

Шундай қилиб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш қасднинг муҳим, формал таркибли жиноятлар учун эса ягона элементиدير. У шахс ўз хулқ-атвори мазкур жамиятда қабул қилинган меъёрлардан оғганини тушунишини ўз ичига олади.

Қасднинг **иккинчи ақлий белгиси** ўз қилмишининг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етганлик ҳисобланади. ЖК 21-моддасига мувофиқ ўз қилмишининг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етганликнинг мазмуни қасд турига қараб фарқ қилади. Тўғри қасдда шахс ўз қилмиши ижтимоий хавfli оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ёки уларнинг юз бериши муқаррар эканлигига кўзи етади. Эгри қасдда эса, шахс фақат ўз қилмиши ижтимоий хавfli оқибатларга олиб келиши мумкинлигига кўзи етади.

Ушбу белги фақат содир этилган қилмиш ЖК Махсус қисмининг моддасида моддий таркибли жиноят сифатида назарда тутилган ҳолда, шунингдек ЖК Махсус қисмининг моддасида муайян таркибнинг жазони оғирлаштирувчи белгиси сифатида назарда тутилган қўшимча оғир оқибатлар юз беришига сабаб бўлган қилмиш (масалан, оғир оқибатларга олиб келган номусга тегиш – ЖК 118-моддаси учинчи қисмининг “д” банди) содир этилган тақдирда аниқланиши лозим.

Шу маънода И.С.Ивановнинг қуйидаги хулосасига қўшилиш мумкин: “Ўз қилмишининг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етганликнинг аниқлиги субъектнинг шахсиятига, унинг таҳлилий қобилиятларига, ақл-заковати даражасига, руҳиятининг ҳолатига, бошқа психологик ва физиологик хусусиятларига боғлиқ бўлади. Ҳатто, ўз қилмишининг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етиш ҳуқуқбузарнинг хатти-ҳаракатлари билан юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни прогнозлаштириш

сифатида қаралган ҳолда ҳам, у фақат тахминий хусусият касб этади”¹. Бинобарин, қасдда ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етганлик шу билан тавсифланади, шахс ўзи тахмин қилаётган оқибатлардан келиб чиқиб ва уларга мувофиқ ҳаракат қилади. Айни шу сабабли, баъзи бир муаллифлар тақлиф қилаётгандек², ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етганликни қасднинг таърифидан чиқариб ташлаш моддий таркибли жиноятлар учун айбнинг мазмунини асоссиз равишда чеклайди. Аммо, қилмишнинг ижтимоий хавфли хусусиятини англаш ва унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етиш ўртасида узвий алоқа мавжудлигини инкор этиш қийин.

Тўғри қасдда шахс ижтимоий хавфли оқибатлар юз бериши мумкинлигига кўзи етган бўлиши ҳам мумкин. Яъни, объектив томондан жиноят турли ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) билан тавсифланади. Бошқа томондан, ҳар қандай ҳаракат, умуман олганда, бир нечта оқибатларга олиб келиши мумкин. Аммо, тўғри қасдда шахс ўзининг бор куч-ғайратини аниқ жиноий натижага эришишга қаратиши боис, ижтимоий хавфли оқибатлар юз бериши мумкинлигига кўзи етганлик содир этилган қилмиш билан юз бериши мумкин бўлган зарарли натижа ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигини тасаввур қилишни ҳам ўз ичига олади. Шундай қилиб, тўғри қасдда ижтимоий хавфли оқибатлар юз бериши мумкинлиги бу айбдорнинг улар юз бериши муқаррарлигига бўлган хаёлий ишончидир. Аммо, сабабий боғланиш ривожланиши мутлақ муқаррар эмаслиги боис, бу ҳолатда шахснинг жиноий оқибат келиб чиқиши “мумкинлиги ёки муқаррарлигига кўзи етган”лигини инобатга олиш лозим. *Масалан*, 16 калибрли милтиқдан одамга яқин масофадан ўқ узишнинг эҳтимол тутилган оқибати унинг ўлими бўлади, яъни бу тўғри қасд билан одам ўлдириш имкониятидир.

¹ Иванов И.С. К вопросу соотношения форм вины и их основных признаков. // Российский следователь. – 2005. - №11.

² Иванов Н.Г. Умысел в уголовном праве. // Российская юстиция. – 1995. - №12. – С. 18.

Эгри қасдда ижтимоий хавфли оқибатлар юз бериши мумкинлигига кўзи етганликка келсак, бу ерда мазкур белги ҳам бир нечта муқобил оқибатларни, ҳам сабабий боғланиш ривожланишининг бир неча имкониятларини ўз ичига олади. Оқибатларнинг икир-чикирлари ва воқеаларнинг ривожланиш имкониятлари режалаштирилмайди, тўғри қасдга хос бўлган ҳаракатлар аниқ йўналтирилмайди. Аммо, ҳар қандай ҳолда ҳам объектив томондан аниқ аксилижтимоий хулқ-атвор мавжуд бўлади (эгри қасд, одатда, зарар етказиш муштлашув пайтида ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатларда юз берадиган жиноятларга хос). Яъни, бу ерда ҳам ижтимоий хавфли оқибатлар юз бериши мумкинлигини аниқлаш содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги англашга асосланади.

Қасднинг **учинчи элементи** – тўғри қасдда ижтимоий хавфли оқибатлар юз беришини истаганлик ва эгри қасдда ижтимоий хавфли оқибатларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйганлик дастлабки икки элементдан фарқли ўлароқ, рухий элемент ҳисобланади. Аммо “истак – бу мақсадга эришишга қаратилган ирода”¹ ёки “ирода – бу амалга оширилаётган истақ”², деган фикрларга қўшилиш қийин.

Ҳозирги замон психологиясида сўнгги йилларда инсон хулқ-атворини аввалбошдан фаол деб тушунишга асосланган концепция ривожланмоқда. Ушбу концепция физиология соҳасида Н.А.Бернштейн ва П.К.Анохин томонидан ўтказилган тадқиқотлар билан қўллаб-қувватланмоқда. Ушбу тадқиқотлар асосида шакллантирилган концепцияга кўра, ирода – бу инсон ўз хулқ-атвори ва фаолиятини онгли равишда бошқаришидир. Бунда у инсоннинг изчил ҳаракатлар ва қилмишларни содир этишда ички ва ташқи қийинчиликларни енгиб ўтиш кўникмасида намоён бўлади. Айнан ҳаракатларнинг онглилиги иродага асосланган хулқ-атворни тавсифлайди. Истақ эса, мақсадга эришишга

¹ Комментарий к Уголовному кодексу РФ (постатейный). / Ашин А.А., Войтович А.П., Волженкин Б.В. и др. Под ред. А.И.Чучаева. – М., 2009. – С. 42.

² Назаренко Г.В. Вина в уголовном праве. Монография. / Науч. ред.: Горобцов В.И. – Орёл, 1996. – С. 85.

интилиш билан боғлиқ бўлади, бунда шахс уни пайдо қиладиган мақсад ва мотивни аниқ англайди. Ҳар қандай истак ҳам ҳаракатга олиб келавермайди. Истак ўз-ўзича фаол элементдан иборат бўлмайди. Истак бевосита мотивга, сўнг эса мақсадга айланишидан олдин, у инсон томонидан баҳоланади, яъни инсоннинг қадриятлар тизими “чиғириғи”дан ўтказилади, муайян эмоционал тус касб этади. Даъваткор кучга эга бўлган истак бўлғуси ҳаракатнинг мақсадини англаш ва унинг режасини тузишга рағбатлантиради¹.

Шундай қилиб, иташ (тўғри қасдда) ва онгли равишда йўл қўйиш (эгри қасдда) онг ички ишининг элементлари ҳисобланади. Улар қарорни бевосита бажариш билан эмас, балки уни танлаш, унинг устида мушоҳада юритиш ва уни баҳолаш билан боғлиқ. Бинобарин, улар иродани эмас, балки шахснинг англаш даражаси, мазмунини тавсифлайди.

Юқорида айтилганлар айбнинг қасд шаклида асосий ролни онг ўйнайди, деган хулосага келиш имконини беради. Қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш қасднинг асосий белгиси ҳисобланади, у шахс ўз хулқ-атвори мазкур жамиятда қабул қилинган меъёрлардан оғаетганини тушунишини ўз ичига олади. Ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етганлик субъект ўзининг бундай хулқ-атворини тушуниш (англаш)га қодирлигига асосланади. Ижтимоий хавфли оқибатларнинг юз беришини иташ (мақсадга интилиш) ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйиш (оқибатларни мақсадга эришиш натижаси сифатида англаш) эса мақсадга нисбатан иккинчи даражали хусусият касб этади ва ижтимоий хавфли ҳаракатларни режалаштириш (ҳаракатлардан қайтиш) таркибига киради.

Энди таҳлил қилинаётган мавзу юзасидан баҳсли мунозараларга эътибор қаратсак.

Биринчидан, ЖК 21-моддаси таҳрири муфассал эмас.

¹ Маклаков А.Г. Общая психология. – СПб., 2001. – С. 374, 379, 384–387.

Маълумки, “моддий” таркибли жиноятлардан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг хусусиятига кўра бир-бирига ўхшаш бўлган жиноятларни фарқлаш учун. Уларни классик моддий таркиблар деб номлаш мумкин, чунки уларнинг қонундаги тузилиши етказилган зарарга қараб мўлжал олади¹. Хусусан, одам ўлдириш ва қасддан баданга оғир (ўртача оғир, енгил) шикаст етказишнинг тавсифлари биринчи навбатда оқибатларнинг турига кўра фарқ қилади. Айнан юз берган оқибатларнинг хусусияти квалификация қилиш учун мезон бўлиб хизмат қилади, деб айтиш мумкин;

- жиноятларни бошқа ҳуқуқбузарликлардан ёки жиноий бўлмаган ҳуқ-атвордан фарқлаш учун. Айни ҳолда қилмишнинг ўзи жиноят даражасига кўтарилиши мумкин эмас ва оқибатлар жиноий ҳуқуқбузарликни бошқа турдаги қилмишлардан фарқлаш имконини берадиган мезон ҳисобланади². Масалан, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқладиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига зарар етказган ҳолдагина жиноятга айланади.

Ўз навбатида қайд этиш жоизки, ЖК Махсус қисмида квалификация қилинган жиноят таркибларининг аксарияти объектив томон тузилишига кўра формал таркибли жиноятлар сифатида таърифланган.

ЖК Махсус қисмида белгиланган жиноят таркибларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг фақат 41 %и моддий таркибли, 2 %и кесик таркибли жиноят ҳисобланади. Белгиланган жиноят таркибларининг кўпчилик қисми (57 %) формал таркибли жиноят ҳисобланади. Аммо, ЖК 21-моддаси 3-қисми айнан объектив томон тузилишига кўра моддий таркибли жиноятларга татбиқан ишлаб чиқилган. Ушбу моддани “формал” таркибли жиноятларга нисбатан қўллаш мумкин эмас, чунки уларда

¹ Курс уголовного права. Общая часть. Т. 1: Учение о преступлении. / Борзенков Г.Н., Комиссаров В.С., Крылова Н.Е. и др.; Под ред. Н.Ф.Кузнецовой и И.М.Тяжковой. – М., 2002. – С. 180.

² Ўша ерда.

оқибатлар аниқланиши лозим бўлган белгилар доирасидан ташқарида қолади ва нари борса ё квалификация қилувчи, ё жазони оғирлаштирувчи ҳолат вазифасини бажаради.

Ўтган асрнинг 70-йилларида кўпгина олимлар моддий таркибли жиноятларда қасднинг учала белгиси: англаганлик, кўзи етганлик ва истаганлик (онгли равишда йўл қўйганлик ёки бефарқ қараганлик), формал таркибли жиноятларда эса фақат ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаганлик, яъни битта белги исботланиши лозим¹, деган нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаганлар. 80-йилларда А.И.Рарог формал таркибли жиноятларда англаганлик факти билан бир қаторда, истаганлик фактини ҳам исботлаш талаб этилади², деган нуқтаи назарни ҳимоя қилган.

Мутахассисларнинг қайд этишича, формал ва кесик таркибли жиноятларда қилмиш фақат тўғри қасд билан содир этилади³. Бу борда Ш.Ё.Абдуқодиров ҳам формал таркибли жиноятларда эгри қасд мавжуд бўлмайди, чунки эгри қасдда айбдор содир этаётган қилмишни истамасда, онгли равишда йўл қўяди⁴.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олган ҳолда, ЖК 21-моддаси 3-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Агар шахс ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ҳақиқий хусусияти ёки ижтимоий хавфлилигини англаган ва уларни содир этишни истаган, шунингдек, шахс ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфлилигини англаган, уларнинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини

¹ Дагель П.С., Михеев Р.И. Установление субъективной стороны преступления. / Отв. ред.: И.М.Резниченко. – Владивосток, 1972. – С. 43.; Злобин Г.А., Никифоров Б.С. Умысел и его формы. – М., 1972. – С. 37.

² Рарог А.И. Общая теория вины: Учебное пособие. – М., 1980. – С. 54–55.; Ворошилин Е.В., Кригер Г.А. Субъективная сторона преступления: Учебное пособие. – М., 1987. – С. 21.

³ Каракетов Ю.М., Абдусаломов Е.О. Ответственность за вымогательство. – Ташкент: Адолат, 1997. – С. 13.; Бакунов П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган талон-торож жиноятлари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 130.; Мусаев М.А. Теоретико-правовые основы и современные проблемы квалификации преступлений: Учебное пособие. – Ташкент: Шарк, 2012. – С. 30.

⁴ Абдуқодиров Ш.Ё. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли ва унинг белгилари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 6.

истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган деб топилади.”.

Иккинчидан, қасд тушунчасининг таърифига шахс ўз қилмишининг қонунга хилофлигини англаганлиги белгисини киритиш зарурлиги тўғрисидаги масала баҳсли ҳисобланади. Жиноят қонунида ўз қилмишининг қонунга хилофлигини англаш белгиси қасднинг мазмунига тўғридан-тўғри киритилмаган, балки фақат шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англаши кўрсатиб ўтилган.

Адабиётларида шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англаши зарурлиги кўпинча очикдан-очик рад этилмайди, лекин қасд тушунчасининг таклиф қилинган таърифлари уни камраб олмайди.

Илмий тадқиқотларда рим ҳуқуқининг “қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди” деган қоидаси эскирган, деган фикр тобора кенг эътироф этилмоқда. Хусусан, Г.В.Назаренко фикрига кўра, “қилмишлар тинимсиз криминализация ва декриминализация қилинаётган шароитда жиноят қонунларини билиш презумпцияси мутлақо ўринсиздир”¹. Ушбу фикрга В.В.Лунеев ҳам қўшилади: “Жиноят қонунчилиги фаол ўзгартирилаётган ва тўлдирилаётган шароитларда қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди, деган анъанавий презумпцияни шак-шубҳасиз амалга ошириш объектив айбладан бошқа нарсас бўлмас эди”².

Н.В.Витрук ўз монографиясида шундай деб тушунтиради: “Айбнинг шакли сифатида қасд шахснинг иродаси қонунга хилоф ҳаракатларни содир этишга қаратилганидан далолат беради... тегишли равишда, қасд тўғри (хулқ-атворнинг қонунга хилофлигини англаш, зарарли оқибатларга кўзи етиш, уларнинг юз беришини иташ ва шу муносабат билан бажарилган ихтиёрий ҳаракатлар) ва эгри (хулқ-атворнинг қонунга хилофлигини англаш, уни содир этиш йўлида ихтиёрий ҳаракат қилиш, ҳар

¹ Назаренко Г.В. Вина в уголовном праве. Монография. / Науч. ред.: В.И.Горобцов. – Орёл, 1996. – С. 66.

² Лунеев В.В. Субъективное вменение. – М., 2000. – С. 51.

кандай оқибатларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйиш) бўлиши мумкин”¹.

Аксарият муаллифлар бу фикрга фақат қисман қўшиладилар ва кадимги рим презумпциясини оз сонли жиноят таркибларигагина татбиқ этиш мумкинлигини тасдиқлайдилар. Масалан, И.А.Гревнова шундай деб ёзади: “Агар шахс ўзи содир этаётган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш сифатида жиноят қонунида жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланганини англамаган ва ишнинг ҳолатларига кўра англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган бўлса, бундай қилмиш айбсиз тарзда содир этилган деб топилиши мумкин. ...бундай қилмишлар қаторига ё жиноят қонунчилигига яқинда киритилган, ё содир этилиши бирон-бир алоҳида фаолият соҳаси билан чекланган, ё моддаларининг диспозицияси бланкет хусусият касб этадиган ва уларни англаш учун махсус билимлар ёки қўшимча норматив ҳужжатларни ўзлаштириш талаб этиладиган қилмишларни киритиш ўринли бўлади”².

Н.А.Лопашенко ҳам шунга ўхшаш фикрни илгари суради, лекин ўз нуқтаи назарини замирида бошқа ҳуқуқий соҳаларнинг қоидаларини бузиш ётадиган қасддан содир этилган жиноятлар доираси билан чеклайди: “Бир қатор қилмишларни, шу жумладан иқтисодий фаолият соҳасида жиноятларни содир этишда ўз қилмишининг қонунга ҳилофлигини англамасдан унинг ижтимоий хавфлилигини англаш мумкин эмас... Шахс ўз хулқ-атворининг қонунга ҳилофлигини англамаган ва ишнинг ҳолатларига кўра англаши мумкин ҳам бўлмаган ҳолда шахсни жиноий жавобгарликка тортиш амалда объектив айблашни англатадики, бу йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир”³. Бу фикрга Э.С.Мурадов ҳам қўшилади: “Формал таркибли иқтисодий жиноят белгилари сифатида

¹ Витрук Н.В. Общая теория юридической ответственности. – М., 2009. – С. 315.

² Гревнова И.А. Вина как принцип уголовного права Российской Федерации: Дисс. ...канд. юрид. наук. – Саратов, 2001. – С. 129.

³ Лопашенко Н.А. Преступления в сфере экономики: Авторский комментарий к уголовному закону (постатейный). – М., 2006. – С. 254.

фақат позитив-иқтисодий қонунчилик қоидаларини объектив бузадиган, қонунга хилофлигини шахс англайдиган ҳаракатлар амал қилади”¹.

Аммо, қилмишнинг қонунга хилофлигини англаш белгисини жиноят қонуни ва амалиётга киритиш усуллари хусусида олимлар ўртасида ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Б.В.Волженкин ва Н.А.Лопашенко фикрига кўра, “бундай ҳолларда содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини қасднинг муқаррар элементи сифатида англаш тегишли қонун, қоида, мажбурият бузилаётганини англашни тақозо қилади... ҳатто айб қасд шаклининг бугунги кунда қонун даражасида амалда бўлган талқини шахс тартибга солувчи қонун ҳужжатлари билан белгиланган қоидалар, мажбуриятлар, тақиқлар ва ҳоказоларни бузаётганини билгани (тушунгани)ни аниқлаш зарурлигини назарда тутса ҳам”², бинобарин, “шахс ўз ҳуқ-атворининг қонунга хилофлигини англагани ёки англамаганини ҳисобга олиш учун амалдаги жиноят қонунчилиги имкониятларининг ўзи кифоя қилади”³.

И.В.Шишко бу фикрга қўшилмайди. Унинг фикрича, “баъзан шахс қонунни бузаётганини англаган ҳолда, мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини тушунмаслиги ҳам мумкин”⁴. Муаллиф қасд тушунчасининг қонундаги таърифига қилмишнинг қонунга хилофлигини англаш белгисини киритишни таклиф қилади: “Агар шахс ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфлилигини ёки қонунга хилофлигини англаган бўлса, жиноят тўғри (эгри) қасд билан содир этилган деб топилади”. Унинг фикрича, қасднинг мазкур таърифи ижтимоий

¹ Мурадов Э.С. Субъективные признаки преступлений в сфере экономической деятельности. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2008. – С. 6.

² Волженкин Б.В. Некоторые вопросы общей характеристики преступлений в сфере экономической деятельности по Уголовному кодексу Российской Федерации. // Актуальные проблемы науки и практики коммерческого права. Сборник научных статей. Вып. 5. – М., 2005. – С. 332–346.

³ Лопашенко Н.А. Преступления в сфере экономики: Авторский комментарий к уголовному закону (постатейный). – М., 2006. – С. 254–255.

⁴ Шишко И.В. Экономические преступления: Вопросы юридической оценки и ответственности. – СПб., 2004. – С. 285.

хавфлилиги аён бўлган жиноятларнинг қонунга хилофлигини англаш белгисини аниқлаш заруратига чек қўяди¹.

С.В.Дубовиченко ҳам қасд тушунчасининг таърифига қилмишнинг қонунга хилофлигини англаш белгисини киритиш зарур, деб ҳисоблайди: “Агар шахс ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфли хусусияти ва даражасини ҳамда қонунга хилофлигини англаган бўлса, жиноят тўғри (эгри) қасд билан содир этилган деб топилади”².

Аммо, биз томонимиздан ўтказилган сўровда иштирок этган олимларнинг салкам ярми айб тушунчасининг таърифига қилмишнинг қонунга хилофлигини англаш белгисини киритиш зарурлиги ҳақидаги фикрга қўшилмайди. Уларнинг фикрича, “бу янгилик шунга олиб келадики, жиноят содир этган шахслар қонунни билмасликларини важ килиб кўрсатиб, жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш имкониятига эга бўладилар”³. Бу борада тадқиқотчилардан Е.Е.Чередниченко ҳам шахс қилмишнинг қонунга хилофлигини эмас, балки унинг ижтимоий хавфлилигини англаши лозим, деб ҳисоблайди⁴. Бундан ташқари, у ўз фикрини тасдиқлаш учун яна иккита важни келтиради. *Биринчидан*, ижтимоий хавфлилигидан ташқари, қонунга хилофлигини ҳам англаш талаб этиладиган жиноятлар доирасини аниқ белгилаш анча мушкул иш. *Иккинчидан*, бланкет диспозицияли жиноят таркибларида фақат махсус субъектли жиноятларни содир этиш имконияти назарда тутилган бўлиб, ушбу субъектлар ўз хизмат вазифаларига кўра кўрсатилган қоидаларга риоя этишлари, бинобарин, уларни билишлари шарт.

Жиноят ҳукуқи дарсликларидан бирининг муаллифлари айбдор ўзи содир этган қилмишнинг қонунга хилофлигини англамаган (кам

¹ Ўша ерда. – Б. 305.

² Дубовиченко С.В. Интеллектуальные моменты умышленной формы вины. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Тольятти, 2007. – С. 7.

³ 1-сонли илова.

⁴ Чередниченко Е.Е. Принципы уголовного законодательства: Понятие, система, проблемы законодательной регламентации. – М., 2007. – С. 151.

учрайдиган) ҳолларда ҳам жиноят қасддан содир этилган деб топилиши мумкинлигини қайд этадилар¹.

Шундай қилиб, биз кўриб чиқиладиган ҳолатлар амалда кам учрашини ва уларнинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ЖК Умумий қисми моддасининг таърифини ўзгартириш ортиқчадир, деб ҳисоблаймиз. Жиноят қонунида ўз қилмишининг қонунга хилофлигини англаш белгисининг йўқлиги ҳозирги суд-тергов амалиётида ҳам ЖКнинг Умумий қисми асосида, ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларига мувофиқ ҳисобга олиниши мумкин.

Кейинги бахсли масала бу – хато. Жиноят ҳукуки назариясида ўз хатти-ҳаракатларининг қонунга хилофлигини билмаслик ҳолатларига нисбатан хато (юридик ёки фактик хато) тушунчасига асосланган ёндашув қўлланилади. Ушбу йўналишда махсус тадқиқотлар олиб борган Э.Турғунбоев “хато шахснинг ўз қилмишига бўлган руҳий муносабатининг тафаккурий ва иродавий ҳолатларидаги янглишиш ҳисобланиб, қилмишнинг жиноийлигига, унинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларга ёки жиноят таркибига кирувчи объектив белгиларга нисбатан янглишишдир”², деб таъриф беради.

Жиноят қонуни моддасининг бланкет диспозицияси ҳавола қиладиган норма мазмунидаги хатога татбиқан эса, ҳатто у юридик хато ҳисобланадими ёки фактик хатоми, деган масала юзасидан ҳам ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Масалан, Г.А.Есаков³ ва А.И.Парог⁴ фикрига кўра, бундай хато объектив томонида фактик ҳисобланади, чунки нормани бажармаганлик (тақиқни бузганлик) жиноят (қилмиш) объектив

¹ Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Ю.В.Грачева, Л.Д.Ермакова, Г.А.Есаков и др.; Под ред. Л.В.Иногамовой-Хегай, А.И.Парога, А.И.Чучаева. 2-е изд. – М., 2008. – С. 165.

² Турғунбоев Э.О. Жиноятни квалификация қилишга юридик ва фактик ҳатонинг таъсири. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 29.

³ Есаков Г.А. Mens rea в уголовном праве Соединенных Штатов Америки: Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 92–93.

⁴ Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник. / Ю.В.Грачева, Л.Д.Ермакова, Г.А.Есаков и др.; Под ред. Л.В.Иногамовой-Хегай, А.И.Парога, А.И.Чучаева. 2-е изд. – М., 2008. – С. 197–199.

томонининг мазмунига киради¹. Г.А.Есаков фикрига кўра, қилмишнинг жиноят қонунига мувофиқ қонунга хилофлигида хатога йўл қўйишгина юридик хато ҳисобланади.

П.Яни ва И.А.Клепицкий эса, аксинча, бундай ҳолларда юридик хато мавжуд бўлади, деб ҳисоблайди, зеро “қилмишнинг жиноийлиги – бу унинг юридик тавсифидир”² ва “...қонун қоидаларига нисбатан йўл қўйилган хатони фактик хато деб ҳисоблаш учун асослар йўқ – бу юридик хато, тақиқланган ҳаракатлар билан боғлиқ хатодир”³. Ш.Х.Нургалеев ва Г.Б.Чинчикова бундай ҳолатлар учун “салбий юридик хато” атамасини таклиф қилади⁴.

Дарҳақиқат, ЖК моддасининг бланкет диспозициясида ҳавола этилган норманинг мазмунидаги хатони юридик хато деб ҳисоблаш, бизнингча, тўғри бўлади. Қилмишнинг объектив хоссаларини нотўғри баҳолаш билан боғлиқ хато эса фактик хато ҳисобланади. Масалан, солиқларни ҳисоблаб чиқиш жараёнига таъсир кўрсатадиган фактларни билмаслик фактик хато, амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларни нотўғри талқин қилиш (билмаслик) эса юридик хатодир.

А.И.Рарог шахс ўз ҳаракатларини янглиш тарзда қонуний деб ҳисоблаган, уларнинг ижтимоий хавfli хусусиятини англамаган бўлса, бундай қилмиш қасддан содир этилган бўлмайди, деб таъкидлайди⁵. Шунга ўхшаш квалификацияни П.Яни ҳам таклиф қилади: “Шахс ўз қилмишининг фуқаролик-ҳуқуқий қонунга хилофлигини тушунмагани шахс ўз ҳаракатлари жиноят қонуни билан тақиқланганини

¹ Есаков Г.А. Mens rea в уголовном праве Соединенных Штатов Америки: Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 92–93.

² Яни П. Ответственность за легализацию: нужен ли приговор по делу о предикатном преступлении? // Законность. – 2005. – №8.

³ Клепицкий И.А. Налоговые преступления в уголовном праве России: эволюция продолжается. // Закон. – 2007. – №7.

⁴ Нургалеев Ш.Х., Чинчикова Г.Б. К вопросу о юридических ошибках // Безопасность бизнеса. – 2006. – №3.

⁵ Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Ю.В.Грачева, Л.Д.Ермакова, Г.А.Есаков и др. Под ред. Л.В.Иногамовой-Хегай, А.И.Рарога, А.И.Чучаева. 2-е изд. – М., 2008. – С. 197.

англаслигини ва ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни ижтимоий хавфли деб идрок этмаслигини ҳам англатади”¹.

И.А.Клепицкий фикрига кўра, жиноят ҳуқуқининг содда, аниқ ва ҳаммага маълум қоидаларини билмаслик (*масалан*, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун тегишли тартибда рўйхатдан ўтиш зарурлигини билмаслик, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар тўғрисида декларация тақдим этиш мажбуриятини билмаслик ва ш.к.) қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмаслиги керак. Узрли ва узрсиз хатоларни фарқлаш мезони сифатида қонуннинг ҳақиқий сифати, унинг аҳамияти ва тушунарлилиги амал қилиши лозим”².

Ш.Х.Нургалеев ва Г.Б.Чинчиковаларнинг фикрига кўра, “ижтимоий хавфли ва қонунга хилоф қилмиш содир этаётган шахс ҳуқуқий тақикнинг мавжудлигини чиндан ҳам билмаслиги аниқланган бўлса, у юридик жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, акс ҳолда хатонинг мазкур тури суд томонидан жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши лозим. Бунда шахс қуйидаги ҳолларда виждонан янглишган деб ҳисобланиши мумкин: а) у алоҳида руҳий-физиологик, ижтимоий ва бошқа белгиларга эга бўлса (*масалан*, руҳий ривожланишда оқсаётган бўлса ёки субъект давлатнинг ривожланган ижтимоий-иқтисодий ҳудудларидан анча узоқда жойлашган ерда яшаса; бошқа давлатга эндиgina келган чет эл фуқароси ва ҳ.к.); б) қонуний кучга кирган жиноят қонуни эълон қилинмаган ёки фуқаролар эътиборига бошқача йўл билан ҳавола этилмаган бўлса; в) жиноят қонунига берилган расмий шарҳ янглиш бўлса; г) қилмишни криминализация қилиш у содир этилишидан биров муддат олдин амалга оширилган бўлса; д) бузилиши бланкет диспозицияли жиноятларнинг асосини ташкил этувчи бошқа ҳуқуқ соҳаларининг норматив ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган бўлса, бунда субъект

¹ Яни П. Постановление Пленума Верховного суда о квалификации мошенничества, присвоения и растраты: объективная сторона преступления // Законность. – 2008. - №4.

² Клепицкий И.А. Система хозяйственных преступлений. – М., 2005. – С. 25.

жиноят-ҳуқуқий тақиқ мазмунини ўзгартирган янги қоидалар билан танишмаган ва танишиш имкониятига эга бўлмаган бўлса”¹.

Қасдни ҳосил қилувчи белгилар хусусида шуни айтиш мумкинки, ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини англаш қасднинг муҳим, формал таркибли жиноятлар учун эса ягона элементиدير. У шахс ўз хулқ-атвори мазкур жамиятда қабул қилинган меъёрлардан оғанини тушунишини ўз ичига олади. Англаш презумпциясидан фойдаланиш йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Ўз қилмишининг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етганлик субъект ўзининг бундай хулқ-атворини тушуниш (англаш)га қодирлигига асосланади. Ижтимоий хавfli оқибатларнинг юз беришини иташ (мақсадга интилиш) ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйиш (оқибатларни мақсадга эришиш натижаси сифатида англаш) эса мақсадга нисбатан иккинчи даражали хусусият касб этади ва ижтимоий хавfli ҳаракатларни режалаштириш (ҳаракатлардан қайтиш) таркибига киради.

ЖКда тўғри ва эгри қасдни фарқлашдан ташқари, қасднинг бошқа бирон-бир турига тавсиф берилмаган. Аммо, жиноят қонунчилиги нормаларининг таҳлили қасднинг бошқа турлари ҳам мавжуд эканлигини аниқлаш имконини беради. Ушбу қасд турлари бир-биридан фарқ қилиб, уларга тўғри баҳо бериш орқали жиноятларни тўғри квалификация қилиш имкони вужудга келади.

Энг аввало, тўғри ва эгри қасдни фарқлашнинг амалий аҳамияти тўғрисидаги масалани кўриб чиқамиз. Бошқа тенг шартларда тўғри қасд билан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавfliлик даражаси баландроқ бўлади, демак, улар учун эгри қасд билан содир этилган жиноятларга қараганда оғирроқ жазо тайинланиши лозим, деган фикрга² келсак, бизнингча, уни тасдиқловчи ҳолатлардан истисно ҳолатлар кўпроқ. Масалан, янги моддани заҳарли хоссаларини текшириш мақсадида содир

¹ Нургалеев Ш.Х., Чинчикова Г.Б. К вопросу о юридических ошибках. // Безопасность бизнеса. – 2006. - №3.

² Паньков И.В. Умышленная вина по российскому уголовному праву: теоретический и нормативный аспекты. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – СПб., 2010. – С. 12.

этилган одам ўлдиришнинг ижтимоий хавфлилик даражаси одам ўлдириш мақсадида захарлашнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан кучлироқ бўлиши мумкин. Қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қасд тури билангина эмас, балки, биринчи навбатда, етказилган зарар ҳажми, айб шакли, мотивлари ва мақсадлари билан боғланади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида қасднинг икки турини фарқлаш зарурлигини асослашда асосий урғу шунга бериладики, агар айбдор тўғри қасд билан ҳаракат қилгани исботланган бўлса, у қасднинг мазмуни ва йўналишига мувофиқ жавобгарликка тортилиши лозим, агар у эгри қасд билан ҳаракат қилгани исботланган бўлса, жавобгарлик амалда юз берган зарарли оқибатларга мувофиқ келиб чиқиши керак¹. Шунингдек, жиноят содир этишга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан амалга оширилиши мумкинлигига эътибор қаратилади². Бу қоида тамом бўлмаган жиноят мавжуд бўлган ҳолларда биринчи қоиданинг тури ҳисобланади. Аммо, кези келганда шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, сўнгги йилларда адабиётларда жиноят содир этишга суиқасд қилиш эгри қасд билан ҳам амалга оширилиши мумкин, деган нуқтаи назар бўйича фикрлар келтирилмоқда³.

Кўрсатилган қоидаларни таҳлил қиламиз. Формал таркибли жиноятни содир этишга суиқасд қилиш фақат тамом бўлмаган (яъни объектив томоннинг бир қисми бажарилган) жиноят ҳисобланиши мумкин. Яъни, ушбу турдаги жиноятларни содир этишга суиқасд қилинган ҳолда айнан тўғри қасд мавжудлигини исботлаш зарурлиги ҳақидаги махсус қоидага ҳожат йўқ. Мазкур таркибларда оқибатлар исботланиши лозим бўлган муқаррар белгилар доирасидан ташқарида қолдирилгани боис, эгри қасдда амалда юз берган оқибатларга кўра ва тўғри қасдда қасднинг

¹ Уголовное право. Общая и Особенная части: Учебник / Акоев К.Л., Беляев А.Е., Боровиков В.Б. и др.; Под ред. М.П.Журавлева и С.И.Никулина. 2-е изд. – М., 2008. – С. 52.; Комментарий к Уголовному кодексу РФ / Под ред. В.И.Радченко, А.С.Михлина. – СПб., 2007. – С. 43.

² Комментарий к Уголовному кодексу РФ / Борзенков Г.Н., Верин В.П., Волженкин Б.В. и др. – М., 2007; Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Ю.В.Грачева, Л.Д.Ермакова, Г.А.Есаков и др.; Под ред. Л.В.Иногамовой-Хегай, А.И.Рарога, А.И.Чучаева. 2-е изд. – М., 2008. – С. 233.

³ Комментарий к Уголовному кодексу РФ (постатейный) / Бриллиантов А.В., Долженкова Г.Д., Иванова Я.Е. и др. – М., 2010. – С. 84б.

йўналишига кўра жавобгарлик келиб чиқиши ҳақидаги қоида формал таркибларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Формал таркибли жиноятларда оқибатларни аниқлаш ва баҳолаш фақат улар ЖК Махсус қисми моддаларининг қисмларида ёки ЖК Умумий қисмининг 56-моддасида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида назарда тутилган ҳолда талаб этилади. Квалификация қилувчи таркибларга нисбатан айбнинг шакли ҳақидаги билим қасддан содир этилган бошқа жиноят билан идеал жиноятлар мажмуи (масалан, эҳтиётсизлик орқасида жабрланувчининг ўлимига олиб келган қасддан баданга оғир шикаст етказиш билан боғланган босқинчилик) мавжудлигини ёки қўшимча зарарли оқибатлар модданинг асосий таркиби (масалан, эҳтиётсизлик орқасида баданга оғир шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган босқинчилик) ёки квалификация қилувчи белгиси (масалан, қасддан баданга оғир шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган босқинчилик) билан қамраб олинишини аниқлаш имконини беради. Шу туфайли ҳам, оқибатларни тавсифловчи белгиларга нисбатан қасд ёки эҳтиётсизлик ҳақида тўғридан-тўғри кўрсатмаларнинг мавжуд эмаслиги ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун анча мушкул тавсиядан фойдаланиш билан боғлиқ қўшимча қийинчиликларни туғдиради: Жиноят-ҳуқуқий норма диспозициясида қасддан содир этилган жиноятнинг квалификация қилувчи оқибатига нисбатан эҳтиётсизлик тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлмаса, бундай оқибатни қасддан ҳам, эҳтиётсизлик орқасида ҳам келтириб чиқариш ушбу норма билан тўлиқ қамраб олинади ва қўшимча равишда квалификация қилишни талаб этмайди, башарти ЖКнинг худди шундай оқибатни қасддан келтириб чиқариш тўғрисидаги моддасида мазкур оқибат квалификация қилувчи белги вазифасини бажарадиган қасддан содир этиладиган жиноят учун белгиланган жазодан оғирроқ жазо назарда тутилмаган бўлса.

Қўшимча оғир оқибатларга нисбатан қасднинг тури бевосита белгиланган ҳолларга келсак, у назарий жиҳатдан диққатга сазовор

бўлиши мумкин, лекин қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Ҳатто таносил касаллигини юктиришдан иборат алоҳида оқибатлар юзага келган тақдирда ҳам квалификация қилиш учун шахс ўзида асосан жинсий йўл билан юқадиган касаллик мавжудлигини билиши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу ерда тўғри қасд мавжуд бўлиши мумкинлиги атрофидаги баҳс-мунозараларга келсак, ҳозирги давр шароитларида шуни ҳисобга олиш лозимки, жабрланувчининг организмига таносил касаллигининг кўзгатувчиси тушганининг ўзи соғлиққа зарар етказиш деб ҳисобланиши мумкин эмас, чунки: касални юктирганлик ҳали касалликнинг клиник манзараси ривожланаётганини англатмайди; тегишли равишда даволаниш анча қисқа вақт ичида соғайишга олиб келади ва бу жиноят ҳуқуқи учун муҳим бўлган беморнинг касалхонада даволаниш муддати белгилари билан мос келмайди (аксарият ҳолларда даволаниш меҳнат қобилятини умуман йўқотмасдан амалга оширилиши мумкин). Айни шу сабабли, “қонун чиқарувчи таносил касаллигини юктиришни махсус жиноят таркиби сифатида ажратган ва унга қилмишга нисбатан ҳар хил руҳий муносабат (шу жумладан тўғри қасд) билан содир этилиши мумкин бўлган инсон соғлиғига қарши мустақил жиноят сифатида қараган”¹.

Қўшимча оғир оқибатларга тегишли бўлмаган жазони оғирлаштирувчи бошқа белгилар таърифи ё ҳатто объектив томоннинг бир қисми бажарилган (масалан, жуда кўп микдорда, зўрлик ишлатиб содир этилган ва ш.к.) ҳолда ҳам уларнинг мавжудлигини, ё улар қилмишнинг мақсадига киритилишини назарда тутати. Шу туфайли ҳам, “жиноятнинг барча объектив белгилари, оқибатлардан ташқари, субъект томонидан англанади ёки англанмайди, яъни руҳий муносабатнинг эмас, балки ақлий муносабатнинг предмети ҳисобланади, ушбу муносабатнинг ўзи эса қасд ҳам, эҳтиётсизлик ҳам бўлмайди”², деган фикрга қўшилиш мумкин.

¹ Фаргиев И. Уголовно-правовая оценка заражения венерической болезнью // Уголовное право. – 2010. - №1. – С. 43–44.

² Рарог А.И. Настольная книга судьи по квалификации преступлений. – М., 2006. – С. 130.

Юқорида айтилганларнинг барчаси қасднинг турини фақат тегишли модданинг диспозициясига киритилган асосий оқибатларга нисбатан ва фақат объектив томони моддий таркибли жиноятларга ўхшатиб тузилган қилмишларда исботлаш ўринли бўлади, деган хулосага келиш имконини беради. Жиноятни содир этишга фақат тўғри қасд билан суиқасд қилиш мумкинлигини ҳақидаги ва ё юз берган натижа (эгри қасдда), ё исталган натижа (тўғри қасдда) учун жавобгарлик ҳақидаги қоидалар фақат шундай жиноят таркибларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин.

ЖК Умумий қисмининг нормаларида жиноятга тайёргарлик кўриш (ЖК 25-моддасининг биринчи қисми), олдиндан тил бириктириш (ЖК 29-моддасининг учинчи қисми), уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма тузиш ҳамда унда иштирок этиш (ЖК 29-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмлари) жиноятни содир этишга олдиндан пайдо бўлган қасднинг мавжудлигини назарда тутди. Яъни, қасднинг юқорида санаб чиқилган турларини фарқлашдан ташқари, жиноят ҳуқуқи назариясида унинг шаклланиш (пайдо бўлиш) вақтига ва аниқлик даражасига кўра таснифи ҳам ўйлаб чиқилган. Биринчи ҳолда олдиндан ва тўсатдан пайдо бўлган қасд ҳақида, иккинчи ҳолда муайян ва номуайян қасд фарқланади. Ўз навбатида, муайян қасд доирасида муаллифлар томонидан содда ва муқобил қасд фарқланади.

Қасднинг юқорида айтиб ўтилган турларини бу ерда таърифлаш ва тавсифлашга ҳожат бўлмаса керак, чунки бу юридик адабиётларда анча муфассал ва аниқ амалга оширилган. Аммо, қилмишни қасд турига қараб квалификация қилишнинг баъзи бир масалалари кўриб чиқишни талаб этади.

Шуни қайд этиш лозимки, қасднинг юқорида фарқланган турлари амалда бир хил аҳамият касб этмайди. Олдиндан пайдо бўлган қасд қонунда жиноятга тайёргарлик кўриш, олдиндан тил бириктириш ва уюшган гуруҳ институтларининг белгиси сифатида амал қилади, лекин мустақил вазифаларни бажармайди (юридик оқибатларга сабаб бўлмайди).

Шу туфайли ҳам, бу ерда тўғри ва эгри қасдга, шунингдек номуайян, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида пайдо бўлган ва махсус қасдларга эътиборни қаратиш, бизнингча, ўринли бўлади, чунки улар қилмишни тўғри квалификация қилиш учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, муайян ва номуайян қасдни фарқлаш фақат моддий таркибли жиноятларга татбиқ этилади, чунки субъектнинг “қилмиш билан етказилган зарарнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ҳақида”ги¹ тасаввурларининг аниқлик даражасига боғлиқ бўлади.

Бизнинг назаримизда, номуайян ва муқобил қасдлар ўртасидаги фарқларда маълум даражада сунъийлик мавжуд. Масалан, жиноят-ҳуқуқий адабиётларда² муқобил қасд билан ҳаракат қилишнинг бир кўриниши сифатида қоринга (кўкракка) пичоқ санчиш таклиф қилинади, чунки “шахс, агар у юз бериши мумкин бўлган икки оқибат – ўлим ёки баданга оғир шикаст етказишнинг исталган бирига тенг даражада кўзи етган бўлса, муқобил қасд билан ҳаракат қилган ҳисобланади”. Бош, кўкрак ва қоринга қаттиқ тепиш (оломонга қарата тош отиш) эса номуайян қасдли қилмиш ҳисобланади, чунки “айбдор ўз ҳаракатлари натижасида жабрланувчининг баданига шикаст етказилишига кўзи етади, лекин ушбу шикастнинг оғирлик даражасини англамайди”.

Келтирилган мисоллар объектив белги – қилмишнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси билан боғлиқ бўлса-да, етказилган зарарнинг аниқ хусусияти тасодиф билан белгиланади. Келтирилган мисолларнинг барчасида ҳар хил зарар етказилиши мумкин. Айбдор у ёки бу натижа келиб чиқиши эҳтимолини англаши эса, унинг шахсий тажрибаси ва руҳий хусусиятларига боғлиқ бўлади. Бу айблашни истисно этмайди, чунки жиноятнинг субъектив томонини исботлаш хусусиятларини ҳисобга

¹ Уголовное право. Общая и Особенная части: Учебник для вузов / Н.И.Ветров, Г.В.Дашков, В.И.Динеев и др.; Под ред. Н.Г.Кадникова. – М., 2006. – С. 140.

² Уголовное право России. Общая часть: Учебник / Д.И.Аминов, Л.И.Беляева, В.Б.Боровиков и др. – М., 2009.; Комментарий к Уголовному кодексу РФ / Борзенков Г.Н., Верин В.П., Волженкин Б.В. и др. – М., 2007.; Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Ю.В.Грачева, Л.Д.Ермакова, Г.А.Есаков и др.; Под ред. Л.В.Иногамовой-Хегай, А.И.Рарога, А.И.Чучаева. 2-е изд. – М., 2008. – С. 174.

олганда, қилмишнинг келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлари доираси “айбдорнинг онгидан ҳам кўра кўпроқ суднинг кўриб чиқиладиган қилмиш ҳолатларидан хабардорлигига тегишли”¹ бўлади.

Шу туфайли ҳам, тергов амалиётида шахс иккита алоҳида муайян оқибатлар юз бериши мумкинлигига кўзи етган ҳоллар жуда кам учрайди. Қасддан баданга шикаст етказишга номуайян қасд айникса хосдир. Бунда айдор бошқа шахснинг баданига шикаст етказиши мумкинлигига кўзи етади ва буни истайди ёки бунга онгли равишда йўл кўяди, лекин бу шикастнинг ҳажмини аниқ тасаввур қилмайди ва баъзан баданга етказиладиган шикастнинг оғирлик даражасини аниқлаш имкониятидан маҳрум бўлади². Яъни, таснифда муқобил қасдни муайян қасднинг тури сифатида фарқлаш асосли эмас. Муқобил қасд айбдорнинг истаги билан баданга шикаст етказиш унинг ҳажмини аниқлаштирмасдан қамраб олинган ҳолда номуайян тўғри қасднинг тури сифатида қаралиши мумкин.

Айбдорнинг жиноий ҳаракатлари у истаган оқибатларнинг бирортасига ҳам олиб келмаган ёки оғир бўлмаган оқибатга сабаб бўлган ҳолларда номуайян тўғри қасднинг юридик аҳамияти тўғрисидаги масалани шу нуқтаи назардан кўриб чиқамиз. Юридик адабиётларда билвосита жавобни топиш мумкин: “Номуайян қасд билан содир этилган жиноят амалда келиб чиққан даражада қасддан соғлиққа зарар етказиш сифатида квалификация қилиниши лозим”³. Ёки: “Номуайян қасд билан содир этилган қилмиш амалда юз берган натижа бўйича квалификация қилинади... Муқобил қасд билан жиноят содир этишга суиқасд қилинганда қилмиш оғирлик даражаси айникса паст бўлган жиноятни содир этишга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилинади”⁴.

Аслида, мазкур “ечим”нинг энгиллиги унинг бирдан-бир афзаллиги ҳисобланади. *Биринчидан*, у жиноят-ҳуқуқий адабиётларда тўғри ва эгри

¹ Злобин Г.А., Никифоров Б.С. Умысел и его формы. – М., 1972. – С. 92.

² Комментарий к Уголовному кодексу РФ / Борзенков Г.Н., Верин В.П., Волженкин Б.В. и др. – М., 2007.

³ Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Ю.В.Грачева, Л.Д.Ермакова, Г.А.Есаков и др.; Под ред. Л.В.Иногамовой-Хегай, А.И.Рарога, А.И.Чучаева. 2-е изд. – М., 2008. – С. 174.

⁴ Уголовное право России. Общая часть: Учебник / Д.И.Аминов, Л.И.Беляева, В.Б.Боровиков и др. – М., 2009. – С. 128.

қасдни фарқлашни асослашда таклиф қилинадиган қасднинг мазмуни ва йўналишига мувофиқ жавобгарлик тўғрисидаги бошқа, янада универсал қоида билан тўқнашади. *Иккинчидан*, уни тамом бўлмаган талон-торожларга нисбатан татбиқ этиш мумкин эмас. Агар талон-торож жиноятининг аниқ предмети айбдорнинг онги билан камраб олинганлигининг далиллари мавжуд бўлмаса, номуайян тўғри қасд мавжуд бўлади.

Бизнинг назаримизда, номуайян қасд билан содир этилган қилмишларни квалификация қилишда қасднинг объектив воқеликдаги ифодасини, яъни етказилган зарар тури, ҳаракатларнинг режалилигини ва ниятларнинг аниқлигидан далолат берувчи бошқа ҳолатларни ҳисобга олувчи ёндашувдан фойдаланиш ўринли бўлади.

ЖК Махсус қисмининг нормаларида тўғри, эгри ва олдиндан пайдо бўлган қасд билан бир қаторда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида пайдо бўлган қасд тушунчаси ҳам қўлланилади. ЖК Махсус қисмининг моддаларида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида пайдо бўлган қасд белгиси икки ҳолда кўрсатиб ўтилган. Ундан фойдаланиш орқали имтиёзли одам ўлдириш таркиблари – 98-модда “Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш” ва “Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш” моддаси (ЖК 106-моддаси) тузилган. Айрим муаллифлар онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган норма (ЖК 99-моддаси)да ҳам кумулятив аффект ҳолати ҳақида фикр билдириши мумкинлигини қайд этадилар¹.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш қонунда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар рўйхатига киритилган. Ушбу ҳолат ЖК 55-моддаси биринчи қисмининг “д” бандида назарда тутилган, чунки айнан “жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний

¹ Моисеева Т.В., Дубовиченко С.В., Перцев А.А. Убийство матерью новорожденного ребенка в условиях психотравмирующей ситуации // Татищевский чтения: актуальные проблемы теории и практики: Материалы международной научной конференции. – Тольятти, 2006. – С. 260–262.; Красиков А.Н. Преступления против личности. Учебное пособие. – Саратов, 1999. – С. 36.

ҳаракатлари” ҳозирги вақтда руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини аниқлаш учун юридик асос ҳисобланади. Аммо, мазкур моддада урғу, ҳеч шубҳасиз, объектив белгига берилган, демак, ундан жиноят кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилганда ҳам, бундай ҳолатсиз қасд билан содир этилган ҳолда ҳам фойдаланилиши мумкин.

Жиноят-ҳукукий адабиётларда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасдга нисбатан қуйидаги қоидалар умум эътироф этилган.

Биринчидан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати ўз табиатига кўра физиологик ёки патологик бўлиши мумкин. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасд фақат физиологик кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати билан боғланади. Патологик кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати ақли расоликни, яъни ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англаш ва уларни бошқариш имкониятини истисно этади.

Иккинчидан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасд жабрланувчининг салбий ҳаракатларига муносабат билдириш усули сифатида пайдо бўлади. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида эмоциялар қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етиш ва уларнинг юз беришини исташ билан боғланади. Натижада эмоционал туғённинг пайдо бўлиши ҳам, етказилган зарарнинг оғирлик даражаси ҳам айбдор учун кутилмаган бир ҳол ҳисобланади.

Учинчидан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасд – бу айнан қасд, чунки, биринчидан, “ҳеч ким ҳаракатни онгсиз деб фақат инсон бунда ўзи уни бажаришда фойдаланган барча воситалар ва барча ҳаракатларни англамагани учунгина айтмайди”¹. Иккинчидан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари таъсири остида содир этилиши боис, айбдор “ўзига озор етказган одамни ғайриқонуний ҳаракати учун жазолаш

¹ Рубинштейн С.Л. Бытие и сознание. О месте психического во всеобщей взаимосвязи явлений материального мира. – М., 1957. – С. 280.

ва шу тариқа адолатни тиклаш” учун жисмоний зиён етказишга ҳаракат қилади¹.

Шунингдек, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасд тўсатдан пайдо бўлган қасднинг тури ҳисобланиши ҳам умумэътироф этилган.

Ҳукукшунос олимлар ўртасида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят тўғри қасд билан содир этиладими ёки эгри қасд биланми, деган масала атрофида баҳс ҳали-ҳануз давом этаётир. В.А.Ткаченко фикрига кўра, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасд эгри қасднинг тури ҳисобланади, чунки у тўсатдан пайдо бўлади ва ўз қилмишларини назорат қилиш ҳамда уларнинг фаоллик даражасини бошқариш имкониятига тўсқинлик қилади². М.Дубинина қайд этишича, “кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган жиноятлар таҳлили шундан далолат берадики, айбдор ўз қилмишининг шахсга жисмоний зарар етказишда ифодаланадиган ижтимоий хавфли оқибатлари юз беришига (умуман олганда) кўзи етади ва уларнинг юз беришини истайди, чунки ушбу оқибатлар унинг ҳаракатлари мақсади ҳисобланади. Бундай руҳий белгилар фақат тўғри қасдга хосдир”³. Аксарият тадқиқотчилар фикрига кўра эса, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасд наинки эгри, балки тўғри (муайян ва номуайян) қасднинг ҳам ақлий ва руҳий омилларини ўз ичига олади⁴.

Жиноят ҳукуқи назариясида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати деганда, инсоннинг онги ва фаолиятига таъсир кўрсатадиган, организмнинг ҳаракатланиш, эндокрин, юрак-қон томир ва бошқа тизимлари фаолиятида ўзгаришлар юз бериши билан бирга кечадиган қизгин ва қисқа муддатли руҳий жараён тушунилади. Аммо, бундай

¹ Рогачевский Л.А. Особенности субъективной стороны преступлений, совершенных в состоянии аффекта // Правоведение. – 1983. - №6. – С. 84.

² Ткаченко В.Н. Квалификация убийства и причинение тяжких последствий, совершенных в состоянии сильного душевного волнения // Вопросы криминалистики. – 1967. - №12. – С. 79.

³ Дубинина М.И. Уголовная ответственность за преступления, совершенные в состоянии сильного душевного волнения. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 1971. – С. 15.

⁴ Сысоев Т.В. Убийство, совершенное в состоянии аффекта. Учебное пособие. – Тюмень, 2003. – С. 44–45.; Тухбатуллин Р.Р. Субъект и субъективная сторона преступлений против жизни и здоровья, совершенных в состоянии аффекта. // Российский следователь. – 2005. - №8.

таъриф бир қатор эътирозлар уйғотади. *Биринчидан*, у психологиянинг ўттиз йил олдинги қоидаларига таянади. Умумий психология ва суд амалиётида аллақачон “қизғин ва жадал юз берадиган, рухий ва жисмоний астения билан тугайдиган классик физиологик аффектдан ташқари, кумулятив аффектнинг мустақиллиги асосланган”¹. Унга қисқа муддатлилик ва қизғинлик белгилари хос эмас, чунки “кумулятив аффектда агрессия – руҳиятни шикастлантирувчи вазиятдан чиқишнинг субъектив жihatдан охирги ва бирдан-бир йўли. Кумулятив аффектга хос бўлган онгнинг қисман торайишини... рухий зўриқишнинг тўпланиш босқичидаёқ кузатиш мумкин”². *Иккинчидан*, аффектнинг жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори билан ҳам, конунда қўлланилган “тўсатдан вужудга келган кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолати” билан ҳам алоқасини ўз ичига олмайди. *Учинчидан*, аффект таъсирида рухий ҳолатнинг бузилиши юз берганини қайд этиш учун экспертиза ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмайди. Яъни, ушбу таъриф аффектнинг аниқ юридик ва психологик чегараларини белгилаш имконини бермайди.

С.В.Дубовиченко фикрига кўра, “жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори билан боғланмаган ҳолда кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатига жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қараш ҳақидаги таклифга қўшилиш қийин. Зеро, бу ҳолда кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолати жабрланувчининг қонуний ҳаракатлари муносабати билан вужудга келган шахсга жазони пасайтиришга тўғри келадики, бизнинг назаримизда, бу жинойтчи шахсининг ижтимоий хавфлилик даражаси баландлигидан далолат бериши мумкин”³. С.А.Манойлова бу фикрга қўшилмайди: “Айрим ҳолларда айбдорнинг алоҳида рухий ҳолати (аффект) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори

¹ Носков Д. Понятие “аффект” в уголовном праве // Законность. – 2003. - №6. – С. 39.

² Сафуанов Ф.С. Криминальная агрессия лиц с психическими расстройствами, не исключающими вменяемости: судебно-экспертные оценки // Юридическая психология. – 2006. - №4. – С. 44.

³ Дубовиченко С.В. Интеллектуальные моменты умышленной формы вины. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Тольятти, 2007. – С. 7.

билан боғланмаган ҳолда ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши лозим... Руҳиятни шикастлантирувчи вазият шароитида қасд баъзан бевосита (вақтда охириги) ваз таъсири остида эмас, балки анча олдин – жабрланувчининг такрорланувчи ғайриқонуний ёки ахлоққа зид ҳаракатлари туфайли вужудга келган руҳий рўриқиш ҳолати, нисбатан турғун салбий кечинмалар таъсирида пайдо бўлади”¹.

Атаманинг икки хил маъноси мавжуд бўлган шароитларда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасд ҳар хил – ҳам илмий-психологик, ҳам юридик тушунча сифатида талқин қилиниши мумкин. Бизнинг назаримизда, бу икки вариантнинг фақат биринчиси ўринлидир. С.Шишков тўғри қайд этганидек, “бошқа ҳолатларни исботлашда, масалан, терговчилар ва судлар қўлёзма ҳужжатнинг ижрочисини айрим ҳолларда дастхатшунослик экспертизаси ёрдамида, бошқа ҳолларда эса – мустақил равишда, тегишли матнларни солиштириш йўли билан аниқлай бошласалар, бунга биз қандай қараган бўлардик?”² Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасдни суд томонидан соғлом фикрга ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг руҳиятни шикастлантирувчи вазият тури ва айбланувчининг шахсига бўлган субъектив муносабатига асосланган ҳолда талқин қилиш суд амалиётининг ҳар хиллигига олиб келади ва айни ҳолда бу ўринли бўлмайди. Бундан ташқари, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини экспертиза ёрдамида аниқлаш шахснинг қайта ижтимоийлашуви имконияти нуқтаи назаридан жазо мақсадларига ва одиллик принципига кўпроқ мос келади, чунки уни ўтказиш пайтида муайян инсон руҳиятидаги эмоциялар ҳисобга олинади ва содир этилган ҳаракатларнинг тегишли вазиятга муносабат билдиришнинг одатдаги усулларига зидлиги (мувофиқлиги) ҳақида ҳулоса чиқарилади.

Шундай қилиб, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасдни тўғри ва аниқ тушуниш учун ҳозирги замон психологияси ютуқларига мурожаат

¹ Манойлова С.А. Эмоции в уголовном праве. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Казань, 2005. – С. 12.

² Шишков С. Установление “внезапно возникшего сильного душевного волнения (аффекта). // Законность. – 2002. - №11. – С. 26.

этиш ва экспертлик йўли билан баҳолашнинг икки вариантдан фойдаланиш лозим: 1) физиологик аффект; 2) **кумулятив** аффект. “Физиологик аффект ҳолатида агрессив майл руҳиятни шикастлантирувчи фавқулодда таъсирларга жавобан шаклланади ва энергетик ресурсларни бир лаҳзада сафарбар этувчи ўта фаол хусусият касб этади... Аффект даражасида онгнинг қисман торайиши юз беради – инсон ўзини қуршаган муҳит, реал вазиятни тўлиқ англай олмайди, унинг муҳит ва вазият ҳақидаги тасаввури фрагментарлик ва нотўлиқлик билан ажралиб туради”¹. Кумулятив аффект ҳолатида “руҳий зўриқиш тарқалгунга қадар айбланувчиларга ушбу зўриқишни пасайтиришга қаратилган хулқ-атвор вариантларини танлаш хос. У хатти-ҳаракатларни “бошқаришга уриниш” жараёни сифатида кечади, лекин муваффақиятсиз бўлади... Агрессив ҳаракатни кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида (одатда навбатдаги психогенияга жавобан “сабр косасининг тўлиши” механизмига кўра) танлаш импульсив ва муқобилсиз бўлади... Ҳуқуқбузарлик содир этиш пайтида шахс ўз агрессив ҳаракатларининг маъносини амалда англамайди, улар, бир томондан, юзага келган вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир йўли ҳисобланади, бошқа томондан эса – шахснинг қадриятлари билан тўқнашади”².

Жиноятга тайёргарлик кўриш босқичи узоқ давом этиши мумкинлиги, шунингдек кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасд билан жиноятни содир этишга суиқасд қилиш тўғрисидаги масалага келсак, Ю.Б.Можгинский ва Т.А.Андрианова аффектнинг агрессив хулқ-атворга таъсири қуйидаги схемасини келтиради: “Аффектлар агрессив хулқ-атворнинг шаклланиш жараёнидаги омиллардан бири ҳисобланади. Агрессив хулқ-атвор шаклланиш жараёнининг ҳар бир босқичида аффектлар ўз клиник хусусиятларига эга бўлади. Аффект дискомфорт, ҳаётнинг “беҳудалиги” ҳисси билан бирга кечади. Шу билан бир вақтда,

¹ Сафуанов Ф.С. Криминальная агрессия лиц с психическими расстройствами, не исключаяющими вменяемости: судебно-экспертные оценки. // Юридическая психология. – 2006. - №4. – С. 43.

² Ўша ерда. – Б. 45.

дунёнинг “душманлиги” ҳисси пайдо бўлади... Сўнг таҳликали аффект пайдо бўлганда аниқ мазмунли, муайян предметга қаратилган агрессив ғоялар вужудга келади... Цикл ўз кульминацияси сари ҳаракатланаётганда таҳликали аффект полиморф хусусият касб этади: агрессия объекти қаҳр, ғазаб уйғотади”¹. Бинобарин, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этиладиган жиноят онгли равишда тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш босқичларини ўз ичига олиши мумкин.

3-§. Эҳтиётсизлик тушунчаси, турлари ва унинг қилмишини квалификация қилишга таъсири

Амалдаги жиноят қонунига кўра, ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилади (*ЖК 22-моддаси 1-қисми*). Мазкур таърифдан кўринадики, қонунда эҳтиётсизликнинг ўз-ўзига ишониш ва бепарволик орқасида содир этиладиган турлари фарқланган.

ЖК 22-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган деб топилади. Айбнинг бундай шаклида, агар айтиш мумкин бўлса, шахс жиноий қилмиш содир этиш мумкинлигини “*in abstracto*” (мавҳум) англайди, лекин унинг “*in concreto*” (аниқ) рўй бериши мумкинлигини англамайди².

1994 йилги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги айбнинг эҳтиётсизлик шаклига оид янгиликларидан бири ҳам, айнан жиноят қонунида “ўз-ўзига ишониш”ни эҳтиётсизликнинг алоҳида тури сифатида ўзига хос белгилар асосида берилганлиги бўлиб, ушбу янгича таъриф жиноят ҳуқуқи назариясида ҳам янгилик ҳисобланади³.

¹ Можгинский Ю.Б., Андрианова Т.А. Роль аффектов в структуре агрессивного поведения // Юрид. психология: науч.-практ. и информ. изд. – 2009. - №4. – С. 14–15.

² Абдуқодиров Ш.Ё. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли ва унинг белгилари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 16.

³ Мухторов Н.И. Жиноят қонунида айбнинг эҳтиётсизлик шакли муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс.... – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 30.

Эҳтиётсизликнинг ўз-ўзига ишониш турига оид МДХга аъзо давлатлар жиноят қонунчилигини таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг жиноят қонунларида (Молдовадан ташқари) тўғридан-тўғри эҳтиётсизликнинг ушбу турига алоҳида таъриф берилган, лекин эҳтиётсизликнинг бу тури айрим давлатларда “ўз-ўзига ишониш”, айримларида “енгилтаклик” деб номланиши ва яна айрим давлатларда эҳтиётсизликка умумий таъриф берилганлиги натижасида, эҳтиётсизликнинг бу тури на алоҳида таърифга, на алоҳида номга эга эмаслиги кўринади. Масалан, Россия, Беларусь, Қирғизистон ЖКларида ҳамда 1996 йил 17 февралдаги Намунавий ЖКда эҳтиётсизликнинг бу тури “енгилтаклик” деб номланса¹, Озарбайжон, Украина, Грузия, Арманистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистонда “ўз-ўзига ишониш” деб номланади². МДХга аъзо давлатлар орасида фақат Молдова жиноят қонунида эҳтиётсизликка умумий таъриф берилганлиги боис, эҳтиётсизликнинг биз таҳлил қилаётган тури алоҳида ном остида таърифланмаган³.

МДХга аъзо давлатлар ва бошқа хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлили яна шуни кўрсатадики, бир қанча давлатларнинг жиноят кодексларида ўз-ўзига ишонишнинг бир хил ёки бир-бирига жуда яқин таърифлари мавжуд. Уларда қуйидагича тушунчалар ишлатилади:

¹ Постатейный комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. / (Н.А.Громов и др.) -М.: ГроссМедиа: РОСБУХ, 2007. – С. 40-42; Уголовный кодекс Республики Беларусь./Предисловие проф. Б.В.Воложникина. Обзорн. статья А.В.Баркова. –СПб.: “Юридический центр Пресс”,2001. – С. 98-99; Уголовный кодекс Кыргызской Республики. /Предисловие канд.юрид.наук, зам. Прокурора Санкт-Петербурга А.П.Стуканова, канд.юрид.наук, зам. начальника управления прокуратуры С.Петербурга П.Ю.Константинова. – СПб.: “Юридический центр Пресс”, 2002. – С. 54.; Модельный Уголовный кодекс СНГ. [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.legislationline.org/ru/legislation>, свободный.

² Уголовный кодекс Азербайджанской Республики. /Науч. ред., предисловие докт.юрид.наук,проф. И.М.Рагимова. Перевод с азербайджанского Б.Э.Аббасова. – СПб.: “Юридический центр Пресс”, 2001. – С. 52-53; Уголовный кодекс Украины. /Науч. ред., предисловие докт.юрид.наук,проф. В.В.Сташиса; перевод с украинского В.Ю.Гиленченко. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 28-29; Уголовный кодекс Грузии. /Науч.ред. З.К.Бигвава. Вступ. статья к.ю.н., доц. В.И.Михайлова. Обзорн. статья д.ю.н., проф. О.Гамквелидзе. Перевод с грузинского И.Мериджанашвили.– СПб.: “Юридический центр Пресс”, 2002. – С. 89-90; Уголовный кодекс Армения; Уголовный кодекс Республики Таджикистан. /Предисловие А.В.Федорова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 43-45; Уголовный кодекс Туркмения. [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.legislationline.org/ru/legislation.-php?tid=1&lid=7028>.

³ Уголовный кодекс Молдовы. [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.legislationline.org/ru/legislation.-php?tid=1&lid=7028>.

а) шахснинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида ижтимоий хавфли оқибатлар вужудга келишини олдиндан кўра билиши; б) бу оқибатлар вужудга келишининг олдини олишга асоссиз равишда умид қилиш.

Ўз-ўзига ишонишнинг жиноят қонунидаги таърифига кўра, эҳтиётсизликнинг бу турида жиноятни содир этаётган субъектда ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқаришга хоҳиш ҳам, унга онгли равишда йўл қўйиб бериш ҳам йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас. Аксинча, оқибатларнинг олдини олишга бўлган умид мавжуд.

Ўз-ўзига ишонишда жиноятни содир этган субъект ижтимоий хавфли оқибатларни келиб чиқиш хавфини олдиндан кўриб, эътиборсизлик билан тўсатдан юз беришини ҳисобга олмайди, унинг фикрича, гўёки жиноий натижага қарши ҳаракат қила олади, лекин объектив ҳолатларга, бошқа шахсларнинг ҳаракатига, механизмларга, ҳимояловчи мосламаларга, табиат кучига умид қилади, ниҳоят ижтимоий хавфли оқибатларни келиб чиқишини олдини олишга бўлган ҳисобга олиш асоссиз бўлиб чиқади¹. Масалан, фуқаро Ғ.Каримов 2012 йил 17 ноябрь куни тахминан соат 21:00 да “Ласетти” русумли, техник соз бўлган автомашинада Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Буюк Ипак йўли кўчаси бўйлаб 60-70 км/соат тезлик билан ҳаракатланиши давомида йул ҳаракати қоидаларининг 1.4-банди, 11.10-банди ва 12.1-банди 1-қисми, 2-қисми ва 3-қисми талабларини бузиб, яъни ҳаракатланиш жараёнида бошқа қатнашчилар ҳаракатланишига хавф туғдириб, ҳаракатнинг серқатновлигини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олмасдан, ҳаракатланишида аниқлай олиши имкониятида бўлган хавфни ёки тўсиқ пайдо бўлганда, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташини таъминлайдиган даражада камайтирмасдан ёки тўсиқни хавфсиз айланиб ўтиш чораларини

¹ Мухторов Н.И. Жиноят қонунида айбнинг эҳтиётсизлик шакли муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс.... – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 35.

кўрмасдан, ўзидан олдинда кетаётган транспорт воситаси кўкқисдан тўхтаганда у билан тўкнашиб кетмаслик кафолатини берадиган оралик масофани сақламасдан келганлиги сабабли, автомобилнинг олди ўнг қисми билан тўхтаб турган “Нексия” автомобилнинг орқа чап қисмига тўкнашиб кетган. Тўкнашув натижасида “Нексия” автомобили ҳайдовчиси О.Хайдаров ўртача оғир тан жароҳати олган. Айбдор Ғ.Каримов юқорида ифодаланган ҳаракатлари билан ЖК 266-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Дастлабки тергов ва суд жараёнида сўроқ қилинган айбдор Ғ.Каримов айбига иқрорлик билдириб, ўз ҳаракатлари билан белгиланган қоидаларни бузиши натижасида ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига кўзи етганлиги, лекин тажрибали ҳайдовчи эканлигини, бу йўлдан ўтган уч-тўрт йилдан бери қатнашлигини, кеч соат 21:00да бу йўналишда транспорт қатнови кам бўлишигига асоссиз равишда умид қилиб, ўз шахсий тушунчалари ва ҳолатларига ишониб, “Нексия” автомобили билан тўкнашиб кетганлигини баён этган¹.

Ўз-ўзига ишонишда субъектнинг айб мезонлари, биринчидан, объектив мезон – натижани олдини олиш учун унинг ҳисобга олишида ҳолатнинг етарли эмаслигини субъект олдиндан кўриши керак эди, субъект эҳтиёткорлик қоидаларига амал қилишга мажбур, иккинчидан, субъектив мезон – шахснинг буни англаб етишидир.

Бизнинг назаримизда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 22-моддаси 2-қисмида санаб чиқилган белгилар ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этиладиган жиноятнинг криминологик чегарасини аниқ белгилаш имконини бермайди. Бу масалага батафсилроқ тўхталамиз.

Ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етганлик масаласи хусусида фикр билдирсак. Ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига шахснинг кўчада граната улоқтираётиб ҳам, деворга қарата

¹ Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман суди архиви, 2012 йил

милтиқдан ўқ узаётиб ҳам, светофорнинг тақиқловчи чироғига йўлдан ўтиб кетаётиб ҳам, ҳатто йўл ҳаракати қоидаларининг барчасига риоя қилаётиб ҳам кўзи етиши мумкин, чунки “улар билан бир қаторда шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, бунда шахс одатдаги вазиятдан, ўз тажрибаси, билимларидан келиб чиқиб, хавф-хатар даражасини анча аниқ баҳолайди. Айрим йўл-транспорт ҳодисалари эса, кутилмаган тасодиф (маст одам йўлга югуриб чиқиши, светофор ишдан чиқиши) натижасида юзага келади. Тўғри, оқибатларнинг олдини олишни мўлжаллаётганда шахс тасодиф омилини ҳам ҳисобга олиши шарт”¹. Кўрсатилган ҳолатларнинг барчасида ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етганлик мавҳум тушунча деб тавсифланиши мумкин.

Ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етганлик белгисининг шунга ўхшаш таърифи эгри қасд тушунчасини таърифлашда ҳам қўлланилгани боис, эгри қасд ва ўз-ўзига ишонишда ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етиш даражаси ўхшашлигини тахмин қилиш ўринли бўлади. Бизнингча, “қонун чиқарувчи қасдни тавсифлашда қўллаган ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етганлик тушунчаси ўзининг ҳақиқий мазмунига кўра айб эҳтиётсизлик шаклининг тури сифатидаги ўз-ўзига ишонишнинг тавсифида ишлатилган худди шу тушунчадан бутунлай фарқ қилади. Бу фарқ ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етганликнинг хусусиятида намоён бўлади”, деган фикрга амал қилиш қийин. Бундай кенг талқиндан фойдаланиш ўз-ўзига ишонишнинг ақлий чегарасини белгилаш имкониятини бутунлай истисно этади.

¹ Нерсисян В.А. Ответственность за неосторожные преступления. – СПб., 2002. – С. 134.

Бошқа томондан, эгри қасд ва ўз-ўзига ишонишнинг ақлий унсурлари яқинлиги ҳақидаги фикрдан ўз-ўзига ишонишнинг қонундаги таърифга киритилмаган иккинчи белгиси – қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш ҳақида мантиқий хулоса чиқариш мумкин.

И.Г.Филановский ўз вақтида шундай деб ёзган эди: “Ўз-ўзига ишониш оқибатида жиноят содир этаётганда субъект ўз қилмиши ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келиши мумкинлигига кўзи етади, ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини ҳам у албатта англайди, зеро оқибатларнинг хавфлилигига кўзи етиш қилмишнинг хавфлилигини тушунишни тақозо этади”¹.

Бу нуқтаи назарга ҳозирги муаллифларнинг кўпчилиги ҳам қўшилади. Масалан, В.А.Нерсисян бу хусусда шундай деб ёзади: “хатто бундай англаш ўз-ўзига ишонишнинг муқаррар белгиси ҳисобланмаса ҳам (чунки у қонундан бевосита келиб чиқмайди ва ҳар бир иш бўйича суд томонидан аниқланиши шарт эмас) у ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган жиноятларга хосдир”².

С.В.Склярёв фикрига кўра, “агар шахс ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келиши мумкинлигига кўзи етган бўлса, у мазкур ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)нинг ижтимоий хавфли хусусиятини ҳам, ҳеч шубҳасиз, англайди. Бу хулосани ўз-ўзига ишониш оқибатида жиноят содир этишга ҳам тўла татбиқ этиш мумкин. Ҳозирги тадқиқотларда шахс ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфлилигини англаши аксиома, яъни исбот талаб қилмайдиган қоида сифатида қаралади”³.

Ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган жиноятни қасддан содир этилган жиноятдан фарқлаш, одатда, учинчи белги – эҳтиёткорлик чоратадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилиш ёрдамида

¹ Филановский И.Г. Социально-психологическое отношение субъекта к преступлению. – Л., 1970. – С. 134.

² Нерсисян В.А. Ответственность за неосторожные преступления. – СПб., 2002. – С. 95.

³ Склярёв С.В. Вина и мотивы преступного поведения. – СПб., 2004. – С. 41.

амалга оширилади: “Аммо, ўз-ўзига ишониш оқибатида жиноят содир этаётганда шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етгани ушбу оқибатларнинг юз бермаслигига бўлган ишонч таъсирида нейтраллашади”¹. Бу хусусда адабиётларда шахс ўз-ўзига ишониш оқибатида жиноят содир этаётганда ўз касби, ихтисослигига кўра унга оқибатларнинг олдини олишга умид қилиш имконини берадиган алоҳида кўникмаларга эга бўлиши ёки оқибатларнинг юз бериши имкониятини истисно қиладиган бошқа объектив омилларга таяниши кўрсатиб ўтилади².

Аксарият муаллифлар ўз ишларида ўз-ўзига ишониш оқибатида жиноят содир этиш белгиларининг бутун бир мажмуини таклиф қилади. Масалан, объектив томондан юз бериши мумкин бўлган зарарли оқибатларнинг олдини олишга бевосита қаратилган бир қатор ҳаракатларни олдинма-кетин бажарганлик; жиноят субъектида у муайян лавозимни эгаллагани ёки тегишли маълумотни олгани муносабати билан ўзлаштирилган тегишли касбий кўникмаларнинг мавжудлиги ва ш.к.

Илмий ишларни умумлаштириш бундай ҳолатларнинг қуйидаги гуруҳларини фарқлаш имконини беради:

- 1) шахсий фазилатлар, хусусан алоҳида билим ва кўникмалар;
- 2) бошқа шахслар, механизмларнинг ҳаракатлари;
- 3) физика ёки кимё қонунлари;
- 4) қилмиш содир этилаётган вазият.

Бунда ҳар доим тасодифга эмас, балки жиноий натижа юз беришига амалда монелик қиладиган омилларга таянилиши таъкидланади. Аммо, мазкур ҳолатларни амалда аниқлаш имкониятлари жиддий шубҳа уйғотади.

Агар шахснинг хулқ-атвори етарли эҳтиёт чораларини кўрмасликдан иборат бўлиш билан бир қаторда, ижтимоий меъёрларни бузган ва

¹ Дагель П.С., Котов Д.П. Субъективная сторона преступления и ее установление. – Воронеж, 1974. – С. 129–130.

² Наумов А.В. Практика применения УК РФ: комментарии судебной практики и доктринальное толкование (постатейный) / Под ред. Г.М.Резника. – М., 2005. – С. 70.; Комментарий к УК РФ / Под ред. В.И.Радченко, А.С.Михлина. – СПб., 2007. – С. 73.; Комментарий к УК РФ (постатейный) / Борзенков Г.Н., Верин В.П., Волженкин Б.В. и др.; Отв. ред. В.М.Лебедев. – М., 2007. – С. 81.

биронинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирган бўлса, эгри қасдда айбдор ижтимоий хавфли оқибатларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўяди, ўз-ўзига ишонишда эса ушбу оқибатларни наинки исташ, балки уларга онгли равишда йўл қўйиш ҳам мавжуд бўлмайди, аксинча, субъект уларнинг юз беришига йўл қўймасликка ҳаракат қилади, уларга салбий кўз билан қарайди, деган қоидага риоя этиш амалда мумкин эмас.

Ижтимоий хавфли қилмишда сабабий боғланишнинг ривожланиши ва юз бериши мумкин бўлган оқибатлар онгда анча аниқ акс этади. М.С.Гринберг таъкидлаб ўтганидек, ўз-ўзига ишониш оқибатида жиноят содир этилаётганда мазкур вазиятда жиноий оқибатларнинг юз бериши мумкинлигига айбдорнинг кўзи етиши натижаларнинг келиб чиқиш хавфи билан, бинобарин, уларга онгли равишда йўл қўйиш билан бирикади ҳамда бу ўз-ўзига ишониш билан эгри қасд ўртасидаги фарқ йўқолишига олиб келади¹. Яъни, “онгли равишда йўл қўйганлик” ва “истамаганлик” ўртасидаги ҳар қандай чегара бу ерда сунъий бўлади. Бизнинг назаримизда, муштлашув пайтида етказилган зиёнга бўлган муносабат ўрмонда эрмакка милтиқдан ўқ узиш натижасида етказилган шунга ўхшаш зиёнга бўлган муносабатдан фарқ қилмайди. Ушбу қилмишлар ҳар хил квалификация қилиниши эса ҳам одиллик принципи, ҳам жиноят учун жазони қўллаш мақсадлари нуқтаи назаридан шубҳалидир.

Адабиётларда илгари суриладиган агар ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқмаслигига умид қилиш бир, икки кам аҳамиятли ҳолатларга асосланган бўлса, ўз-ўзига ишониш оқибатида жиноят содир этиш истисно этилади ва қилмиш қасддан содир этилган деб топилиши лозим, деган қоида ҳам амалда қўллаш учун анча мураккабдир. Агар, айбдорнинг фикрига кўра, ижтимоий хавфли оқибатларнинг олдини олишга қодир аниқ омиллар мавжуд бўлса, бу ўз-ўзига ишониш ҳисобланади. Жамият меъёрлари нуқтаи назаридан хавфли қилмиш мавжуд бўлган ҳолларда шахс зарарли оқибатларнинг олдини олишга умид қилган, деб ҳисоблаш

¹ Гринберг М.С. Понятие преступной самонадеянности. // Правоведение. – 1962. - №2. – С. 102.

тўғри бўлмайди, чунки ижтимоий хавфли оқибатларнинг олдини олишнинг қилмишни содир этмасликдан бошқа самарали усулини ҳатто назарий жиҳатдан ҳам тасаввур қилиш мумкин эмас. Яъни, ҳар қандай хато бу ерда кам аҳамиятли ҳолатларга асосланади. Айни шу сабабли, ҳатто пичоқ санчиб енгил жароҳатлаш ҳам жиноятлар мажмуи бўйича, масалан, қасддан баданга енгил шикаст етказиш ва ўз-ўзига ишониш оқибатида баданга оғир шикаст етказиш сифатида квалификация қилинмайди.

Ўз-ўзига ишониш ва эгри қасд шундай ақлий ва рухий элементларни ўз ичига оладики, ижтимоий хавфлилик белгиларига эга бўлган қилмишларга нисбатан уларни фарқлаш кўпроқ тегишли ишни таҳлил қилаётган одамнинг фикрига боғлиқ бўлади. Масалан, Т.Недопекина фикрига кўра, шахс уйнинг ичида иккита одам борлигини била туриб унга ўт қўйган бўлса, бу ерда жабрланганлар ўлишининг олди олинишига асоссиз равишда умид қилиш мавжуд бўлади¹. Тўғри, муаллиф бундай умид қилиш ўз-ўзига ишониш ҳисобланиши мумкин эмас деб ҳисоблайди (ўт қўювчи ўзига ва ўз имкониятларига эмас, балки бошқа шахсларнинг ҳаракатларига умид қилган), лекин бу қилмишнинг квалификациясини ўзгартирмайди.

Жиноят-ҳукукий адабиётларда ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этиладиган жиноятларга мисол тариқасида кўпинча эҳтиётсизлик орқасида жабрланувчининг ўлимига (баданга оғир шикаст етказилишига) олиб келган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳоллари келтирилади. Бунда айбдор ўзининг транспорт воситасини авариясиз ҳайдаш стажига таяниши белгиси кўрсатилади. Аммо, мазкур белги ҳатто шахс йўлга чиқишдан олдин транспорт воситаси тормозларининг ишлашини текширмаган назарий ҳолатга ҳам татбиқ этилиши мумкин. Зеро, бу ерда ҳам ўзининг транспорт воситасини авариясиз ҳайдаш стажига таяниш автомактабда

¹ Недопекина Т. Проблемные аспекты преступного легкомыслия в правоприменении. // Уголовное право. – 2009. - №5. – С. 54.

бериладиган мазкур тавсияни ўз-ўзига ишониш оқибатида инобатга олмасликка имконият яратади.

Таносил касаллигини юктириш (ЖК 113-моддасининг биринчи қисми)га татбиқан ўз-ўзига ишониш оқибатида жиноят содир этиш мумкинлиги шак-шубҳа уйғотмайди. Аммо, бу ерда ўз-ўзига ишониш шахс ўзининг таносил касаллигига йўлиққанини англаши у мазкур касалликни жабрланувчига юктириши мумкинлигига кўзи етмаганини истисно этмаслиги учун ҳам мавжуд бўлиши мумкин¹.

Энди эҳтиётсизликнинг кейинги тури – **бепарволик** орқасида жиноят содир этишни кўриб чиқамиз. ЖК 22-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, агар жиноят содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят бепарволик орқасида содир этилган деб топилади.

Жиноий бепарволикда ижтимоий хавфли оқибатга нисбатан руҳий муносиватни аниқлашда бу оқибатни шахс кўра олмаслиги нуқтаи назаридан маълум қийинчиликлар юзага келади. Мана шу жиҳати билан жиноий бепарволик қасд ва жиноий ўз-ўзига ишонишдан фарқ қилади, ўз навбатида, айнан шу жиҳати билан айбсиз ҳолда зарар етказиш билан умумий белгиларга эга бўлган элемент ҳисобланади². Жиноий бепарволикда айбни аниқлашда унинг оқибати муҳим аҳамиятга эга бўлади: у нафақат жиноий бепарволик билан тасодиф ўртасидаги чегарани белгилаши керак, балки умуман айбли хулқ-атворни айбсиз хулқ-атвордан фарқлаши лозим. *Масалан*, қоровул боғда яширинча ёнғоқ ўғирлаётган болани кўриб қолади ва шу ерда ёнғоқ тераётган болани нишонга олади. Қоровул милтиғи сочма ўқ отишга мослаштирилганлиги сабабли ўқ болани ва дарахт тепасида беркиниб ўтирган яна икки нафар ўсмирни ҳалок бўлишига сабаб бўлади.

¹ Настольная книга судьи по уголовным делам / Есаков Г.А., Рарог А.И., Чучаев А.И.; Отв. ред.: Рарог А.И. – М., 2007. – С. 192.

² Абдуқодиров Ш.Ё. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли ва унинг белгилари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 16.

Эҳтиётсизлик шаклидаги айбнинг ушбу кўриниши мазмун-моҳияти шундаки, шахс ўз қилмишининг келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатини олдиндан кўра билмай туриб, мазкур оқибатларнинг олдини олишга қаратилган зарур иродавий ҳаракатларни амалга ошириш учун тегишлича эътиборлилик ва олдиндан кўра билиш қобилиятини ишга солмайди, реал имкониятни ҳақиқатга айлантирмайди¹. Масалан, 2008 йил 3 июнь куни тахминан соат 18:00 да Тошкент шаҳар Шайхантохур туманида жойлашган “SPENTEX TASHKENT POP” МЧЖнинг пилталаш-пиликлаш цехида, цех устаси Д.Салимовнинг лоқайдлиги ёки айнан бепарволиги, яъни цех ходимларини техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари билан аввалдан таништирмаганлиги ҳамда цех ишчиларини иш жойларини белгилашни тўғри ташкил этмаганлиги оқибатида мазкур цехда бир йилдан бери оператор бўлиб ишловчи М.Алимбекова “Тайота” русумли дастгоҳга тайёр маҳсулотларнинг икки донаси ноўрин кириб кетаётганлигини кўриб, уни олиб қўймоқчи бўлганида шу цехда оператор бўлиб ишловчи С.Хатамбоева огоҳлантиришсиз дастгоҳни бошқариш жойидаги дастгоҳ платформасини кўтарувчи тугмачасини босиб юборади. Шунда М.Алимбекованинг ўнг ва чап қўлларининг кўрсаткич бармоқлари катушка ва флая ўқи орасида сиқилиб қолиши натижасида иккала бармоғи катушка ичига қаттиқ қисилиб синиб қолган. Бу жароҳатлар умумий меҳнат фаолиятининг 33 фоиздан ошмаган доимий йўқолишига олиб келган ва оғирлик даражаси бўйича ўртача оғир тан жароҳатлари тоифасига киради.

Юқоридаги ҳолатда цех устаси Д.Салимов техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши учун масъул шахс бўла туриб, бу қоидаларни бузиб, М.Алимбековага ўртача оғир тан жароҳати етказилишига сабабчи бўлганликда ифодаланган ҳаракатлари

¹ Мухторов Н.И. Жиноят қонунида айбнинг эҳтиётсизлик шакли муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс.... – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 46.

билан ЖК 257-моддасининг иккинчи қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этган¹.

Суд амалиёти учун бепарволик орқасида содир этилган жиноятнинг объектив ва субъектив мезонларини аниқлаш қоидалари айниқса муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, бундай мезонларни аниқлаш бўйича назарий тавсиялар мутлақо ўринлидир.

Қонун чиқарувчи бепарволикни исботлашда икки асосий ҳолатни: 1) шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаганини; 2) шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етиши лозим ва мумкин бўлганини аниқлашни талаб қилади. Жиноят ҳуқуқи назарияси нуқтаи назаридан бу жиноий бепарволикнинг тегишли равишда салбий ва ижобий белгилари (мезонлари) ҳисобланади.

Бепарволик орқасида жиноят содир этиш тузилмасининг жиддий камчилиги шундаки, у бепарволик орқасида жиноят содир этаётганда қилмишни англаш тўғрисидаги масалани шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англамаслиги тўғрисидаги қоида билан боғлайди. Аммо, бунинг ўзи кифоя қилмайди, чунки, *биринчидан*, айрим муаллифлар қайд этиб ўтганидек, гап хавф остида қолдириш билан боғлиқ жиноят таркиблари ҳақида борганда, бепарволик орқасида жиноят содир этиш қўлланилиши мумкин эмас². Шу маънода М.А.Кауфманнинг қуйидаги фикрига қўшилмаслик мумкин эмас: “Агар бундай жиноятлар фақат эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши қонунда талаб этилганидек айтиб қўйилган бўлмаса, ўз қилмишининг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига муносабат ҳам қасд, ҳам эҳтиётсизлик билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай жиноятларда объектив томон белгилари қаторига фақат қилмишнинг хусусияти киритилгани боис, фақат уларга бўлган муносабат

¹ Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суди архиви, 2008 йил

² Кауфман М.А. Нормативная неопределенность в уголовном законодательстве. // Журнал российского права. – 2009. - №10. – С. 59.; Складов С.В. Вина и мотивы преступного поведения. – СПб., 2004. – С. 22.

айт эҳтиётсизлик шаклининг мазмунини ташкил этиши лозим ва бунда жинойт фақат бепарволик орқасида содир этилиши мумкин”¹. *Иккинчидан*, айрим криминалист олимлар² фикрига кўра, бепарволик орқасида жинойт содир этишнинг шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етиши лозим ва мумкинлиги кўрсатилган таърифи айбнинг ўз қилмиши (унинг оқибатлари)га бўлган муносабат сифатидаги талқини билан тўқнашади. *Масалан*, И.С.Иванов қайд этишича, “агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англамаса, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмаса, балки эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этган тақдирда, кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бу ерда фақат ўзига хосгина эмас, балки потенциал руҳий муносабат ҳам мавжуд бўлади”³. Сўнгги зикр этилган турдаги муносабат ҳақида Б.В.Хорнабуджели шундай деб ёзган эди: “Потенциал руҳий муносабат ҳақида гапирган одам айнаи ҳолда у амалда ҳали ҳеч қандай муносабат билан иш кўрмаётганини билиши керак. Потенциал қобилият ҳеч қачон ушбу қобилият амалда намоён бўлганини англатмайди”⁴.

Илмий адабиётлар таҳлили бепарволик орқасида жинойт содир этишни квалификация қилишда мавжуд қийинчиликларни бартараф этишнинг асосий усули бепарволикнинг салбий ҳолати ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини англашга эмас, балки фақат бунга кўзи етишга тегишли эканлигини эътироф этиш ҳисобланади. Бунда бепарволик орқасида жинойт содир этишнинг таърифидаги ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши

¹ Кауфман М.А. Нормативная неопределенность в уголовном законодательстве // Журнал российского права. – 2009. - №10. – С. 59.

² Векленко С.В. Сущность, содержание и формы вины в уголовном праве. // Правоведение. – 2002. - №6 (245). – С. 131.; Нерсисян В.А. Ответственность за неосторожные преступления. – СПб., 2002. – С. 102.; Петин И.А. Логические основания вины в уголовном праве // Российский следователь. – 2009. - №17. – С. 20.; Лунев В.В. Субъективное вменение. – М., 2000. – С. 47. ва бошқ.

³ Иванов И.С. К вопросу соотношения форм вины и их основных признаков. // Российский следователь. – 2005. - №11. – С. 45.

⁴ Хорнабуджели Б.В. Психологическая сторона вины. – Тбилиси, 1981. – С. 82.

мумкинлигини англашнинг мазмуни хусусида турли фикрлар илгари сурилади.

О.Д.Ситковская қайд этишича, “транспорт воситалари орқали содир этиладиган жиноятларда айбдор шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини, сабабий боғланишнинг амалда ривожланиш жараёнини англамайди, деб айтиш мумкин эмас”¹. Унинг фикрига Ю.Е.Пудовочкин ҳам қўшилади: “Субъектив томондан беморга ёрдам кўрсатмаслик ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик кўринишидаги айбнинг эҳтиётсизлик шакли билан тавсифланади. Бизнинг фикримизча, мазкур жиноят субъектининг хусусиятларига кўра, айбнинг мазмунига айбдор ўз хулқ-атворининг ижтимоий хавфлилиги ва ғайриқонунийлигини англаши киритилади”². В.В.Лунеев бепарволик орқасида жиноят содир этишнинг қонундаги таърифига ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфлилигини (ғайриқонунийлигини) англаш белгисини киритишни таклиф қилади³.

Бу фикрга қўшилиш қийин. Бепарволик орқасида жиноят содир этишда сабабий боғланишнинг ривожланиши бир қатор хусусиятларга эга бўлади. Бепарволик орқасида жиноят содир этишга хос бўлган хулқ-атворга қўйиладиган талабларни бажармаслик, қўшимча ҳаракатларни бажармаслик ва бошқа шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар зарарли оқибатларнинг муқаррар омили бўла оладиган даражада ижтимоий хавфли эмас. Бепарволик мавжуд бўлиши учун улар қўшимча шартлар билан бирикиши лозим. Бинобарин, бепарволик орқасида жиноят содир этаётганда шахс ҳодиса объектив ҳолатларининг бир қисминигина англайди, шу туфайли ҳам у ўз хулқ-атворини амалда ижтимоий хавфли хулқ-атвор сифатида идрок этмайди.

Айни вақтда, “субъект ўз хулқ-атворининг ижтимоий хавфлилигини англашини тан олиш айбдор мазкур хулқ-атворнинг ижтимоий хавфлилиги

¹ Ситковская О.Д. Уголовный кодекс РФ: психологический комментарий (постатейный). – М., 2009. – С. 177.

² Комментарий к Уголовному кодексу РФ (постатейный). / Бриллиантов А.В., Долженкова Г.Д., Иванова Я.Е. и др.; Под ред. А.В.Бриллиантова. – М., 2010. – С. 451.

³ Лунеев В.В. Субъективное вменение. – М., 2000. – С. 48.

ва унинг оқибатларига кўзи етмаслиги мумкин эмас, деган хулоса чиқариш имконини беради, бу эса кўриб чиқиладиган айб шаклининг мазмунига зиддир”¹.

Айрим муаллифлар бепарволик орқасида жиноят содир этишда шахс ўз ҳаракатларининг ҳақиқий мазмунини ёки уларнинг бир қисмини англаши ҳақида сўз юритиш ўринли бўлишини қайд этадилар². Аммо, бу нуқтаи назарнинг мураккаблиги шу билан белгиланадики, ўз ҳаракатларининг ҳақиқий мазмунини англаш ҳар қандай хулқ-атворга – ҳам қасддан содир этиладиган, ҳам қонуний ҳатти-ҳаракатларга хос. Ўз-ўзича у шахснинг ўз қилмишига бўлган муносабати турини аниқлаш учун етарли эмас (айниқса, ҳавф туғдириш билан боғлиқ жиноят таркибларида).

Бизнинг назаримизда, бепарволик орқасида жиноят содир этиш муаммосини ечиш унинг салбий ва ижобий жиҳатлари мазмунини такомиллаштириш билан бир қаторда, мазкур айб турининг моҳияти тўғрисидаги масала билан ҳам боғлиқ. Дарҳақиқат, “қасддан жиноят содир этган шахсгина эмас, балки ўз онги ва иродасини сафарбар қилмаган, дастлабки майл таъсирида оқибатини ўйламасдан ҳаракат қилган шахс ҳам айбдордир, зеро бу дастлабки майл – унинг шахсиятини акс эттирувчи ўз майли”³, деган қонидани амалда оз сонли ҳолатларга татбиқ этиш мумкин. Одамларга бошқаларга ҳам, ўзига ҳам зарар етказиш эҳтимолига бепарволик билан қараш хос (айниқса бундай эҳтимол паст бўлса). Йўлга чиқишдан олдин транспорт воситаси тормоз тизимининг созлигини текширадиган ёки иш куни охирида ўзининг толиққани ҳис этгач, уйга жамоат транспортида етиб олишни афзал кўрадиган ҳайдовчилар жуда кам топилади. Деярли ҳар бир ҳайдовчи ўз умрида бир марта бўлса ҳам лозим даражада эҳтиёткор бўлмасликда айбдор бўлган.

¹ Сирохин А.И. Теоретические аспекты небрежности в праве России // История государства и права. – 2007. - №12. – С. 7.

² Завидов Б.Д., Борбат А.В. Общие проблемы и отдельные особенности некоторых положений уголовного права России. – М., 2005. – С. 46.; Сирохин А.И. Теоретические аспекты небрежности в праве России // История государства и права. – 2007. - №12. – С. 7.

³ Зелинский А.Ф. Осознаваемое и неосознаваемое в преступном поведении. – Харьков, 1986. – С. 69.

Умуман олганда, бепарволик орқасида жиноят содир этишнинг ҳозирги таърифи унинг икки асосий хилини ўз ичига олади.

Биринчи – “маиший” бепарволик. Бу ерда “айбдорнинг шахсий хусусиятлари (унинг жисмоний кўрсаткичлари, ривожланиш даражаси, маълумоти, касбий ва ҳаёт тажрибаси, соғлиғининг ҳолати, таъсирчанлик даражаси ва ҳ.к.) унга қилмишни содир этиш вазиятидан келиб чиқадиган ахборотни тўғри идрок этиш, уни тўғри баҳолаш ва асосли хулосалар чиқариш имконини бериши”ни аниқлаш талаб этилади¹. Бинобарин, унинг руҳий элементи қуйи чегараси “ҳамма ва ҳар ким учун мўлжалланган, ўта соддалик билан тавсифланадиган” хулқ-атвор қоидаларини бузиш фактини англашдан, юқори чегараси эса – оғир оқибатлар келиб чиқишига кўзи етмасликдан иборат².

Иккинчи – “касбий ва техник” бепарволик. Унинг юқори чегараси ҳозир анча мавҳум, чунки суд амалиётида бепарволик орқасида жиноят содир этишнинг таърифлари, масалан, йўл ҳаракати ёки техника хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузишга ишора қилиш билан бирикади. Руҳий элементнинг қуйи даражаси эса фақат хавфсизлик қоидаларини бузишнинг ихтиёрийлиги, яъни руҳий-жисмоний зўриқишларнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Бундай хулоса айбсиз ҳолда зарар етказиш (ЖК 24-моддаси)нинг қонундаги чегараси билан мос келади. Гап ошиқча хавф ёки ўз касбий вазифаларини бажармаслик орқали зарар етказиш ҳақида борганда, шаклланган суд-тергов амалиётига кўра, фақат ижтимоий хавфли хусусияти англамаган, англаниши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган ҳаракатлар, шунингдек руҳий-жисмоний зўриқиш таъсиридаги ҳаракатсизлик айбсиз ҳолда зарар етказиш деб топилиши мумкин. Шу сабабли, “касбий ва техник” бепарволик кўпинча реал тергов вазиятларига татбиқан фақат минимал ёки ҳатто “потенциал” руҳий элементни ўз ичига олади.

¹ Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Ю.В.Грачев, Л.Д.Ермакова, Г.А.Есаков и др.; Под ред. Л.В.Иногамовой-Хегай, А.И.Рарога, А.И.Чучаева. – М., 2008. – С. 180.

² Нерсесян В.А. Ответственность за неосторожные преступления. – СПб., 2002. – С. 84.

В.В.Лунеев қайд этганидек, “субъектив айблаш принципи юридик фани ва амалиётини бепарволик орқасида жиноят содир этиш учун жавобгарликни чеклашга, бепарволик орқасида содир этилган ҳаракатлардан инсон, табиат, жамият ва дунё кўраётган зарарнинг кўпайиши эса – жиноий жавобгарликни кенгайтиришга рағбатлантиради”¹. Дарҳақиқат, айрим давлатлар (масалан, Австралия, Англия, АҚШ, Франция)нинг жиноят ҳуқуқига жиноят қонунчилигини бузганлик учун судланувчининг айбини судда исботламасдан жавобгарликка тортиш ёки “қаттиқ жавобгарлик” хос. “Ушбу институтнинг мавжудлиги чет эл жиноят қонунчилигида содир этилиши озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога тортишга сабаб бўлмайдиган кўп сонли жиноий қилмишлар (санитария қоидаларини бузиш, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилиш, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш) мавжудлиги билан изоҳланади”². Аммо, айбнинг энг енгил тури ҳеч бўлмаса руҳий белгини ўз ичига олиши қаттиқ жавобгарликни эътироф этмайдиган давлатларнинг жиноят ҳуқуқига ҳам хосдир. Масалан, Германия ва Япония жиноят ҳуқуқида бу хавфни олдиндан кўра билиш имконияти. Испания жиноят ҳуқуқида эса – қилмиш жиноий натижанинг юз бериш хавфини асосиз равишда юзага келтирганини англаш. Бунда қаттиқ жавобгарликни инкор этиш кўпроқ даражада суд амалиётининг ҳар хиллигини ва умумий қоидаларга эмас, балки муайян вазиятга қараб мўлжал олишни назарда тутди³.

Бошқа томондан, ривожланган мамлакатларнинг жиноят ҳуқуқига “қаттиқ жавобгарлик” қоидалари билан бир қаторда, объектив айблаш шакли сифатидаги бепарволикнинг танқиди ҳам хосдир. Масалан, Англия судлари кўпгина қилмишларга нисбатан уларни қаттиқ жавобгарлик доирасида ва ҳатто бепарволик орқасида содир этиш жиноий

¹ Лунеев В.В. Субъективное вменение. – М., 2000. – С. 46.

² Малиновский А.А. Принципы уголовного права (сравнительно-правовой анализ) // Международное уголовное право и международная юстиция. – 2008. - №4. – С. 25.

³ The handbook of comparative criminal law // Edited by Kevin Jon Heller and Markus D. Dubber. – Stanford University Press, 2011. – P. 262-263, 400-401, 502-503.

жавобгарликка сабаб бўлмаслигини таъкидлайди. Францияда субъектив элементга нисбатан жавобгарликнинг бирдан-бир шarti ихтиёрийлик бўлган оддий жиноий ҳуқуқбузарликлар нари борса жарима солиш билан жазоланади. Айбнинг қасдсиз шакли аниқланган ҳолда эса Франция судлари “субъектив мезон”дан фойдаланади, яъни айбланувчининг “эҳтиёткорлик стандарти”га риоя қилиш имкониятларини баҳолайди. Ҳатто АҚШда чоп этилган жиноят ҳуқуқи дарсликларида ҳам “қаттиқ жавобгарлик” институти ҳозирги вақтда кўпгина олимлар томонидан танқид қилиниши қайд этилади ва уларнинг вaжлари келтирилади.

Юқорида баён этилганлар жиноят ҳуқуқида бепарволик орқасида жиноят содир этиш хусусидаги нуқтаи назарларни ривожлантиришнинг икки йўли бор, деган хулосага келиш имконини беради. Биринчи – бепарволик орқасида жиноят содир этиш, моҳият эътибори билан, айбнинг “потенциал” ёки “минимал” шакли бўлиб қолади. Иккинчи – мамлакатимиз фани ва амалиётида эътироф этилган талқиндаги бепарволик орқасида содир этилган жиноят учун жавобгарлик субъектив айблаш принципи билан мос келмаслигини тан олиш ва эҳтиётсизликни реал субъектив элемент билан изчил тўлдириш. Яъни, фақат амалда мавжуд бўлган ва аниқланган қилмишлар учун ҳукм қилиш, шунингдек “мураккаб бепарволик” (яъни хавфсизлик қоидаларини онгсиз равишда бузиш) учун жиноий жавобгарликни истисно этиш¹. Бизнингча, бу ривожланишнинг истиқболи порлоқ йўналишидир. Шунини таъкидлаш лозимки, у амалдаги жиноят қонуни таърифларини дарҳол ўзгартиришни талаб қилмайди. Боз устига, ҳуқуқни қўллаш тизимида бепарволик орқасида жиноят содир этишнинг таърифи самарали қўлланилади. Хавфсизлик қоидаларини онгли равишда бузганликни исботлаш эса жиддий қийинчиликлар билан боғлиқ ва аксарият “шубҳали” ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод қилишга сабаб бўлади.

¹ Лунеев В.В. Субъективное вменение. – М., 2000. – С. 48.

Бизнингча, даставвал ўзгаришлар билан бепарволик орқасида содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш амалиёти қамраб олиниши лозим. Унча оғир бўлмаган ёки ўртача оғир жиноятни биринчи марта содир этган шахслар ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлади ва жиноий жавобгарликка тортилганининг ўзи уларга зарурий тарбиявий таъсир кўрсатади. Албатта, жазо тайинлаш мақсади сифатидаги умумий превенциянинг зарурлиги ҳақида ҳам унутмаслик керак. Аммо, эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларга нисбатан у салбий таъсир кўрсатмайди, чунки “эҳтиёткорлик стандартлари”га риоя этиш одатда шахснинг реал мақсад ва мўлжаллари ҳамда жавобгарлик таҳдиди билан боғлиқ эмас. Масалан, мамлакатимизнинг автойўлларида ҳатто энг виждонли ҳайдовчилар ҳам тезлик режимини бузади. Жиноий превенция бу муаммони еча олмайди ва ечиши лозим ҳам эмас. Бинобарин, субъектив элемент минимал даражада намоён бўлган ҳолларда озодликдан маҳрум қилиш жазосини амалда қўллаш ўринли бўлмайди. Бу ерда ижтимоий адолатни тиклашга етказилган зарарни мумкин қадар тўлиқ тиклаш ва озодликдан маҳрум қилишдан бошқа жазо турларини қўллаш ҳисобига эришилиши лозим.

Шундай қилиб, эҳтиётсизликни ҳосил қилувчи белгиларнинг моҳияти, турлари ва уларни аниқлаш муаммолари таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради. Ўз-ўзига ишониш оқибатида жиноят содир этишнинг ЖК 22-моддасининг иккинчи қисмида берилган таърифи суд ва тергов амалиётида ҳам ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳам субъектив белгиларига кўра ҳар хил бўлган қилмишларнинг икки турига нисбатан қўлланилади: бу ерда объектив томон ҳаёт ва соғлиққа қарши қасддан содир этиладиган жиноятлардан фақат зарарли оқибатларни келтириб чиқаришга қаратилган аниқ мақсадининг йўқлиги билан фарқ қилади ва зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаган ижтимоий хавфлилик белгисига эга бўлмаган қилмиш содир этилади.

Бизнинг назаримизда, ўз қилмиши ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етиш айбнинг эҳтиётсизлик шаклига эмас, балки қасддан содир этиладиган жиноятларга хосдир, чунки улар албатта айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англагани билан тавсифланади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, ЖК 22-моддаси иккинчи қисмининг таърифи фақат жиноятларнинг биринчи гуруҳига нисбатан қўлланиши мумкин.

Иккинчи гуруҳга келсак, ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етиш биринчи навбатда норматив мезон – тегишли йўриқномалар ёки қоидаларни билиш билан боғланган ҳолларга бепарволик орқасида жиноят содир этишнинг қонундаги таърифи кўпроқ мос келади. Айни вақтда, хавфсизлик қоидаларини оддий бузишда ва онгли равишда (қўпол) бузишда судлар томонидан қўлланиладиган жазоларда фарқлар мавжуд. Бизнингча, судларнинг бундай ёндашуви асосли ва жазони индивидуаллаштириш учун кенг имконият яратади.

2. Жиноят субъектив томонининг факультатив белгилари ва уларнинг қилмишни квалификациясига таъсири

У ёки бу қилмишнинг субъектив томонида уни содир этган шахснинг ички, руҳий жараёнлари акс этади. Инсоннинг жиноий фаолияти ҳам бундан мустасно эмас. Шунини қайд этиб ўтиш лозимки, жиноят субъектив томонининг бирдан-бир муқаррар белгиси – айбдан ташқари, инсон хулқ-атворининг мотивлари ва мақсадлари ҳам катта роль ўйнайди¹. Инсон фаолиятининг мотивацияси ҳақидаги ҳукмрон нуқтаи назар айни вақтда руҳий фаолиятнинг бошқа элементлари таъсирини ҳам истисно этмайди (баъзан мазкур таъсир ҳал қилувчи аҳамият касб этади). Шундай қилиб, жиноят субъектив томонининг мазмуни айб, мотив ва мақсад каби

¹ Рахматуллина Н.Г. Убийство по мотиву национальной, расовой, религиозной ненависти или вражды либо кровной мести: вопросы квалификации и индивидуализации наказания: Дисс. ...канд. юрид. наук. – Ставрополь, 2005. – С. 16.

юридик белгилар ёрдамида акс эттирилади. Рухий фаолиятнинг турли шакллари ифодаладиган мазкур белгилар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ¹.

Жиноят ҳукукида анъанавий равишда жиноят субъектив томонининг иккита белгиси – мотив ва мақсад фарқланади. Жиноят мотиви – бу субъект эҳтиёжлари ва манфаатлари сабабли юзага келадиган, англанган мойиллик бўлиб, уни жиноий қилмиш содир этишга ундайди². Мотив шахсда қизиқиш, ички хоҳиш уйғотувчи ҳиссиёт ҳисобланади³. Жиноят мақсади – субъект жиноий қилмишни содир этишда эришишга интиладиган фикрий натижа⁴. Инсоннинг ҳар қандай иродавий ҳаракати, жумладан, жиноий ҳаракати муайян мотивларга эга бўлади ва қўйилган мақсадга эришиш томон йўналган бўлади. Мотив ва мақсад ўртасида ички алоқадорлик мавжуд. Шахсда жиноят мотивининг шаклланиши муайян мақсаднинг қўйилишини ҳам назарда тутди. Шу боис, у ёки бу жиноятни содир этиш мотивларини аниқлаш кўпинча шахснинг жиноят содир этиш орқали эришмоқчи бўлган жиноий мақсадларини ҳам аниқлаш имконини беради. *Масалан*, бировнинг мулкини ғайриқонуний эгаллашда ғаразли мотивларнинг мавжудлиги ўзганинг мулки ҳисобидан бойиш мақсади ҳам мавжудлигини тақозо этади.

Жиноий хулқ-атворни жиноий бўлмаган хулқ-атвордан фарқлаш, асосий таркибни ўхшаш таркиблардан фарқлаш ва жазо тайинлаш жиноий хулқ-атвор мотивининг тўғри аниқланишига боғлиқ бўлади. Жиноят субъектив томонининг факультатив белгилари мақомига эга эканлигига қарамай, мотивлар ЖК Махсус қисмининг бир қатор таркибларида таркиб ҳосил қилувчи элементлар сифатида амал қилади, яъни улар мавжуд

¹ Векленко С.В., Бавсун М.В. Субъективная сторона преступления: Лекция. – Омск, 2005. – С. 25.; Скляр С.В. Мотивы индивидуального преступного поведения и их уголовно-правовое значение: Дисс. ...канд. юрид. наук. – Иркутск, 1995. – С. 54–55.; Ивченко О.С. Проблемы мотива и цели убийства в уголовном праве России: Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 14.

² Жиноят ҳукуки. Умумий қисм: Дарслик. / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б. 171.

³ Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – Б. 31.

⁴ Жиноят ҳукуки. Умумий қисм: Дарслик. / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б. 171.

бўлмаган ҳолда содир этилган қилмиш жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш доирасидан чиқади. Бундан ташқари, мотивлар жиноий жавобгарликни пасайтириш ва кучайтириш, ўхшаш таркибларни фарқлаш, айб даражасини аниқлаш воситаси ҳисобланади. Муайян шахснинг жиноятни содир этиш мотивини синчиклаб ўрганишгина унга жазо тайинлаш тўғрисидаги масалага алоҳида ёндашиш имконини беради, бу эса, ўз навбатида, жиноят ҳуқуқи вазифалари ва принципларини амалга ошириш учун имконият яратади.

Жиноий хулқ-атворнинг ҳақиқий сабабларини аниқлаш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳаракат қилинаётган барча ҳолларда мотивларни аниқлашга интиладилар. Мотивнинг етакчи роли инсон хулқ-атворининг хусусияти, аниқроқ айтганда, унинг танланганлиги ва аниқ бир мақсадга эришишга қаратилганлиги билан белгиланади¹. Мотив инсон онгига таъсир этади, иродасини йўналтиради, инсон ҳаракатларининг хусусиятини белгилаб беради ва шу сабабли, айбнинг мазмунини аниқлаш имконини беради, лекин ўз мустақиллигини йўқотмайди². Э.Тожиевнинг қайд этишича, айнан шахс ахлоқий деграгациясининг даражаси, унинг ижобий ва салбий сифатлари мотив орқали аниқланади³. Жиноятнинг мотивини яхши билиш жиноят субъектининг объектив факторларни қандай қабул қилганлигини, унинг онгида бундай факторлар қандай ифодааланганлигини, унинг тафаккурий ва иродавий ҳолатига қандай таъсир этганлигини аниқлаш имконини беради.

Жиноятнинг мотиви ва унинг ижтимоий хавфли хулқ-атвордаги аҳамиятига нисбатан ёндашув мазкур тушунчага, унинг мазмунига биз қандай маъно юклашимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

¹ Волков Б.С. Мотивы преступления. – Казань, 1992. – С. 3.

² Жиноятларни квалификация қилиш: Дарслик. / Р.Кабулов, А.Отажонов, Соттиев И. ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 97.

³ Тожиев Э.А. Жиноятнинг субъекти ва мотивига кўра жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 28.

Юридик психологияда мотив тушунчасининг мазмунини ҳаракатлар тарзининг ички шаклланиш механизми орқали ёритиш таклиф қилинади. Бунда мазкур механизм сиртда намоён бўлгач, объектив натижани беради¹.

Жиноят-ҳукукий фани доирасида жиноий тажовуз мотиви деганда, одатда, муайян эҳтиёжлар ва манфаатлар билан белгиланадиган, шахсда жиноят содир этишга аҳд пайдо бўлишига олиб келадиган ва жиноятни содир этишда шахс амал қиладиган ички майллар тушунилади².

Мазкур таърифга А.И.Рарог бир неча ўн йилликлар мукаддам жиноят ҳукуқи фанида мотивга тавсиф беришда жиноий қилмишнинг мотиви сифатида онгли майл амал қилиши таъкидланганини қўшимча қилади. Аммо, шундан бери ўтган давр мобайнида психология фанида ҳам, ҳуқуқшуносликда ҳам мотивлар ҳам онгли, ҳам англанмаган хусусиятга эга бўлиши мумкинлиги эътироф этилди. Бинобарин, мотивни психологик-юридик ҳодиса сифатида идрок этишда ушбу ҳолат ҳам ҳисобга олиниши лозим³. Жумладан, М.Ҳ.Рустамбаевнинг қайд этишича, жиноятнинг мотиви – бу шарт бўлган муайян эҳтиёжлар ва манфаатларнинг англанган ёки англанмаган ички хоҳиш-нияти бўлиб, шахс унга жиноят содир этишда таянади⁴.

Жиноят ҳукуқи фанида жиноятнинг мотивини таърифлашга нисбатан турли ёндашувлар таклиф қилинган. Масалан, Б.С.Волков инсон ҳулқ-атворининг мураккаблиги хусусида мулоҳаза юритар экан, мотивни шахс жиноят содир этаётганда амал қилган майл орқали таърифлашни таклиф қилган⁵.

П.С.Дагель ва Р.И.Михеев мотивни шахснинг унда ижтимоий хавфли ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этишга аҳдни пайдо қиладиган

¹ Еникеев М.И. Юридическая психология. – М., 2004. – С. 83.

² Российское уголовное право: в 2 т. – Т. 1. Общая часть: Учебник / Под ред. Л.В.Иногамовой-Хегай, В.С.Комиссарова, А.И.Рарог. – М., 2010. – С. 178.

³ Рарог А.И. Квалификация преступлений по субъективным признакам. – СПб., 2002. – С. 139.

⁴ Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.1. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Дарслик. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2010. – Б. 199.

⁵ Волков Б.С. Мотивы преступления. – Казань, 1992. – С. 6.

ва у мазкур ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни амалга ошираётганда уни бошқарадиган ички майллари сифатида тушунишни таклиф қилганлар¹.

Юқорида келтирилган таърифлардан кўриниб турганидек, мотив жиноят содир этаётган шахснинг ҳаракатлари мақсадларидан, жиноий натижа моделидан ва унга эришиш йўлидаги интилишлардан дарак беради. Бинобарин, муайян жиноят таркиблари тузилишида мотив шахснинг ўзи содир этаётган ҳаракатларга бўлган субъектив муносабатида ўз ҳаракатлари келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни англаш ва уларга кўзи етиш элементлари билан бир қаторда, муайян жиноий натижага эришиш истаги ҳам албатта мавжуд бўлишидан далолат беради².

Жиноят мотиви ҳақида мулоҳаза юритганда, унинг жиноий ҳаракатларни содир этиш мақсади билан алоқасини қайд этмаслик мумкин эмас. Дарҳақиқат, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Булар айб билан бирга жиноятнинг субъектив томонини ҳосил қиладиган руҳий феноменлардир.

Гарчи мазкур тушунчалар бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилса-да, улар руҳий жараённинг турли томонларини тавсифлайди. Мотив у ёки бу ҳаракатларни инсон нима учун содир этади, деган саволга жавоб беради, мақсад эса фаолият йўналишини белгилайди. Агар, мотив – бу жиноий фаолиятнинг мажбурий манбаи бўлса, мақсад – ушбу фаолиятнинг ҳаёлий натижасидир³. Моҳият эътибори билан, мотив ва мақсад инсон фаоллигининг динамик ва мазмун ҳосил қилувчи жиҳатларини ўзига хос тарзда ифодалайди. Мақсад мотивсиз вужудга келмайди, аммо, бошқа томондан, бутун руҳий жараён сингари, мотив ҳам мақсад туфайли, ушбу мақсад рўёбга чиқариладиган муайян фаолият натижасида аниқ мазмун касб этади⁴.

¹ Дагель П.С., Михеев Р.И. Теоретические основы установления вины. – Владивосток, 1995. – С. 79.

² Векленко С.В. Уголовно-правовая оценка субъективной стороны состава преступления: Учебное пособие. – Омск, 2006. – 85-б.

³ Рустамбаев М.Х., Крутько О.Г. Ответственность за умышленное убийство при отягчающих обстоятельствах по признакам субъективной стороны. – Ташкент: ТГЮИ, 2006. – С. 101.

⁴ Волков Б.С. Мотивы преступления. – Казань, 1992. – 6-б.

Мотив ҳақида гапирганда яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи назариясида кенг эътироф этилган нуқтаи назарга кўра, жиноят субъектив томонининг кўриб чиқиладиган белгиси фақат қасддан содир этиладиган жиноятларда мавжуд бўлиши мумкин, бунда мазкур жиноятлар фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин¹.

Бизнинг фикримизча, мазкур нуқтаи назар фақат моддий таркибли жиноятлар учун ўринлидир. Тўғри ва эгри қасдни фарқлаш одатда жиноят субъектининг ўз жиной хулқ-атвори оқибатларига бўлган муносабатига кўра амалга оширилиши боис, формал таркибли жиноятларда жиной фаолият мотивацияси сингари, унинг мақсадини белгилаш тўғри қасд билан содир этиладиган қилмишларда ҳам, эгри қасд билан содир этиладиган қилмишларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Айни вақтда, жиноятни содир этишга туртки берувчи омил ҳисобланадиган ва жиноят таркиби субъектив томонининг факультатив белгилари сифатида мақсад билан мос келадиган мотив шахс ўз қилмишининг оқибатларига бефарқ қараган ҳолда амалга оширилиши мумкин эмас.

Мотив эҳтиётсизлик замирида ётувчи эҳтиёжларни қондириш воситаси сифатида амал қилмайди, шу туфайли ҳам қонун чиқарувчи уларни эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятлар таркибига ҳеч қачон киритмайди ва улар жиной мотивлар ҳисобланмайди².

Демак, жиноят ҳуқуқи фанида одатда жиноят субъектив томонининг иккита факультатив белгиси – мотив ва мақсад фарқланади. Мазкур нуқтаи назар тарафдорларининг фикрига кўра, ҳиссиёт (ҳис-туйғу) шахснинг ижтимоий хавфли қилмишга бўлган руҳий муносабати элементи ҳисобланмайди, балки жиноятни содир этишдан олдин, жиноятни содир этиш пайтида ва жиноятни содир этгандан кейин субъект ҳис қилиши

¹ Векленко С.В. Уголовно-правовая оценка субъективной стороны состава преступления: Учебное пособие. – Омск, 2006. – С. 84.

² Рарог А.И. Квалификация преступлений по субъективным признакам. – СПб., 2002. – С. 185.

мумкин бўлган рухий кечинмаларни англатади (*ушбу муаммо юқоридаги параграфларда таҳлил қилинган*).

Айрим муаллифлар жиноятнинг субъектив томони тузилишида ҳис-туйғулар, мотив ва мақсад сингари факультатив белгиларни фарқлаш билан бир қаторда, субъектив томонни тавсифлайдиган бошқа қўшимча белгилар – кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш, била туриб жиноят содир этиш ва муайян ваз вазиятида жиноят содир этишни ҳам кўрсатиб ўтадилар.

Кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этишга келсак, у қисқа муддатли ҳис-туйғу ҳисобланади ва шу туфайли ҳам жиноят субъектив томонининг факультатив белгилари қаторига рухий ҳолатнинг бир тури сифатида киради. Бу ерда муаммо шундан иборатки, ҳис-туйғулар таснифи жиноят ҳуқуқида мавжуд эмас ва кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш рухий ҳолатнинг бир тури сифатида тегишли равишда мустаҳкамланмаган.

Шахснинг жиноятни содир этишдан олдинги ва жиноятни содир этиш пайтидаги эмоционал ҳолати – бу шахснинг бирон-бир нарсага бўлган, қондиришни талаб этадиган эҳтиёжни ҳис қилиш ҳолатидир. Шахснинг эмоционал ҳолати қуйидаги шаклларда ифодаланиши мумкин: эмоция, эмоционал тус, эмоционал жавоб, эмоционал хулқ-атвор, эмоционал жазава, эмоционал хуруж (алоҳида эмоционал ҳолат – кучли рухий ҳаяжонланиш), ҳиссиётлар.

Жиноятнинг субъектив томони факультатив белгилари қаторига била туриб жиноят содир этишнинг киритилиши асосли эмас. “Била туриб жиноят содир этиш” атамаси субъект муайян ҳаёт вазиятининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқ билишини англатади. Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгартирилиши ва тугатилишини боғлайдиган аниқ ҳаёт вазияти эса, ҳуқуқ умумий назариясига кўра, юридик факт ҳисобланади¹. Юридик факт объектив

¹ Чашин А.Н. Теория государства и права: Учебник. – М., 2008. – С. 309.

воқеликнинг реал ҳодисаларини ўзида ифодалаши унинг белгиларидан бири ҳисобланади. Яъни била туриб жиноят содир этиш жиноятни субъектив томондан фақат бирон-бир юридик факт ҳақидаги ахборот жиноят субъектининг билимига айлангани туфайли тавсифлайди (ахборот ҳеч кимга тегишли бўлмайди, билим эса доим кимгадир тегишли бўлади). Олинган билим асосида жиноят субъектив томонининг факультатив белгилари – мотив ва мақсад ҳамда асосий белги – айб шаклланади, чунки субъект била туриб қилмишни содир этади. Бинобарин, айбнинг эҳтиётсизлик шакли бундай ҳолларда истисно этилади. **Қонунда била туриб жиноят содир этишнинг кўрсатилгани мазкур жиноий қилмиш фақат қасддан содир этилиши мумкин, деган хулосага келиш имконини беради.** Бундан ташқари, юридик адабиётларда била туриб жиноят содир этиш – бу жиноятни содир этиш пайтида қилмишни квалификация қилиш ёки жазо тайинлаш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг мавжудлиги субъектга олдиндан маълум бўлганини қонунда кўрсатиш усулини англатадиган техник усул эканлиги айтиб ўтилган¹. Нима бўлганда ҳам, муайян ҳаёт вазиятларини била туриб жиноят содир этиш субъектив томоннинг факультатив белгиси ҳисобланмайди.

Бирон нарсага асос бўлишга қодир ҳолат – важ ҳам жиноят субъектив томонининг факультатив белгилари қаторига кирмайди. Важнинг била туриб жиноят содир этишдан фарқи шундаки, бу ерда мотив ва мақсад руҳий ҳолат асосида шаклланиб улгурган бўлади, важ эса қилмишнинг содир этилишини тезлаштиради².

Шундай қилиб, фақат мотив ва мақсад жиноят-ҳуқуқий маънода жиноят таркиби субъектив томонининг факультатив белгилари ҳисобланади. Шунининг олган ҳолда, мазкур тушунчаларга қуйидагича таъриф беришни таклиф қиламиз:

¹ Парог А.И. Настольная книга судьи по квалификации преступлений: Практическое пособие. – М., 2006. – С. 48.

² Сердюк Л.В. Насилие: криминологическое и уголовно-правовое исследование. – М., 2002. – С. 55–56.

жиноят мотиви – бу рухий ҳолат билан белгиланган, шахснинг уни содир этишга бўлган аҳдида намоён бўладиган жиноят асоси;

жиноятнинг мақсади – бу шахс (субъект) жиноятни содир этиш жараёнида эришишга ҳаракат қиладиган жиноий натижанинг жиноят мотиви билан белгиланган ҳаёлий модели.

Факультатив белгилар – бу барча жиноят таркибларига эмас, балки уларнинг айримларига хос бўлган белгилардир. Қонун чиқарувчи факультатив белгилардан фақат айрим жиноят таркибларини тузишда мазкур муайян жиноятнинг алоҳида хусусиятларига урғу бериш учун асосий белгиларга қўшимча равишда фойдаланади. Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш лозимки, бундай белгилар фақат жиноят таркиби умумий тушунчасида факультатив белгилар деб аталади. Жиноят ҳуқуқининг муайян нормаларида мазкур махсус белгилар факультатив бўлиши мумкин эмас, улар муқаррар белгилар ҳисобланади, чунки улар қонун нормаси таърифига киритилган. Мотив ва мақсад жиноят таркибининг факультатив белгилари сифатида жиноят ҳуқуқида уч хил маънога эгадир:

биринчи – мотив ва мақсад қонун чиқарувчи томонидан асосий таркиб белгилари қаторига киритилган, яъни ЖК Махсус қисми жиноят-ҳуқуқий нормасининг диспозициясида кўрсатилган ҳолда квалификация қилиш учун мажбурий белгилар ҳисобланади. Бундай нормалар қаторига қуйидагилар киради: 124-модда “Болани алмаштириб қўйиш”, 125-модда “Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш” (жиноят мотиви); 173-модда “Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш”, 184-модда “Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш”, 185²-модда “Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш”, 186-модда “Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш”, 188-модда “Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш”, 191-модда “Қонунга хилоф равишда ахборот

тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш” (жиноятнинг мақсади) ва ҳ.к. Кўриб турганимиздек, қонун чиқарувчи жинойт таркиби субъектив томонининг факультатив белгиси сифатида жинойтнинг мақсадига айниқса катта эътиборни қаратади. Бизнингча, бу қонун чиқарувчи учун ҳар бир жинойтнинг натижаси биринчи даражали аҳамият касб этишидан далолат беради. Норма тузилишида мазкур натижанинг мавжудлиги жинойт таркиби субъектив томонининг барча факультатив белгилари йиғиндиси мавжудлигини назарда тутди;

иккинчи – мотив ва мақсад жинойтни квалификация қилиш учун муқаррар белгилар ҳисобланади, чунки улар, биринчи ҳолатда бўлганидек, таркиб тузилишига киритилган, яъни ЖК Махсус қисми нормасининг диспозициясида назарда тутилган. Фарқ шундан иборатки, биринчи маънода улар жинойт асосий таркибининг муқаррар белгилари қаторига кирган бўлса, иккинчи маънода фикр жавобгарликни оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи таркибнинг қонундаги таърифида назарда тутилган ҳолатларнинг қўшимча хусусиятлари ҳақида боради. Фақат шу таркибларда улар жинойтни квалификация қилиш учун муқаррар белгилар ҳисобланади. Жинойтнинг мотиви ва мақсади жинойт қонунининг қуйидаги нормаларида айтиб ўтилади: 97-модда (“Одам ўлдириш”) иккинчи қисмининг “и”, “к”, “л” бандлари; 104-модда (“Қасддан баданга оғир шикаст етказиш”) иккинчи қисмининг “е”, “ж” бандлари; 105-модда (“Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш”) иккинчи қисмининг “ж” банди; 137-модда (“Одам ўғрилаш”) иккинчи қисмининг “б” банди (жинойтнинг мотиви); 97-модда иккинчи қисмининг “н”, “о” бандлари; 104-модда иккинчи қисмининг “и” банди; 135-модда (“Одам савдоси”) иккинчи қисмининг “к” банди; 159-модда (“Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш”) тўртинчи қисми; 161-модда (“Қўпурувчилик”); 164-модда (“Босқинчилик”)нинг биринчи қисми; 176-модда (“Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш”)нинг биринчи қисми

(жиноятнинг мақсади) ва ҳ.к. Жиноят таркиби субъектив томонининг факультатив белгилари сони иккинчи маънода биринчи маънодагидан камроқ. Бизнингча, қонун чиқарувчи эмоционал ҳолат, жиноятнинг мотиви ва мақсадига жиноят таркибининг асосий белгилари сифатида катта маъно юклайди, бинобарин, улар жиноят ҳуқуқида жиноятнинг таркибий қисмлари сифатида анча катта роль ўйнайди;

учинчи – мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди, чунки улар жиноят таркибларининг тузилишида (асосий таркибда ҳам, ҳосила таркиблар, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи таркибларда ҳам) акс эттирилмаган. Бундай қўшимча белгилар (ушбу сўзнинг аниқ маъносидаги) факультатив белгилар ҳисобланади. Бундай ҳолларда жавобгарлик учун жиноят-ҳуқуқий нормада кўрсатилган белгиларнинг кичикроқ тўпламидан иборат таркиб асос бўлади. Аммо, қонун содир этилган муайян жиноятда алоҳида (қўшимча) белгилар сони таркибда талаб этилгандан кўпроқ бўлган вазиятга бефарқ қарамайди. ЖКнинг Умумий қисмида, 55, 56, 57-моддаларда бундай “ортиқча” белгиларни суд томонидан баҳолаш тартиби назарда тутилган. Агар мазкур белгилар қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига таъсир кўрсатса – уни пасайтирса ёки, аксинча, кучайтирса, суд уларни жазо тайинлаш пайтида ҳисобга олиши мумкин. ЖК 55-моддасида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар санаб чиқилган бўлиб, уларнинг орасида ушбу модданинг “в” бандида оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш мотиви кўрсатилган. ЖК 56-моддасида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар рўйхати келтирилган бўлиб, уларнинг орасида “л” бандида ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида жиноят содир этиш мотивлари кўрсатилган. ЖК Умумий қисми XI боби (“Жазо тайинлаш”)нинг бошқа нормаларида ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлаш тартиби белгиланган. Жазо тайинлашда суд ЖК 55-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши

мумкинлиги қонунда кўрсатиб ўтилгани муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши (ЖК 57-моддасининг биринчи қисми) ёки шартли ҳукм қилиши (ЖК 72-моддаси) мумкин.

Шундай қилиб, мотив ва мақсад бир қатор жиноятларнинг квалификация қилувчи белгилари ҳисобланади, шунингдек жиноят учун жазо тайинлашга таъсир кўрсатадиган ҳолатлар бўлиб хизмат қилади. Мотив ва мақсад муайян жиноят таркибига, ўхшаш таркибли жиноятларнинг гуруҳлари (махсус таркиб)га ва жиноятнинг умумий таркибига тенг даражада тегишлидир.

Муайян жиноят таркибига татбиқан аксарият криминалистлар мотив ва мақсадни барча ҳолларда аниқланиши шарт бўлмаган факультатив белгилар жумласига киритадилар¹. Айтиш мумкин, бу билан изоҳланадики, жиноят таркиби факультатив белгиларининг юридик табиати одатда қўлланилаётган жиноят-ҳуқуқий норма билан боғланади ва қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган белгилар факультатив белгилар ҳисобланади. Айрим олимлар фикрига кўра, жиноят таркиби белгиларини муқаррар ва факультатив белгиларга ажратиш фақат жиноят таркиби умумий тушунчасининг таҳлилида мумкин, муайян жиноят таркибида эса барча белгилар зарур. Айтиш мумкин, жиноят таркиби умумий тушунчасига нисбатан факультатив белги муайян жиноятнинг зарурий белгиси бўлиши ва жиноятнинг тур хилларини тавсифлаши, унинг ижтимоий хавфлилик даражасини кучайтириши ёки пасайтириши мумкинлиги таъкидланади².

¹ Трайнин А.Н. Общее учение о составе преступления. – М., 1997. – С. 190.

² Уголовное право. Часть Общая. – М., 1999. – С. 94.

Бизнингча, муайян жиноят таркибининг ҳар бир белгиси ишни моҳияти бўйича ҳал қилиш учун тенг даражада муҳимдир. Айрим ҳолларда бундай белгилар қилмишни юридик баҳолаш учун, айрим ҳолларда – мазкур баҳолашни асослаш учун, баъзи ҳолларда эса – жиноятларни бир-биридан фарқлаш учун зарур. Дарҳақиқат, жиноят таркиби белгилари доим ҳам мустақил жиноят-ҳуқуқий аҳамият касб этавермайди, уларнинг факультативлиги ҳам айнан шундай намоён бўлади, лекин бу уларнинг муҳимлик даражасини асло камситмайди.

Бир гуруҳ олимлар жиноятни содир этишнинг у ёки бу ҳолатларини, шу жумладан мотив ва мақсадни аниқлашда бирон-бир чеклашни тан олмайдилар. Жиноят ҳуқуқида жиноятни очишда мотив ва мақсад муҳим аҳамиятга эга эканлиги, уларни аниқлаш иш бўйича объектив ҳақиқатни аниқлашга кўмаклашиши шак-шубҳа уйғотмайди¹. Мазкур нуқтаи назар учун қонуний асослар ҳам мавжуд. ЖПКнинг 3-бўлимида исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар қаторида айбланувчининг жиноятни содир этишда айбдорлиги ва жиноят мотивлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Шу сабабли, жиноят субъектив томони факультатив белгиларининг жиноят ҳуқуқи ва жиноят процесси учун аҳамиятини камситувчи олимлар фикрига кўшилиш қийин.

Умуман олганда, жиноят ҳуқуқининг жиноят мотивлари ва унга туртки берувчи омиллар билан боғлиқ бўлмаган биронта ҳам институти йўқ². Айни вақтда, жиноий жавобгарликни аниқлашда мотив ва мақсаднинг аҳамиятини ошириб кўрсатиш ҳам ярамайди³.

Хулқ-атвор мотивацияси кенг маънода субъектнинг онгини, унинг ижтимоий ва руҳий-жисмоний хоссалари ва фазилатларини, ижтимоий қадриятларга, объектив воқеликка, бошқа одамларга, ўз-ўзига бўлган муносабатини қамраб олади. Субъектнинг ўзи содир этаётган жиноятга бўлган руҳий муносабати тавсифи жиноят таркиби элементлари (айб,

¹ Строгович М.С. Материальная истина и судебные доказательства в советском уголовном процессе. – М., 1995. – С. 269.

² Церетели Т.В. Причинная связь в уголовном праве. – М., 1993. – С. 25.

³ Волков Б.С. Проблема воли и уголовная ответственность. – Казань, 1995. – С. 50.

мотив, мақсад) ва жиноят субъекти белгилари (ақли расолик, ёш)нинг одатдаги таҳлили доирасида жиноятнинг ва жиноятчининг моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди. Мотив ва мақсад шахс ва у содир этаётган жиноят ўртасидаги боғловчи бўғин ҳисобланади. Жиноят таркиби субъектив томонининг факультатив белгиларисиз уларнинг ижтимоий ва психологик табиатини ёритиш мумкин эмас.

II боб бўйича хулоса:

1. Айб тушунчасини ёритиш: *биринчидан*, ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда вужудга келган руҳий ходиса сифатида айбнинг моҳиятини очиб беришга; *иккинчидан*, айбнинг мазмуни ва унинг моҳияти нимага қаратилганлигини аниқлашга, *учинчидан*, айбли муносабат нимага қаратилганлигини (қилмишгами, унинг оқибатларигами ёки умуман жиноятгами) аниқлашга, *тўртинчидан*, қилмишнинг онгли ёки онгсиз руҳий ҳолатда ёхуд ҳар иккаласининг ўзаро таъсирида содир этилганлигига тўғри баҳо беришга, *бешинчидан*, жиноятнинг субъектив томонида айбнинг тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлашга хизмат қилади.

2. Жиноят ҳуқуқи фанида ўз қилмишига бўлган айбли муносабат элементларини белгилашга нисбатан уч хил ёндашувни фарқлаш мумкин:

Биринчи ёндашувга кўра, айб (айбдорлик) муайян жиноятнинг субъектив ва объектив белгилари йиғиндиси ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда жиноят ҳуқуқи фанида *етакчилик қилаётган нуқтаи назарга кўра*, айб – бу ҳар қандай жиноят таркибининг муқаррар белгиси, лекин у жиноят субъектив томонининг (мотив, мақсад билан бирга) белгиларидан бири, холос.

3. ЖК 54-моддаси иккинчи қисмига қуйидаги қўшимчани:

“айбдорнинг шахсини” сўзларидан сўнг, **“, айбнинг шакли ва даражасини”** сўзларини киритиш лозим.

4. ЖК 20-моддасини **“Айб ва унинг шакллари”** деб номлаб, унда айбнинг аниқ таърифини бериш мумкин деб ҳисоблаймиз **“Айб-**

жиноятчининг содир қилган ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ҳамда унинг ижтимоий хавфли оқибатига нисбатан руҳий ҳолати бўлиб, айб қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида бўлади” деган таҳрирда баён қилиниши мумкин.

5. Жиноят кодексига юқоридаги тузатиш киритилиши шу бобда жойлашган 21-23-моддалардаги айб шакллари ҳам номлари уларнинг мазмунига мослаштирилишини талаб этиши табиий деб ҳисоблаймиз. Чунки, бу бобда биринчидан жиноят тўғрисида эмас айб ва унинг шакллари ҳақидаги нормалар мустаҳкамланган. Иккинчидан эса қасд ва эҳтиётсизлик тушунчалари назария ҳамда амалиётда жиноятнинг шакли эмас аксинча айбнинг шакли ҳисобланади. ЖК нинг 21-моддасини **“Қасд шаклидаги айб”**, 22-моддани **“Эҳтиётсизлик шаклидаги айб”**, 23-моддани эса **“Мураккаб айб”** тарзида номлаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

6. ЖК 21-моддаси 3-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Агар шахс ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ҳақиқий хусусияти ёки ижтимоий хавфлилигини англаган ва уларни содир этишни истаган, шунингдек, шахс ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфлилигини англаган, уларнинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган деб топилади.”.

6. Жиноят-ҳуқуқий адабиётларда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасдга нисбатан қуйидаги қоидалар умумэътироф этилган.

Биринчидан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати ўз табиатига кўра физиологик ёки патологик бўлиши мумкин. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасд фақат физиологик кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати билан боғланади. Патологик кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати ақли расоликни, яъни ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англаш ва уларни бошқариш имкониятини истисно этади.

Иккинчидан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасд жабрланувчининг салбий ҳаракатларига муносабат билдириш усули сифатида пайдо бўлади. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида эмоциялар қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш, унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етиш ва уларнинг юз беришини иташ билан боғланади. Натижада эмоционал туғённинг пайдо бўлиши ҳам, етказилган зарарнинг оғирлик даражаси ҳам айбдор учун кутилмаган бир ҳол ҳисобланади.

Учинчидан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасд – бу айнан қасд, чунки, биринчидан, “ҳеч ким ҳаракатни онгсиз деб фақат инсон бунда ўзи уни бажаришда фойдаланган барча воситалар ва барча ҳаракатларни англамагани учунгина айтмайди”. Иккинчидан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари таъсири остида содир этилиши боис, айбдор “ўзига озор етказган одамни ғайриқонуний ҳаракати учун жазолаш ва шу тариқа адолатни тиклаш” учун жисмоний зиён етказишга ҳаракат қилади.

7. Бепарволик орқасида жиноят содир этишнинг ҳозирги таърифи унинг икки асосий хилини ўз ичига олади.

Биринчи – “маиший” бепарволик. Бу ерда “айбдорнинг шахсий хусусиятлари (унинг жисмоний кўрсаткичлари, ривожланиш даражаси, маълумоти, касбий ва ҳаёт тажрибаси, соғлиғининг ҳолати, таъсирчанлик даражаси ва ҳ.к.) унга қилмишни содир этиш вазиятидан келиб чиқадиган ахборотни тўғри идрок этиш, уни тўғри баҳолаш ва асосли хулосалар чиқариш имконини бериши”ни аниқлаш талаб этилади.

Иккинчи – “касбий ва техник” бепарволик. Унинг юқори чегараси ҳозир анча мавҳум, чунки суд амалиётида бепарволик орқасида жиноят содир этишнинг таърифлари, масалан, йўл ҳаракати ёки техника хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузишга ишора қилиш билан бирикади.

8. Фақат мотив ва мақсад жиноят-ҳуқуқий маънода жиноят таркиби субъектив томонининг факультатив белгилари ҳисобланади. Шунининбатга олган ҳолда, мазкур тушунчаларга қуйидагича таъриф беришни таклиф қиламиз:

жиноят мотиви – бу руҳий ҳолат билан белгиланган, шахснинг уни содир этишга бўлган аҳдида намоён бўладиган жиноят асоси;

жиноятнинг мақсади – бу шахс (субъект) жиноятни содир этиш жараёнида эришишга ҳаракат қиладиган жиноий натижанинг жиноят мотиви билан белгиланган ҳаёлий модели.

III БОБ. АЙРИМ ЖИНОЯТЛАРНИ СУБЪЕКТИВ ТОМОН БЎЙИЧА КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУАММОЛАР

1. Порахўрлик жиноятларини квалификация қилишда субъектив томоннинг аҳамияти

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятни шакллантириш мақсадида истиқболли дастурлар орқали туб ислохотлар изчил равишда амалга оширилиб келинмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор”¹. Шу билан биргаликда қайд этиш лозимки, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар самараси кўп жиҳатдан давлат хизмати тизими қай даражада шаклланиши, унинг ходимлари ҳисобланган давлат хизматчиларининг амалдаги қонун ҳужжатларга, қолаверса ўз хизмат бурчлари ва вазифаларига қай даражада амал қилишларига боғлиқ.

Қайд этиш лозимки, давлат хизматчисининг алоҳида ўзига хос фаолият, яъни давлат ва жамият ҳаётидаги ўта муҳим фаолият – давлат хизматини амалга оширишларини инобатга олиб, қолаверса уларнинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб ҳамда ўз хизмат вазифаларини тўлақонли амалга оширишларига эришиш мақсадида муайян чеклашлар ўрнатилади. Бундай чеклашлар давлат хизматчисининг хизмат фаолиятида ва кундалик хулқ-атворида рухсат этилган хатти-ҳаракатлар доирасини белгилайдиган таъқиқ кўринишидаги турли хил (сиёсий, иқтисодий, ташкилий-бошқарув) омиллар мажмуидан иборатдир. Жумладан, давлат хизматчиларига ўз хизмат ваколати доирасида чет эллик давлат органларидан, фуқаролар ва юридик шахслардан турли кўринишдаги ҳақ олиши, давлат органининг

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 7.

обрў-эътиборига рахна солиши мумкин бўлган ҳаракатлар содир этиши, шунингдек ўз хизмат ҳуқуқидан шахсий манфаатлар учун фойдаланиши тақиқланади¹.

Бундай тақиқни бузган ҳолда, жумладан, мансабдор шахснинг бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ҳақ эвазига муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизликни амалга ошириши, фуқароларнинг бундай муносабатда мансабдор шахсларга пора бериши ёки пора олиш-беришда воситачилик қилиши порахўрлик жиноятлари таркибини вужудга келтиради.

Ўз навбатида бундай қилмиш, давлат хизматчиси томонидан конституциявий принципларнинг бузилишига олиб келади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи бўлимида мазкур қонуннинг асосий принциплари баён этилган бўлиб, унинг 2-моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканликлари белгилаб қўйилган².

Ўзбекистон Республикаси ЖК 9-моддасига мувофиқ, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. Шундай экан, порахўрлик жиноятини тўғри квалификация қилиш учун бу тоифадаги жиноятларда шахснинг айбига тўғри баҳо бериш талаб этилади.

Мазкур масала юзасидан таҳлилни пора олиш жинояти таркибининг субъектив томони белгиларини кўриб чиқишдан бошлаймиз.

ЖК 210-моддасининг диспозициясида мазкур жиноятни содир этишнинг айб шакли ҳам кўрсатиб ўтилмаган. Бироқ, ЖК 210-моддаси биринчи қисмининг диспозициясида тавсифланган белгиларга ва ЖК 21-моддасининг мазмунига таянган ҳолда, мазкур жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилади, деган хулосага келиш мумкин.

¹ Алимов Х.Р., Маҳмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати: Чизмалар албому. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. – Б. 19.

² Салаев Н.С., Ҳусаинов Д.К. Коррупцияга қарши кураш – давлат хизматида қонунийликни таъминлашнинг муҳим шarti. // Коррупцияга қарши кураш ва илмий тадқиқотлар: стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 35.

Бу борада Р.Зуфаров, Б.Ахраров ва У.Мирзаевлар “коррупциявий жиноятларнинг субъектив томони тўғри қасднинг, аксарият жиноятлар – ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатдорликнинг мавжудлиги билан тавсифланади ва бундай жиноятлар эҳтиётсизлик орқасидан содир этилмайди”¹, деб хулоса беришади. Бизнингча ҳам, мазкур хулоса ўринлидир.

Тўғри қасд тушунчасининг таърифи ЖК 21-моддасининг учинчи қисмида фақат моддий таркибли жиноятларга татбиқан мустаҳкамланган, пора олиш эса формал таркибли жиноятлар каторига киради. Формал таркибли жиноятлар, шу жумладан пора олишга татбиқан тўғри қасд таърифи қисман амал қилади², яъни “жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини ўзида акс эттирадиган объектив белги ижтимоий хавфли ҳаракат ва ҳаракатсизлик ҳисобланади. Шу сабабли, айбнинг шакли ушбу белгига бўлган ақлий ва руҳий муносабат хусусияти билан белгиланади”³.

Ақлий омил айбдор пора олиш жиноятининг барча объектив белгиларини англашида ифодаланади:

биринчидан, айбдор ўзи қонуний ёки қонунга ҳилоф ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни пора берувчининг ёки у манфаатларини ифода этаётган шахсларнинг манфаатларида содир этиш учун пора предметини қонунга ҳилоф равишда олади ёки уларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ҳомийлик қилади. Бунда айбдор пора олувчи куйидагиларни англаши лозим: 1) ўзи шахсан ёки воситачи орқали олаётган ҳақ қонунга ҳилоф эканлигини; 2) у порани пора берувчининг ёки у манфаатларини ифода этаётган шахсларнинг фойдасига қонуний ёки қонунга ҳилоф ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этиш учун олаётганини; 3) мансабдор шахснинг бундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) унинг хизмат ваколатларига

¹ Зуфаров Р.А., Ахраров Б.Ж., Мирзаев У.М. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик: Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 168.

² Гаухман Л.Д. Субъективная сторона преступления (сравнительно-правовой аспект): Лекция. – М., 1999. – С. 27.

³ Рапог А.И. Общая теория вины в уголовном праве: Учебное пособие. – М., 1980. – С. 14.

киришини ёки у ўз мансаб мавқеига кўра бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га имконият яратиши мумкинлигини;

иккинчидан, айбдор ўз жиноий хатти-ҳаракатлари билан у айнан қайси объектга тажовуз қилаётганини англаши лозим; яъни мансабдор шахс пора олиш орқали у ҳам давлат ҳокимияти органларининг нормал фаолиятига, давлат хизмати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидаги хизмат манфаатларига риоя этишга, ҳам ҳокимият органларининг қонунга иттиқорлигини ва уларнинг фуқаролар ўртасидаги обрўсини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилаётганини тасаввур қилиши керак.

Айрим муаллифлар, бундан ташқари, мансабдор шахс ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида ташкилий зиён етказилиши, бошқа фуқароларнинг манфаатлари камситилиши ва ҳоказолар юз бериши мумкинлигини англаши лозимлигини ҳам кўрсатиб ўтадилар¹. Бизнингча, пора олиш жинояти формал таркибидаги қасднинг ақлий омили мазмунида ушбу ҳолат муқаррар белги ҳисобланмайди. Аммо, шунга қарамай, айбдор мансабдор шахс ўз қилмишининг кўрсатиб ўтилган оқибатларини англаши мумкинлигини инкор этиш ҳам мумкин эмас.

Формал таркибли жиноятлар содир этилаётганда “объектив хусусиятларига кўра ижтимоий хавфлилик белгисига эга бўлган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) жиноий майл предмети ҳисобланади ва бунда зарарли оқибатларнинг юз бериши аҳамиятга эга эмас”². Юридик адабиётларда қайд этилганидек, “ҳаракат, агар у енгилмас куч таъсирида ёки жисмоний мажбурлаш остида содир этилмаган бўлса, ҳар доим уни содир этувчи шахснинг майлига мувофиқ бўлади”³. Бошқача қилиб айтганда, формал таркибли жиноятларда ирода омили фақат ҳаракатни содир этиш ёки уни содир этишдан ўзини тийиш майлида ўз ифодасини

¹ Качмазов О.Х. Ответственность за взяточничество по Российскому уголовному праву. – Владикавказ, 2000. – С. 107.

² Уголовное право РФ. Общая часть. // Под ред. Б.В.Здравомыслова. – М., 1996. – С. 171.

³ Вопросы преступления и наказания по законодательству СССР и других социалистических стран. – М., 1985. – С. 47.

топади, яъни бундай қилмишлар фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин¹. Бизнингча, бу фикр таҳлил қилинаётган жиноят таркибига нисбатан мутлақо ўринлидир.

Мансабдор шахснинг жиноят содир этишга қасдида ирода омили пора берувчидан ёки у манфаатларини ифода этаётган шахслардан уларнинг манфаатларида ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш билан боғлиқ муайян ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни бажариш ёки бажармаслик учун пора олиш майли билан белгиланади. Мансабдор шахсда бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни бажариш ёки бажармаслик нияти мавжуд бўлмаган ҳолда, у моддий бойликларни олгани ёки мулкӣ ва номулкӣ хусусиятга эга бўлган бошқа хил наф кўргани пора олиш сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас, чунки айти ҳолда қасднинг ирода омили мавжуд бўлмайди. Шахснинг бундай ҳаракатлари ЖК 168-моддаси бўйича фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Бундан ташқари, мансабдор шахс пора олаётганда у қонунга ҳилоф ҳақ олаётгани билан бир қаторда, пора берувчи уни, айтилик, қарзни қайтариш, жарима тўлаш, зарарни қоплаш сифатида эмас, балки айнан пора сифатида баҳолаётганини ҳам англаши лозим. Бироқ, мансабдор шахс ЖК 210-моддаси бўйича айбдор деб топилиши учун пора берувчи ёки у манфаатларини ифода этаётган шахслар мансабдор шахсга пора бераётганларини англаганликлари ва буни истаганликлари эмас, балки айнан мансабдор шахснинг жиноят содир этишга бўлган қасдидаги ақлий ва ирода омилларининг мазмуни биринчи даражали аҳамият касб этади. Агар шахс мулкӣ бойликларни мансабдор шахсга уларни қарзни қайтариш, жарима ёки божни тўлаш ва ҳоказолар сифатида баҳолаб бераётган, мансабдор шахс эса ўзига берилаётган бойликларни пора сифатида қабул қилаётган бўлса, унинг ҳаракатлари, бизнинг назаримизда, пора олишга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим,

¹ Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 67.; Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. – М., 2010. – С. 153.

мулкий бойликларни бераётган шахснинг ҳаракатларида эса жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

Жиноят ҳуқуқи назариясида ЖК 21-моддасида мустаҳкамланган қасднинг тўғри ва эгри шаклларида ташқари, бошқа асосларга кўра таснифлари ҳам мавжуд. Масалан, вужудга келиш (шаклланиш) вақтига кўра олдиндан ўйланган ва тўсатдан пайдо бўлган қасд фарқланади. Мазкур тасниф нафақат криминологик, балки жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Тадқиқ этилаётган жиноят таркибини таҳлил қилар эканмиз, шуни қайд этиб ўтишни истар эдикки, амалда мансабдор шахснинг пора олиши кўпинча олдиндан ўйланган қасд билан тавсифланади, яъни бу ерда жиноий ниятнинг вужудга келиши, шаклланиши ва уни амалга ошириш давлари мавжуд бўлади.

Бу борада Ўзбекистон Республкаси Олий суди Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида “суд мансабдор шахс томонидан пора берувчининг манфаати учун қайси ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик эвазига пора олинганлигини аниқлаши ва ҳукмда кўрсатиши лозим. Бу ўринда порахўрлик учун жавобгарлик, пора ҳаракат содир қилингандан олдин ёки кейин берилишига боғлиқ бўлмасдан, пора олдиндан келишилганлиги, пора олувчининг манфаати учун бирон-бир ҳаракат бажарилган бўлишидан қатъи назар келиб чиқишини назарда тутиш лозим”¹, деб кўрсатма берилган.

Пора олиш жиноятининг субъектида жиноятни содир этишга қасд олдиндан ўйланганлиги қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси баландлигидан далолат беради, шунингдек жиноий ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни бевосита содир этишдан олдин жиноятга тайёргарлик кўриш босқичи ҳамда жиноятда иштирокчилик мавжуд бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Хусусан, жиноятда иштирокчилик белгиси

¹ Ўзбекистон Республкаси Олий суди Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-банди. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. 1991-2006 йиллар. Т.1. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б. 236.

конун чиқарувчи томонидан жавобгарликни оғирлаштирувчи “бир гурух мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган пора олиш” (ЖК 210-моддаси иккинчи қисмининг “г” банди) ва “уюшган гурух манфаатларини кўзлаб содир этилган пора олиш” (ЖК 210-моддаси учинчи қисмининг “в” банди) ҳолатларида мустаҳкамланган.

Ўз навбатида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республкаси Олий суди Пленуми томонидан берилган кўрсатмаларга кўра, бойликлар ёки хизматларни олиш шартлари олдиндан махсус келишилмаган бўлса-да, лекин жиноят иштирокчилари пора, пора берувчининг манфаатларини кўзлаб берилаётганлигини англаган ҳолларда ҳам мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари пора бериш ва олиш деб тан олиними керак¹.

Бир қатор муаллифлар фикрига кўра, пора олишнинг муқаррар белгиси – фақат айбдир². Бизнингча, бу фикр тўғри эмас, чунки пора олиш, гарчи ЖК 210-моддаси диспозициясида мазкур жиноятни содир этишнинг ғаразгўйлик мотиви ва мақсади кўрсатиб ўтилган бўлмаса-да, қасддан содир этиладиган ғаразгўйлик жинояти ҳисобланади. Бу борада Қ.Абдурасулова давлат томонидан ўзларига ишонч билдирилганига қарамай, виждонсизлик йўлига ўтиб, ўзларининг “тамагирлик” мақсадларига эришиш учун давлат ва жамият аппаратнинг обрўини тўкадилар³, деб қайд этади.

Кўпгина олимларнинг илмий ишларида пора олиш жиноятнинг субъектив томони белгиларини таърифлашга нисбатан шунга ўхшаш ёндашувни асослашга уриниш ҳолларига дуч келиш мумкин. Хусусан, О.Х.Качмазов пора олишнинг ғаразгўйлик мақсади ва мотиви тўғрисида сўз юритар экан, уларнинг мавжудлиги ҳақидаги хулоса порахўрликнинг мансаб ваколатларини ғаразгўйлик ниятларида суиистеъмол қилишнинг махсус тури сифатидаги моҳияти ва ушбу жиноят предметининг моддий

¹ Ўша ерда.

² Коржанский Н.И. Квалификация следователем должностных преступлений. – Волгоград, 1996. – С. 42.; Комментарий к УК РФ. // Под ред. А.И.Бойко. – Ростов н/Д, 1996. – С. 583.; Российское уголовное право. Особенная часть. // Под ред. М.П.Журавлева, С.И.Никулина. – М., 1998. – С. 376.

³ Абдурасулова Қ.Р., Ҳусайнов Д.К. Хизматчини пора эвазига оғдиришнинг объектига оид айрим мулоҳазалар. // ТДЮИ Ахборотномаси, 2011 йил, 6-сон. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 159.

хусусияти билан белгиланишини кўрсатиб ўтади¹. Б.В.Волженкин ушбу ҳолатни шу билан асослашга ҳаракат қиладики, агар “мансабдор шахс ўзининг хизматга доир хатти-ҳаракатлари учун қонунга ҳилоф ҳақ олар экан, аввалбошдан ўзи олган маблағларни ўзи бошқараётган ташкилотнинг эҳтиёжлари учун сарфлашни, улардан хайрли мақсадларда фойдаланишни кўзда тутган бўлса, пора олиш жиноятининг таркиби мавжуд бўлмайди”². Биз бу фикрга қисман қўшилаемиз, чунки Б.В.Волженкиннинг мазкур нуқтаи назари фақат мансабдор шахс қонуний ҳаракатларни ҳақ эвазига содир этган ҳолда ўринлидир.

Бундан ташқари, шуни қайд этиб ўтиш лозимки, мазкур масала хусусидаги юқорида келтирилган икки нуқтаи назардан ташқари, бошқа нуқтаи назарлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг муаллифлари пора олиш жиноятнинг субъектив томони сифатида ғаразгўйлик мотиви амал қилишини кўрсатади³.

Шуни қайд этиш лозимки, келтирилган жиноятларнинг умумий тавсифи криминологияда, одатда, “ғараз нияти” деб аталувчи жиноятлар билан қамраб олинади. Р.А.Зуфаров қайд этганидек, порахўрлик, яъни ансабдор шахснинг била туриб моддий ҳақ ёки мулкӣ фойдани қабул қилиши ҳам ғаразли мақсадларда содир этиладиган жиноятдир⁴. В.В.Лунеев фикрига кўра, бундай ниятлар қуйидагича таснифланади: 1) пул ва моддий бойликлар тўплаш нияти, очкўзлик, тамагирлик, юлғичлик; 2) моддий равақ ва фаровонликка, нуфузли бойликларни эгаллашга, “бошқалардан ёмон яшамаслик”ка интилиш; 3) ичкиликбозлик, тараллабедод ҳаёт кечиришга интилиш, кўп миқдорда моддий харажатлар талаб қилувчи бошқа бузуқ мойилликлар; 4) сохта тушунилган хизмат манфаатлари, мансабпарастлик майллари, юқори турувчи бошлиққа

¹ Качмазов О.Х. Ответственность за взяточничество по Российскому уголовному праву. – Владикавказ, 2000. – С. 108.

² Волженкин Б.В. Служебные преступления. – М., 2000. – С. 220.

³ Малиновский И.Б. Уголовно-правовая борьба с корыстными должностными преступлениями в современных условиях: Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 1993. – С. 167.; Динека В.И. Ответственность за должностные преступления по уголовному праву России: Учебное пособие. – М., 1998. – С. 55.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. / З.Ғ.Ғуломов, Р.А.Зуфаров, Р.Қ.Қобулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1997. – Б. 277.

ёқишга, мансаб пиллапояларидан кўтарилиш учун керак бўлган танишлар ва алоқалар орттириш, уларни қувватлашга интилиш; 5) шахсий моддий (вақтинчалик ёки нисбатан доимий) муҳтожликни, тақчил ашёлар ёки материалларга бўлган маиший эҳтиёжларни қондиришга, ўз оиласига ёрдам беришга интилишлар ва бошқа хил майллар¹.

Масалан, судланувчи С. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ҲООБда профилактика инспектори лавозимида ишлаб келиб, Мирзо Улуғбек туман ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакиллари Ш. ва А.лар билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, 2012 йил 25 январь куни фуқаро Н.нинг жияни Р.нинг Мирзо Улуғбек туманидаги “Бек” кафесида содир этган безорилик ҳаракати, яъни Г.га мушти билан тан жароҳати етказганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши билан қўрқитиб, ушбу ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатларни мансаб сохтакорлигига йўл қўйган ҳолда, жиноят ҳисобланмайдиган, балки маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўладиган “майда безорилик” ҳолатига ўзгартириб, ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган жабрланувчи фуқаро Г. ва Р.ларнинг туман ИИБ бошлиғи номига ёзган ариза ва тушунтириш хатларини ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда йўқ қилишиб, қасддан яшириб, тамагирлик йўли билан Н.дан пора тариқасида талаб қилинган 700 АҚШ долларидан 200 АҚШ долларини олгандан сўнг, Ш. ва А.лар Н.га мазкур ишни охиригача етказиш учун яна 500 АҚШ доллари бериш лозимлигини маълум қилиб, ундан қўшимча равишда 500 АҚШ доллари беришни талаб қилиб, ундан ижобий жавоб олишгач, бу ҳақда Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ҲООБ милиция таянч пункти профилактика инспектори С.га маълум қилганлар, С. 2012 йил 25 январда Мирзо Улуғбек тумани ИИБнинг Ф-2 китобидан 605-рақам билан қайд этилган фуқаро Г.га фуқаро Р. томонидан безорилик оқибатида тан жароҳатлари етказилганлиги ҳолати юзасидан жиноий жавобгарликка тортишга асос бўладиган ҳужжатларни, маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўладиган

¹ Лунеев В.В. Преступное поведение: мотивация, прогнозирование, профилактика. – М., 1980. – С. 53.

хужжатларга қайта тайёрлаб, ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган жабрланувчи фуқаро Г. ва Р.лардан қайтадан тушунтиришларини олиб, сохта хужжатлар тузиш йўли билан расмий иш хужжатларини қалбакилаштирган.

Шундан сўнг, Н.нинг аризасига асосан Тошкент шаҳар ИИББ ШТБМИ ва Ўзбекистон Республикаси МХХ ходимлари томонидан 2012 йил 26 январь куни холислар иштирокида ўтказилган тезкор тадбир давомида, соат 18.20 ларда Мирзо Улуғбек тумани, “Олмачи” маҳалласида жойлашган 70-сонли МТПда Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ҲООБ МТП профилактика инспектори С. фуқаро Н. дан унинг жияни Р.га нисбатан тўпланган хужжатларни жинойй жавобгарликка тортмасдан маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлувчи хужжатларга ўзгартириб, ишини енгиллаштириб бериш эвазига талаб қилинган пуллардан бир қисмини, яъни 300 АҚШ долларини олган вақтида Тошкент шаҳар ИИББ ШТБМИ ва Ўзбекистон Республикаси МХХ ходимларидан иборат тезкор тадбир иштирокчилари томонидан С.ни воқеа жойида ашёвий далиллар билан қўлга олинган. Суд томонидан мансабдор шахс С.нинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 209-моддасининг 1-қисми, 210-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари, 219-моддасининг 1-қисми ва 227-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жинойтни содир этганликда айбдор деб топилган¹.

Кўриб турганингиздек, мазкур жинойт ҳам ғаразгўйлик мақсадида содир этилган.

Аммо, мансабдор шахс хизмат юзасидан ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни пора олувчининг манфаатларин кўзлаб бажаргани учун ҳақни мансабдор шахснинг яқин қариндоши ёки унга моддий қарам бўлган шахс ёинки мансабдор шахс молиявий ёрдам кўрсатиш орқали ҳомийлик қилаётган субъект олган ҳоллар ҳам башарти мансабдор шахс ўз ҳаракатлари учун юқорида кўрсатилган шахслар ҳақ олганидан хабардор бўлмаса, пора олиш таркибини ҳосил қилмайди. Мансабдор шахснинг бундай ҳаракатлари,

¹ Жинойт ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суди архивидан, 2012 йил.

ғаразгўйлик мотиви ва мақсади мавжуд бўлмаган ҳолда, ЖК 210-моддасининг диспозициясида кўрсатилган бошқа белгилар мавжудлигига қарамай, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш сифатида баҳоланиши лозим.

Шундай қилиб, пора олиш жиноятининг ғаразгўйлик мотиви ва мақсади – кўриб чиқиладиган жиноят таркиби субъектив томонининг муқаррар факультатив белгиларидир.

Порахўрлик умумий тушунчаси билан камраб олинadиган иккинчи жиноят таркиби – пора беришнинг таҳлилига ўтар эканмиз, энг аввало шуни қайд этишни истар эдикки, ушбу жиноят таркибининг субъектив томони ҳам айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Жиноят ҳуқуқи назариясида унинг мазмуни пора олиш жиноятининг субъектив томонига қараганда аниқроқ талқин қилинади. ЖК 211-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этаётганда пора берувчи фақат олдиндан пайдо бўлган тўғри қасд билан ҳаракат қилиши мумкин.

Айрим муаллифлар пора беришда тўғри қасднинг мазмунини “айбдор ўзи мансабдор шахсни пора эвазига оғдиришни амалга ошираётганига кўзи етгани”¹ сифатида тавсифлайдилар. Биз бу фикрга қўшилмаймиз, чунки қонун чиқарувчи кўзи етганлик белгисини фақат жиноий оқибатлар билан боғлайди, пора бериш эса формал таркибли жиноятдир.

Бизнинг назаримизда, пора бериш жиноятида қасднинг ақлий омили айбдор пора беришнинг барча объектив белгиларини англашида, хусусан у мансабдор шахс пора берувчининг ёки у манфаатларини ифода этаётган шахсларнинг фойдасига қонуний (қонунга хилоф) ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни содир этиши учун ёки мансабдор шахс ўзи эгаллаган хизмат мавқеидан фойдаланиб бошқа мансабдор шахслар ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этишларига имконият яратиш учун ёинки пора берувчига ёки у манфаатларини ифода этаётган шахсларга хизмат бўйича

¹ Светлов А.Я. Ответственность за должностные преступления. – Киев, 1998. – С. 320.

умумий ҳомийлик қилиши учун қонунга ҳилоф ҳақни мансабдор шахсга пора сифатида шахсан ёки воситачи орқали бераётганини тушунишида ифодаланади. Бу ерда жинойий қасднинг ирода омили мазмуни пора бериш нияти билан белгиланади. Пора берувчи жинойий қасдининг мазмунидаги муҳим мезон шундан иборатки, у мансабдор шахс қонунга биноан ўзидан ҳақни қабул қилишга (боз устига, уни товламачилик йўли билан талаб қилишга) ҳақли эмаслигини тушуниши лозим.

Шундай қилиб, агар “пора берувчи” ўзи мансабдор шахсга бераётган моддий бойликлар ёки унга тақдим этилган мулкӣ хусусиятга эга нафларнинг қонунга ҳилоф хусусиятини англамаган ва буни қонунӣ деб ҳисоблаган бўлса, унинг ҳаракатларида пора бериш жинойятининг таркиби мавжуд бўлмайди. Масалан, шахс пулни берар экан, уларни эксперт иши ёки ахборотга ишлов бериш, ҳужжатларга тузатиш киритиш, уларни таҳрирлаш ёки кўпайтириш борасидаги ишлар учун тўлов сифатида беряпман, деб ҳисоблайди.

Пора беришнинг субъектив томонини аниқлаш билан боғлиқ масалаларни ўрганишда шуни ҳисобга олиш лозимки, мансабдор шахсга моддий ҳақ бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этишнинг ўзи ҳам бир мартали, ҳам кўп қаррали хусусиятга эга бўлиши мумкин¹. Бу ерда пора бериш ягона мураккаб жинойят ёки бир нечта жинойят таркибларидан иборат эканлигини аниқлаш қилмишни квалификация қилишнинг энг муҳим масаласи ҳисобланади. Бу масалани ҳал қилиш порани бир неча босқичда бериш субъектнинг нияти билан қамраб олингани ёки ҳар бир янги эпизодда янги ният пайдо бўлганининг аниқланишига боғлиқ бўлади. Агар ният ягона бўлган бўлса, мазкур қилмиш давомли жинойят сифатида қаралиши лозим².

Агар таҳлил қилинаётган жинойятнинг субъекти мансабдор шахсга пора бериш тўғрисидаги тақлиф билан мурожаат қилган ва айна пайтда

¹ Преступления против интересов службы в коммерческих и иных организациях: Комментарий законодательства и справочные материалы // Авт.-сост. В. С. Бузов. – Ростов-на-Дону, 1997. – С. 160–161.

² Яни П.С. Экономические и служебные преступления. – М., 1997. – С. 12.

мансабдор шахс мазкур таклифни рад этган тақдирда, қилмиш қандай квалификация қилиниши лозимлиги ҳақидаги масала ҳам бироз баҳсли. Ушбу мунозарали масала юзасидан хулосаларни уч тоифага ажратиш мумкин:

биринчи тоифадаги хулосага кўра, ушбу ҳаракатлар пора беришга суиқасд қилиш сифатида қаралиши лозим¹. Бу хулоса шахс фақат пора беришни амалга ошириш ниятини намоиш этгани, бироқ ушбу ният унга боғлиқ бўлмаган сабабга кўра охирига етказилмаганлигига асосланади. Ўзбекистон Республикасидаги суд амалиёти ҳам мазкур тоифага мансубдир. Ўзбекистон Республкаси Олий суди Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига кўра, “агар тасаввур қилинган пора мансабдор шахс томонидан олинмаган ёки олишдан бош тортилган бўлса, пора беришга ҳаракат қилган шахснинг ҳаракатини пора бериш учун суиқасд қилиш каби тавсифлаш лозим бўлади”². Аммо, пора бериш ва олиш нафақат мансабдор шахснинг ўзи уни олганида, балки унинг ихтиёри ёки унинг топшириғи бўйича уни бошқа шахслар қабул қилганида ҳам тугалланган жиноят ҳисобланади;

иккинчи тоифадаги хулосага кўра, мазкур вазиятда пора бериш жиноятининг таркиби мавжуд эмас³, зеро жиноий ниятнинг билдирилиши жиноят қонунида жиноят сифатида қаралмайди. Пора беришни ваъда қилиш ҳам жиноий ниятни билдириш ҳисобланади. Айрим ҳолларда, агар пора бериш хизматчига жиноий ҳаракатларни бажариш учун ваъда қилинган бўлса, бу жиноят содир этишга қизиқтириш сифатида қаралиши мумкин;

учинчи тоифадаги хулосага кўра, мазкур қилмиш тугалланган жиноят сифатида квалификация қилинади.

¹ Качмазов О.Х. Ответственность за взяточничество по Российскому уголовному праву. – Владикавказ, 2000. – С. 112.

² Ўзбекистон Республкаси Олий суди Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-банди. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. 1991-2006 йиллар. Т.1. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б. 237.

³ Дашкова Л.Г. Криминологические проблемы взяточничества. Дисс... канд. юрид. наук. – М., Московская государственная юридическая академия, 1996. – С. 35.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июлдаги Қонун билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўшилди¹. Албатта, халқаро ҳужжатга қўшилиш, ратификация қилиш унда иштирокчи давлатларга муайян мажбуриятлар юклайди, муайян талаблар бажарилишини талаб қилади. Конвенциянинг 15-моддаси “Миллий оммавий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш” деб номланнорма мавжуд бўлиб, унга кўра, ҳар бир иштирокчи давлат ўз жиноят қонунчилигида оммавий мансабдор шахсга шахсан ёки воситачилар орқали ушбу мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида, бирон ноқонуний афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш учун жавобгарлик белгилаши лозимлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида эса, фақат тақдим қилиш тўғридан-тўғри жиноят сифатида баҳоланган. Шундай бўлишига қарамасдан ваъда қилиш ва таклиф этиш мамлакатимиз жиноят қонунига биноан пора беришга суиқасд қилиш деб топилади ва қилмиш ЖК 25-моддаси 2-қисми орқали ЖК 211-моддаси билан квалификация қилинади.

Аммо, биз мазкур конвенцияни ратификация қилган кўплаб давлатларнинг жиноят қонунларини ўрганганимизда, уларда ваъда қилиш ва таклиф қилиш учун ҳам жиноий жавобгарлик тўғридан-тўғри қайд этилганлиги, мазкур ҳолат тугалланган жиноят сифатида квалификация қилиниши лозимлиги белгиланганлигининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, пора бериш-олишни ваъда қилиш Корея Республикаси ЖК 130-133-моддалари², Литва Республикаси ЖК 225-моддаси³, Швейцария

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 260-модда.

² Уголовный кодекс Республики Корея. – СПб.: Юридический центр пресс, 2004. – С. 104-106.

³ Уголовный кодекс Литовской Республики. – СПб.: Юридический центр пресс, 2002. – С. 310.

ЖК 322-моддаси¹, АҚШнинг Техас штати ЖК 36.02-моддаси², ГФР ЖК 333-334 параграфларида³, порани таклиф қилиш эса, Швейцария ЖК 322-моддаси⁴, АҚШнинг Техас штати ЖК 36.02-моддаси⁵, ГФР ЖК 333-334 параграфларида⁶ тугалланган жиноят сифатида тўғридан-тўғри кўрсатилган.

Шу сабабдан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси талабларидан келиб чиқиб, қорлаверса, бу соҳада ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-моддаси 1-қисми диспозициясига қуйидаги қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқ:

“1-қисм диспозициянинг **“Пора бериш”** деб бошланувчи сўзлари **“Пора беришни ваъда қилиш, таклиф қилиш ва такдим этиш”** сўзлари билан алмаштирилсин”.

Пора берувчи пора бериш йўли билан эришишга ҳаракат қиладиган мақсад ва мотив ҳар хил бўлиши мумкин. Кўриб чиқиладиган жиноятнинг мақсади, айрим олимлар фикрига кўра, “жиноят-хукукий норманинг ўзида сўзлар билан эмас, балки унинг маъноси билан ифодаланган. Пора бериш муайян ва айбдор томонидан аниқ белгиланган ниятларни рўёбга чиқариш: имтиёзлар олиш, наф кўриш, пора олувчи келишилган ҳаракатларни бажариши ва шу кабилар учун содир этилади”⁷.

Бизнингча, худди шу гапни пора беришнинг мотиви ҳақида ҳам айтиш мумкин. Пора беришга даъват этувчи мотивлар сифатида ҳам ғаразгўйлик, ҳам қонунни четлаб ўтиш, жавобгарликдан қутулиб қолиш нияти, шунингдек шахсий хусусиятга эга бўлган турли майллар (масалан, ҳарбий хизматни ўташни истамаслик, ўзи ва ўз яқинларига нисбатан

¹ Уголовный кодекс Швейцарии. – СПб.: Юридический центр пресс, 2002. – С. 281.

² Уголовный кодекс штата Техас. – СПб.: Юридический центр пресс, 2006. – С. 376.

³ Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии. – СПб.: Юридический центр пресс, 2003. – С. 506-507.

⁴ Уголовный кодекс Швейцарии. – СПб.: Юридический центр пресс, 2002. – С. 281.

⁵ Уголовный кодекс штата Техас. – СПб.: Юридический центр пресс, 2006. – С. 376.

⁶ Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии. – СПб.: Юридический центр пресс, 2003. – С. 506-507.

⁷ Динека В.И. Ответственность за должностные преступления по уголовному праву России: Учебное пособие. – М., 1998. – С. 57.

жиноий таъқибни тугатиш, қонунга ҳилоф равишда мерос олиш имконияти ва ҳ.к.) амал қилиши мумкин.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, пора беришнинг мотиви ва мақсади жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди, лекин ЖК 211-моддасида назарда тутилган жиноятни ўрганиш учун криминологик ва жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан муҳимдир.

Пора бериш-олишда воситачилик порахўрликда иштирокчиликнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Воситачи ўз ҳаракатлари билан пора олиш-бериш содир этилишининг ҳақиқий имкониятини яратади ёки порахўрлик субъектлари ўртасида келишувга эришишга кўмаклашади¹.

Пора бериш-олишда воситачилик қилиш тўғри қасд билан содир этиладиган жиноят. Шунинг учун субъектив томондан воситачининг фаолияти ушбу жиноят таркибини ташкил қилувчи ҳаракатлар содир этишни англаганлик ва истаганлик билан тавсифланади.

Порахўрлик субъектларига кўмаклашишда воситачи кўзлаган мақсади турли бўлиши мумкин ва жиноят таркиби учун аҳамиятга эга эмас. Воситачи “ўртоқчилик ёрдами” кўрсатиш мақсадида қасддан ҳаракат қилиши ҳам мумкин.

Суд амалиётида мансабдор шахсга пора сифатида топшириш учун олинган сумманинг бир қисми аслида воситачи томонидан ўзлаштирилган ҳоллар (сохта воситачилик) учрайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 15-бандига мувофиқ, бу қилмиш фирибгарлик деб квалификация қилиниши керак². Бойликларни қўлга киритиш мақсадида пора берувчи улар томонидан пора беришга оғдирилган тақдирда, айбдорнинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга қизиқтирувчи тариқасида қўшимча тавсифланиши керак. Пора берувчининг ҳаракати бундай ҳолларда пора беришга суиқасд деб

¹ Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 79.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-банди. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. 1991-2006 йиллар. Т.1. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б. 236.

тавсифланиши лозим бўлади. Бу ўринда пора берилиши мўлжалланган муайян мансабдор шахс айтилган-айтилмаганлигининг аҳамияти бўлмайди.

Шундай қилиб, пора олиш-беришда воситачилик қилиш субъектив томондан шахснинг ўз хатти-ҳаракатлари билан пора олиш-бериш содир этилишининг имкониятини амалда яратаётганини ёки бу жиноий келишув тузилишига кўмаклашаётганини англаши, шунингдек бу ҳаракатлар содир этилишини исташи билан тавсифланади.

2. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни субъектив томон бўйича квалификация қилишнинг ўзига хусусиятлари

Айб, мотив ва мақсад белгилари ҳарбий хизматни ўташ тартибига тажовуз қилувчи жиноятларни квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этади. Қонун ҳужжатларида ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган бундай жиноятларнинг алоҳида ижтимоий хавфли хусусияти айнан қилмишнинг субъектив томони ёрдамида аниқланади.

Ҳарбий судлар ва прокуратуралар томонидан йўл қўйиладиган хатоларнинг аксарияти ҳам ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши қилмишлар учун жавобгарлик тўғрисидаги нормаларнинг нотўғри қўлланилиши билан боғлиқ.

Маълумки, ҳар бир жиноят бошқа жиноятлар билан бир қатор умумий белгиларга эга бўлади. Шу туфайли ҳам жиноятни квалификация қилиш жараёни содир этилган қилмишнинг ҳар бир белгисини ўхшаш жиноятларнинг белгиларидан фарқлаш лозим бўлади. Ижтимоий хавфли қилмишларни фарқлашни квалификация қилишнинг тескари томони деб айтишлари бежиз эмас¹.

И.Бекеев “субъектив томондан, кўриб чиқиладиган жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор хизмат мавқеи ва ҳарбий унвон бўйича

¹ Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. – М., 1999. – С. 146.

ўзи билан тенг ҳарбий хизматчини мунтазам хўрлаш, унга азоб бериш, соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлган баданга шикаст етказишдан иборат ҳаракатлари билан ҳарбий низомида мустаҳкамланган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартибини бузаётганлигини тушунади ва шундай оқибатлар келиб чиқишини истайди”¹. А.С.Ёқубов ва Б.А.Миренскийлар эса, “субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Муайян ҳолатларда келиб чиққан оқибатлар учун (масалан, жабрланувчининг ўз жонига қасд қилиши) субъектнинг айби эҳтиётсизлик кўринишида юз бериши мумкин. Бироқ бундай жиноят тўлалигича қасддан содир этилган қилмиш каби кўриб ўтилиши лозим”². Яна бошқа қатор муаллифлар мазкур жиноятнинг фақатгина қасддан содир этилишини таъкидлайдилар³.

Ҳарбий жиноятни тўғри баҳолаш учун иккита ҳолатга баҳо бериш лозим: 1) ҳарбий жиноятларни ўхшаш умумий жиноятлардан фарқлаш; 2) муайян ҳарбий жиноятни ўхшаш ҳарбий жиноятдан фарқлаш.

Қайд этиш жоизки, қилмиш, гарчи у Қурулли Кучларнинг манфаатларига зарар етказган бўлса ҳам, агар ҳарбий хизматчилар учун махсус назарда тутилган ҳарбий хизматни ўташ тартибига субъектив тажовуз қилинмаган бўлса, бундай қилмишни ҳарбий жиноят деб ҳисоблашга йўл қўйилмайди.

Қилмишнинг йўналишини аниқлаш функцияси ёрдамида мотив ва мақсад объектнинг мазмунига кўра жиноят таркиблари рақобати юзага келадиган, айтиб бериш оқибат эса турли нормаларга тегишли бўлиши мумкин бўлган бир қатор ҳолатларда ҳарбий жиноятларни умумий жиноятлардан фарқлашга кўмаклашади. *Масалан*, бошлиққа нисбатан зўрлик ишлатиш содир этилган ҳолда, қилмиш ҳам ҳарбий (ЖК 283-моддаси), ҳам умумий (ЖК 104–109-моддалари) жиноятларнинг белгиси билан мос келади.

¹ Бекеев И. Актуальные проблемы учения о субъективной стороне преступления. // Уголовное право. 2002. - №3. – С.9.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 347.

³

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, аввало, ҳарбий жиноятларни уларнинг субъектив томони ёрдамида умумий жиноятлардан фарқлашни имкониятларини таҳлил қиламиз.

Биринчидан, бўйсунуш ва ҳарбий шахсга роя этиш тартибига қарши жиноятларда мотив ва мақсад бошқа белгилар билан бир қаторда ҳарбий ва умумий жиноятларни бир-биридан фарқлаш воситалари вазифасини бажаришга қодир (ЖК 281, 282, 283, 284-моддаларида).

Хусусан, бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилишда сиртдан ҳам шахсга қарши жиноятлар, ҳам безорилик, ҳам бошқарув тартибига қарши жиноятларнинг белгилари билан мос келадиган ҳаракатлар содир этилади. Шу сабабли, қилмишни ЖК 281-моддаси бўйича квалификация қилишда қилмишнинг мақсадини синчиклаб таҳлил қилиш талаб этилади.

Иккинчидан, бошлиқни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилишни объектив томон бўйича мос келадиган умумий жиноят таркибларидан фарқлашда ҳам ЖК 281-моддасида назарда тутилган ва ҳарбий субъект қилмишининг йўналиши билан ҳарбий объектни аниқлаш имконини берадиган мотив ҳақидаги мулоҳазалардан келиб чиқиш ўринли бўлади.

Бошлиқни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилишнинг мақсади эса бошлиққа қаршилик кўрсатишнинг мақсадидан фарқ қилади ва ўз манфаатларида бошлиқни, шунингдек ҳарбий хизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажараётган бошқа шахсни мазкур вазифаларни бузишга мажбур этишдан иборат. У мотивга аниқлик киритиб, бошлиқни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш жинояти таркибида мақсад ҳарбий бўйсунуш тартибига қарши тажовузнинг йўналишини аниқлашга ва, бинобарин, ҳарбий жиноятни ўхшаш умумий жиноятдан, масалан, шахснинг соғлиғига қарши жиноятлардан фарқлашга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ЖК 281-моддасида назарда тутилган жиноят бўйича жиноят ишларини кўриб чиқишда мотивлар ва мақсадлар таҳлилига амалиётда ҳам, назарияда ҳам кам эътибор қаратилади.

Ҳарбий бўйсунуш тартибига тажовуз қилувчи жиноятларга қарши жиноят-ҳуқуқий курашиш масалаларини тадқиқ этувчи муаллифлар ҳам бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш таркибларини асосан объектив томондан таҳлил қиладилар ва мазкур қилмишларнинг мотивлари ва мақсадлари ўзига хос хусусиятга эга эмаслигини қайд этадилар.

Бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилишнинг субъектив томони элементларига нисбатан бундай эътиборсизлик ЖК 281-моддасини тўғри қўллашга имконият яратмайди. Ваҳоланки, А.А.Герцензон ўз вақтида субъектив томондан тўғри қасд билан тавсифланадиган бошлиққа қаршилик кўрсатиш ва уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш таркиблари учун жиноятнинг мотиви ва мақсади биринчи даражали аҳамият касб этишини қайд этган эди¹. Дарҳақиқат, айнан жиноятнинг мотиви ва мақсади ҳарбий жиноятларни умумий жиноятлардан фарқлаш имконини беради.

Қилмишни содир этиш усули объектив томондан умумий жиноятлар билан мос келади. Аммо, бошлиққа қаршилик кўрсатиш, уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилишда ҳаракатларнинг ўзи ва жисмоний оқибатлар айбдорнинг мақсади сифатида амал қилмайди. Ҳарбий хизматга қарши мазкур жиноят таркибларида руҳий ёки жисмоний зўрлик ишлатиш мақсад сифатида эмас, балки бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилишнинг янада махсус мақсадлари – бўйсунуш тартибини, кенгроқ маънода эса – ҳарбий хизматни ўташ тартибини бузишга эришиш воситаси сифатида амал қилади.

¹ Герцензон А.А. Преступления против подчиненности и воинской чести. – М., 1995. – С. 18, 25.

Учинчидан, мотив белгисига кўра бошлиққа нисбатан зўрлик ишлатишни шахсга қарши умумий жиноятлардан фарқлаш лозим.

Ҳарбий хизматчининг қилмишида ЖК 283-моддаси (“Баданга шикаст етказиш”)да назарда тутилган жиноят таркибининг мавжудлиги “ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан” мотиви билан боғланади. Ушбу мотивнинг мавжудлиги туфайли мазкур норма наинки фуқаро, балки алоҳида ижтимоий муносабатлар – ҳарбий муносабатлар субъекти, алоҳида ҳуқуқлар ва бурчлар ташувчиси сифатидаги бошлиқнинг шахсини қўриқлайди.

Ушбу ҳолат суд амалиётида кўриб чиқиладиган ҳарбий жиноят ва ўхшаш умумий жиноятларни фарқлашда ҳисобга олинади.

Тўртинчидан, мотив ва мақсад ЖК 284-моддаси (“Бўйсунувчининг ўз бошлиғини ёки бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини ҳақорат қилиши”) ва 285-моддаси (“Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш”)да ҳам ҳарбий жиноятлар ва умумий жиноятларни фарқлаш вазифасини бажаришга кодир.

Агар бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузишнинг мотиви жабрланувчи ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги билан белгиланган бўлса, айбдор ёки жабрланувчи бундай вазифаларни бажариш пайтида қаерда бўлгани, ҳарбий муносабатлар тартиби амалда бузилгани ёки бузилмаганидан қатъи назар, қилмиш ЖК 285-моддаси бўйича ҳарбий жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти субъектив томонининг бошқа хусусиятларига қуйидагилар киради: а) аксарият ҳолларда айбдорда махсус мақсад – бошқа ҳарбий хизматчини ўзига бўйсундириш, бўлинмада ҳарбийлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг норасмий тизими – “дедовшина”ни вужудга келтириш (қувватлаш), лўнда

килиб айтганда, ҳарбий хизматга олдинроқ чақирилган айрим ҳарбий хизматчилар ёш аскарларни ҳарбий хизматнинг энг оғир вазифаларини ўзларининг ўрнига бажаришга, ўз шахсий юмушларини бажаришга, ўзлари учун хизматнинг енгилроқ шароитларини яратишга мажбур қилишлари учун имконият яратишнинг мавжудлиги; б) жиноятнинг турли мотивлари (ўч олиш, ўзининг устунлигига урғу бериш, ғаразгўйлик ёки безорилик ниятлари, ўзга тубан истаклар) мавжуд бўлиб, улар ЖК 285-моддасида назарда тутилган жиноят субъектив томонининг факультатив (қўшимча) белгилари ҳисобланиши ва жиноятни квалификация қилишга фақат қилмиш умумий жиноятларга бағишланган нормалар бўйича қўшимча квалификация қилинган ҳолда таъсир кўрсатиши. Жиноят мотивини тўғри аниқлаш деярли барча ҳолларда қилмишнинг айнан ҳарбий муносабатларни бузишга қарши қаратилганини аниқлаш имкониятини беради¹. Бундан ташқари, жиноят объекти ва объектив томонининг баъзи бир белгилари жиноий хулқ-атвор генезисида айнан мотив ва мақсад негизида, улар билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади². Бинобарин, қилмишнинг мотиви ва мақсади кўриб чиқиладиган жиноятни квалификация қилишда биринчи даражали аҳамият касб этади, қилмишни ЖК 285-моддаси билан квалификация қилишга мотив таъсир кўрсатмайди, деган фикр янглишдир³. Бундай фикрнинг янглишлиги шу билан изоҳланадики, мазкур жиноят мотив ва мақсадсиз содир этилмайди. Айбдор 285-моддада назарда тутилган жиноятни содир этар экан, у ўз олдига албатта муайян мақсадни қўяди⁴. Бу ҳақда Т.Қ.Мирзаев ҳамда Р.Қобуловлар “Бунда мақсад ва мотивлар турлича характерга эга бўлиши мумкин, масалан, ҳарбий хизматчи томонидан ўзига хизмат ўташнинг

¹ Толкаченко А.А. Мотив и цель воинских преступлений по советскому уголовному праву: Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 1991. – С.67.

² Кудрявцев В.И. Взаимосвязь элементов преступления // Вопросы борьбы с преступностью. Вып. 25. – М., 1976. – С.54-56.

³ Новокшенов Д.В. Уголовно-правовая и криминологическая характеристика преступлений против порядка подчиненности и воинских уставных взаимоотношений. Дисс. ...канд. юрид. наук. – СПб., 2007. – С.100-102.

⁴ Салаев Н.С. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш (жиноят-хукукий ва криминологик жиҳатлари). Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 88.

енгил шароитларини яратиш, жамоада катта ҳурмат-этиборга эга бўлишга ҳаракат қилиш, бошқа ҳарбий хизматчиларни ўзининг эркига бўйсундириш ва бошқалар”¹ деганида ҳақ эди. Чунки ҳар бир алоҳида ҳолатда ушбу масалалар синчковлик билан ўрганилиши талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида қилмишни тўғри квалификация қилиш ҳамда унга нисбатан адолатли жазо тайинлаш учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бир вақтда, айрим адабиётларда бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш ҳаракатларининг мотивлари ҳар хил бўлиши мумкин ва улар жинойтни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди, деган нуқтаи назар ҳам илгари сурилади. Хусусан, бундай ҳаракатлар безорилик ниятлари, жабрланувчининг ҳарбий хизматга бўлган муносабатидан айбдорнинг норозилиги, шахсий адоват, бошқа ҳарбий хизматчиларга ўз ҳукмини ўтказишга интилиш ва ҳоказолар билан белгиланиши мумкин.

Бизнингча, бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш ҳаракатларининг мотивлари ҳар хил бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр шубҳа уйғотмайди. Аммо улар жинойтни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди, деган фикрга фақат қисман қўшилиш мумкин. Жабрланувчи ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш ЖК 285-моддаси бўйича айнан қилмишнинг мотиви белгисига кўра баҳоланиши лозим. Агар бундай мотив мавжуд бўлмаса, айбдор ёки жабрланувчи хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажараётган вазиятда жинойт бошқа ниятлар ёки майллар билан белгиланган ёинки уставга зид ҳаракатлар ҳарбий тартибни амалда бузган ва айбдорнинг ҳарбий жамоага нисбатан очик-ойдин

¹ Мирзаев Т.Қ. Қобулов Р. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жинойтлар: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Talqin, 2005. – Б. 24-25.

хурматсизлигидан далолат бераётган бўлса, бошқа мотивлар қилмишни квалификация қилишга чиндан ҳам таъсир кўрсатмайди.

ЖК 284 ва 285-моддаларига татбиқан “ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан” мотивига назария ва амалиётда, шу жумладан, жабрланувчининг ҳарбий хизматга бўлган муносабатидан айбдорнинг норозилиги, бошқа ҳарбий хизматчиларга ўз ҳукмини ўтказишга интилиш киритилади.

Юқорида зикр этилган майлларнинг “ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан” мотивига киритилиши улар бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузишни жиноят-ҳуқуқий баҳолашга таъсир кўрсатишидан дарак беради ва ҳар доим бундай ҳаракатлар ЖК 285-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозимлигини кўрсатади. Шу туфайли ҳам, юқорида санаб чиқилган мотивлар бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузишни жиноят-ҳуқуқий баҳолашга таъсир кўрсатмайди, деган фикр-мулоҳазалар, бизнингча, унча тўғри эмас.

Бешинчидан, агар бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ёки бажараётган вақтда эмас, балки бошқа вазиятда содир этилган бўлса, айбдор ҳарбий муносабатлар тартибини бузган ва ҳарбий жамоага очиқ-ойдин ҳурматсизлик кўрсатган тақдирда, мазкур ҳаракатлар ҳам ЖК 285-моддасининг белгилари билан мос келади. Бунда тажовузнинг мазкур вазиятда объектив томон тушунчалари (аниқлик ва очиқ-ойдинлик) билан ифодаланувчи мақсади, яъни у бошқа объектга, масалан, жабрланувчининг шахсига эмас, балки айнан ҳарбий ўзаро муносабатларнинг уставда белгиланган тартибига қарши қаратилганлиги субъектив томон белгиси – қилмишнинг мақсади ёрдамида аниқланади.

Жиноят иши материалларига кўра, оддий аскар А. дастлабки тергов органлари томонидан оддий аскар Д.нинг бошига омбир отганликда ва бунинг оқибатида унинг баданига оғир шикаст етказганликда айбланади. Оддий аскар А.нинг бу ҳаракатлари ЖК 285-моддасининг иккинчи қисми билан квалификация қилинади. Ҳарбий суд томонидан ўтказилган суд мажлисида оддий аскар А. омбирни ҳарбий қисмга янги келган ёш ҳарбий аскарлар томонига уларнинг эътиборини тортиш учун отгани, бунда у бири-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш ва бирон-бир одамга, шу жумладан жабрланувчи оддий аскар Д.га тан жароҳати етказиш мақсадини кўзламагани ва бундай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига кўзи ҳам етмагани аниқланади. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб суд оддий аскар А.нинг қилмишини ЖК 111-моддасининг иккинчи қисми (эҳтиётсизлик орқасида баданга оғир шикаст етказиш) билан квалификация қиладики, бу, бизнингча, қуйидаги сабабларга кўра тўғри эмас: 1. Ҳарбий хизматчилар гуруҳига омбир отилгани содир этилган қилмишда безорилик нияти мавжудлигидан далолат беради (мазкур қилмишда ҳарбий жамоани менсимаслик, ҳеч шубҳасиз, яққол намоён бўлади), бинобарин, у ЖК 285-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин. 2. Суднинг айбдор ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш мақсадини кўзламагани ҳақидаги хулосаси танланган квалификация учун асослардан бири сифатида жиноятни ЖК 285-моддаси билан квалификация қилиш учун мажбурий бўлган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузишга тўғри қасд мавжудлигидан келиб чиқади. Аммо, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, бундай ҳолларда эгри қасд мавжудлиги ҳам эътибордан соқит этилиши мумкин эмас. Кўриб чиқиладиган мисолда айбдор омбирни улоқтирар экан, ўз ҳаракатлари билан ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузаётганини англамаслиги мумкин бўлмаган. 3. Содир этилган қилмишнинг юз берган оғир

оқибатларига нисбатан айбнинг эҳтиётсизлик шаклига ЖК 285-моддасининг иккинчи қисмида йўл қўйилади. Бинобарин, суднинг оддий аскар А. ўз қилмиши оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигига кўзи етмаганлиги ҳақидаги хулосаси жиноятнинг танланган квалификациясига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас¹.

Маълумки, ҳарбий жиноятлар деганда ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий машқни ўташ даврида ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилинган жиноятлар тушунилади (ЖК Саккизинчи бўлими). Ҳарбий муносабатларга таҳдиднинг йўқлиги ёки уларга амалда зарар етказилмагани бир ҳарбий хизматчи ўзига тенг бўлган бошқа ҳарбий хизматчига нисбатан зўрлик ишлатганини ЖК 285-моддаси бўйича квалификация қилиш имкониятини истисно этади.

ЖК 285-моддаси бўйича квалификация қилинадиган уставга зид ўзаро муносабатлар фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкинлиги ҳақидаги нуқтаи назар суд амалиётида ҳам қўллаб-қувватланади. “Ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан” мотиви ЖК 284 ва 285-моддаларида назарда тутилган жиноят таркибларининг муқаррар муқобил белгиларидан бири ҳисобланиши ҳақидаги мулоҳазалар мазкур ҳарбий жиноятлар шахсий хусусиятга эга мотивларга кўра ёки бошқа ниятларда содир этилиши мумкин эмаслигини англатмайди. Аксинча, уставга зид ўзаро муносабатларнинг аксарияти айнан шундай мотивлар бўйича содир этилади. Қилмишда “ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан” мотиви мавжуд бўлмаган, жабрланувчи ёки айбдор ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажараётган бўлган ёки айбдор ўзининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари билан ҳарбий жамоага, ҳарбий интизомга очик-ойдин

¹ Салаев Н.С. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш: Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – Б. 71.

ҳурматсизлик кўрсатган ва шу тариқа ҳарбий хизматни ўташ тартибини бузган ҳолларда жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

ЖК 285-моддасида назарда тутилган жиноятни ўхшаш умумий жиноятлардан мотив ва мақсад белгиларига кўра фарқлаш зарурлиги ҳарбий ва умумий жиноятлар мажмуи мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда ҳам кузатилади. Айрим терговчилар ва судлар қилмишни “захира билан” квалификация қилар экан, баъзан ҳарбий хизматчини ҳарбий жиноят билан бир каторда умумий жиноятда ҳам айблайди ёки, аксинча, содир этилган қилмишни фақат умумий жиноят учун жавобгарлик тўғрисидаги норма билан баҳолаш орқали жиноий ҳаракатларнинг ҳарбий моҳиятини эътиборга олмайди. Мотив ва мақсад белгилари бундай ҳатоларга йўл қўймасликка ёрдам бериши мумкин.

Олтинчидан, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар биронта ҳам белгисига кўра умумий жиноятлар билан мос келмайдиган алоҳида ҳарбий жиноятлар ҳисобланади. Шу туфайли ҳам уларни фарқлаш учун асослар, одатда, мавжуд эмас.

Интизомий қисмга жўнатишга ҳукм қилингани муносабати билан гауптвахтада сақланаётган ҳарбий хизматчининг у ердан қочишини квалификация қилиш ҳоллари бундан мустаснодир. Бундай ҳаракатлар сиртдан бошқарув тартибига қарши жиноят таркиби (ЖК 222-моддаси – қамокдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш) белгилари билан мос келади.

Аммо, кўрсатилган қилмиш субъектив томонининг таҳлили бундай ҳолларда ҳарбий жиноят содир этилганлигини аниқлаш имконини беради. Ҳарбий хизматчи Қуролли Кучлар шароитида интизомий қисмда жазони ўташни истамасдан, ҳарбий хизматдан халос бўлиш мақсадида қочади ва бу қилмишнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар объектга қарши қаратилганлигини белгилайди ҳамда жиноятни ҳарбий хизматдан бўйин товлаш тўғрисидаги моддалар бўйича квалификация қилиш зарурлигини белгилайди.

Еттинчидан, жиноят субъектив томонининг кўриб чиқиладиган белгилари ҳарбий ва умумий жиноятларни фарқлаш функциясини уларни ЖК Еттинчи бўлимининг айрим бошқа моддаларида қўллаш жараёнида ҳам бажаришга қодир.

Хусусан, ЖК 291, 292, 293, 294-моддаларида назарда тутилган жиноятларни айрим ҳолларда ЖК 157-моддаси (“Давлатга хоинлик қилиш”), 161-моддаси (“Қўпуровчилик”) ва бошқа нормаларида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлардан фарқлаш талаб этилиши мумкин.

Уларни фарқлашнинг асосий мезонлари – мақсад ёрдамида аниқланадиган тажовуз объекти, қилмишнинг йўналиши.

Қасд йўналиши ва мақсаднинг мазмуни Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятларнинг белгилари сифатида сиртдан юқорида зикр этилган ҳарбий жиноятлар тўғрисидаги нормалардан бири билан мос келадиган қилмишни Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар тўғрисидаги моддалар бўйича квалификация қилиш учун асос беради. Ва аксинча, ҳарбий жиноят белгилари билан мос келадиган қилмишда Ўзбекистон Республикасига қарши жиноят белгисининг йўқлиги уни ЖК Еттинчи бўлими моддалари бўйича квалификация қилиш зарурлигини англатади.

Шундай қилиб, жиноятнинг мотиви ва мақсади ЖК Еттинчи бўлими моддаларида назарда тутилган ҳарбий хизматга қарши жиноятларни бошқа умумий жиноятлардан фарқлаш вазифасини бажаришга қодир.

Бундай фарқлаш бўйсунуш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар тўғрисидаги нормаларни қўллашда алоҳида долзарб ва амалий аҳамият касб этади. Мотив ва мақсад ёрдамида ушбу ҳарбий жиноятларни объектив томонига кўра мос келадиган шахсга қарши умумий жиноятлардан фарқлашни самарали амалга ошириш мумкин.

Бинобарин, субъектив томоннинг белгилари жиноят қонунчилигида бўйсунуш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар

тўғрисидаги махсус нормаларни алоҳида ажратиш учун асослардан бири ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчиларнинг қилмишларини жиноят-ҳуқуқий баҳолаш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ЖК Еттинчи бўлими нормаларини фарқлаш масалаларини ҳал қилишлари талаб этилади.

Айни ҳол шу билан белгиланадики, ҳарбий жиноятлар объект, субъект ва объектив томонга тегишли бўлган кўп сонли ўхшаш белгиларга эга. Бир ҳарбий жиноят таркибини бошқа ҳарбий жиноятларнинг таркибларидан фарқлашда субъектив томон ҳам муайян вазифани бажаради.

Биринчидан, бўйсунуш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар тўғрисидаги нормаларда кўриб чиқиладиган белгилар, бошқа белгилар билан бир қаторда, ЖК 281-моддасини 283-моддадан фарқлашда, шунингдек ЖК 281-моддасида назарда тутилган бошлиққа қаршилик кўрсатишни бошлиқни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилишдан фарқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бошлиққа қаршилик кўрсатишни бошлиқни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилишдан фарқлашнинг умумэътироф этилган мезонлари қаторига иккала жиноят таркибида ҳам белгиланган, лекин ҳар хил мазмунга эга бўлган мақсад киради.

Бошлиққа қаршилик кўрсатиш ва бошлиқни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш жиноятларининг таркибларида мақсад тўғридан-тўғри кўрсатилмаганлиги уни таҳлил қилишни қийинлаштиради. Ҳақиқий мақсадни аниқлаш ва баҳолаш учун у айбдор шахснинг сиртдаги хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топишини ҳисобга олиш лозим. Бошлиқни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилишда бўйсунувчининг бошлиққа нисбатан зўрлик ишлатиши бошлиққа ёки ҳарбий хизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажараётган бошқа ваколатли шахсга хизмат билан боғлиқ муайян қонунга ҳилоф талабни қўйиш билан бирга амалга

оширилади, яъни “ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан” мотиви билан белгиланади.

Мазкур мотив қилмишнинг назарда тутилган мақсади – жабрланувчини ҳарбий мажбуриятларни бузишга, ўз хизмат фаолияти хусусиятини ўзгартиришга мажбур қилишни шакллантиради. Субъектнинг мазкур мақсади жиноий қилмишда объективлашади, айбдор ушбу мақсадга эришишни истайди ва уни айбдор билан бир қаторда жабрланувчи ҳам англаши лозим. Жабрланувчи ўзига кўрсатилаётган тазйиқнинг мақсадини ва бунинг сабабларини билмай туриб, ўзидан хизмат фаолиятини ўзгартиришни талаб қилишаётганини тушуна олмайди. Агар айбдор мазкур мақсадни жабрланувчининг қаршисида намоён этмаса, уни рўёбга чиқаришга эриша олмайди.

Айбдор шахснинг бошлиқни ёки ҳарбий хизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажараётган бошқа ваколатли шахсни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилишга қаратилган ҳаракатлари амалда бирон-бир аниқ талабни қўйиш билан бирга амалга оширилмаган тақдирда, қилмиш бошлиқни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш жинояти таркибини ҳосил қилиши мумкин эмас, чунки айтилган ҳолда кўзланган мақсад аниқ хатти-ҳаракатларда намоён бўлмайди.

Яна шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, бошлиқни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш мақсади бўйсунуш тартибига жиноий тажовузни содир этиш жараёнида бошлиққа қаршилик кўрсатиш мақсадидан келиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолларда кейинги мақсад олдинги мақсадни ва ягона жиноий жараённи тўлиқ қамраб олади.

Шундай қилиб, жиноятнинг мақсади уни қилмишда объективлаштириш усули ва бошқа белгилар билан жамулжам ҳолда бошлиққа қаршилик кўрсатиш ва бошлиқни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилишни, мазкур икки жиноят таркибини эса – бошлиққа бўйсунмасликдан фарқлаш имконини беради.

Иккинчидан, қаршилик кўрсатиш нафақат бошлиққа, балки айбдор билан тенг даражада бўлган, ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажараётган ҳарбий хизматчига нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин. Шу туфайли ҳам айрим ҳолларда мазкур жиноят таркибини бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш (ЖК 285-моддаси)дан фарқлаш зарурияти юзага келади.

Г.И.Бушуев ўз вақтида бу хусусда шундай деб ёзган эди: “Бу ерда гап ўзи билан тенг ҳарбий хизматчига нисбатан қонунга ҳилоф ҳаракатларни зўрлик ишлатиб содир этиш ҳақида бораётгани боис, мазкур қилмишларни фарқлаш... айбдорнинг ўз қилмишига бўлган субъектив муносабати мазмуни билан белгиланади”¹.

Бизнингча, юқорида зикр этилган нормаларни бир-биридан фарқлаш мезонларидан бири қилмишнинг мақсади ҳисобланади.

ЖК 281-моддасида назарда тутилган ушбу белги ЖК 285-моддасида мустаҳкамланган белгилар билан таққослаганда янада махсус хусусият касб этади. Сўнгги зикр этилган нормада мақсад бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузишдан, ЖК 281-моддасида эса – ҳарбий хизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажариш жараёнида бўйсунтириш тартибини бузишдан иборат. Махсус мақсаднинг мавжудлиги амалда бошлиққа қаршилик кўрсатишнинг ташқи белгилари билан ҳам ўз тасдиғини топади. Шу туфайли ҳам кўриб чиқиладиган нисбатда ЖК 285-моддаси умумий норма сифатида, ЖК 281-моддаси эса – уларнинг ўртасида рақобат юзага келган ҳолда қўлланилиши лозим бўлган махсус норма сифатида амал қилади.

Учинчидан, ЖК 281-моддасида назарда тутилган жиноят таркибларини бошлиққа нисбатан зўрлик ишлатишдан ҳам фарқлаш лозим.

¹ Бушуев Г.И. Программа квалификации насильственных действий по ст. 4, 6, 7 п. «в» Закона // Бюллетень ВК ВС и УВТ № 2 (67). – М., 1988. – С. 9.

ЖК 283-моддаси (“Баданга шикаст етказиш”)да бошлиқ ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ёки бажараётган вақтда уни дўппослаш, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Ушбу жиноят таркибида мақсад жабрланувчини дўппослаш, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишдан иборат.

Бошлиққа қаршилик кўрсатиш ва уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш ҳам юқорида кўрсатилган мотивга кўра содир этилиши мумкин.

Бирок, ЖК 283-моддасидан фарқли ўлароқ, ЖК 281-моддасида зўрлик ишлатиш мақсад сифатида эмас, балки янада махсус ният – бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилишга эришиш воситаси сифатида амал қилади.

Шу туфайли ҳам, ЖК 281-моддасида конструктив белги сифатида назарда тутилган мақсад белгисига кўра юқорида зикр этилган ҳарбий жиноятларнинг таркибларини бир-биридан фарқлаш мумкин.

Бунда белгилар сони камроқ бўлган умумий норма ЖК 283-моддаси, махсус норма эса – бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган нормаларнинг рақобати юзага келган ҳолда бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш учун жавобгарлик тўғрисидаги норма қўлланилиши лозим.

Агар зўрлик ишлатишдан иборат ҳаракатлар бошлиқдан унинг хизмат бўйича умумий талабчанлигини пасайтиришга эришиш мақсадида ёки хизмат билан боғлиқ бошқа ниятларда содир этилган бўлса, қилмиш умумий норма – ЖК 283-моддаси бўйича баҳоланиши лозим.

Агар зўрлик ишлатиш бошлиқни хизматга бўлган муносабатни ўзгартириш, ўзига юкланган вазифаларни бажармасликка мажбур қилиш мақсадига эришиш воситаси сифатида қўлланилган бўлса, у махсус норма

бўйича бошлиқни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш (ЖК 281-моддаси) сифатида баҳоланиши лозим.

Муайян ишлар бўйича келтирилган қоидаларни лозим даражада ҳисобга олмаслик бошлиқларга нисбатан ҳаракатларни зўрлик ишлатиб содир этиш ҳоллари нотўғри квалификация қилинишига сабаб бўлади.

Бошлиқни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш жиноятининг таркиби бошлиқни хатти-ҳаракатларда ифодаланган муайян хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш махсус мақсадининг мавжудлигини назарда тутди. Шундай қилиб, қилмишнинг мотивлари ва мақсадларини таҳлил қилиш уни тўғри баҳолаш ва квалификация қилиш имконини беради.

Тўртинчидан, ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетишни дезертирликдан фарқлашнинг бирдан-бир мезони мақсад белгиси ҳисобланади.

Субъектда ҳарбий хизматни ўташ конституциявий бурчини бажаришдан бутунлай бўйин товлаш мақсадининг йўқлиги бўйин товлашни ЖК 288-моддаси бўйича дезертирлик сифатида баҳолашни истисно этади.

Агар ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетишни содир этган субъектда хизматдан ташқарида бўлиш даврида бундай мақсад юзага келган бўлса, у содир этган қилмиш тўлалигича битта янада оғир жиноят таркиби – дезертирлик билан қамраб олиниши лозим.

Ҳарбий хизматчининг камроқ даражада хавфли бўлган нияти шу даражада акселижтимоий мақсадга айланадики, субъектнинг қилмишида мазкур мақсад мавжудлигининг ўзи бошқа барча мақсадларни ва уларга эришиш учун содир этилган ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлашларни уларнинг сони, тугалланганлиги ва давомлилигидан қатъи назар қамраб олади. Ушбу нуқтаи назарлар фан даражасида ҳам, ҳарбий судлов органларининг тергов-суд амалиёти даражасида ҳам қўллаб-қувватланади.

Ҳар сафар ҳарбий хизматни ўташдан вақтинчалик бўйин товлаётган субъектнинг қилмишлари дезертирликнинг кўрсатилган мақсади билан мос келган тақдирда жиноятлар мажмуи қоидаларига мувофиқ баҳоланади, чунки ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлашнинг мазмунан бир хил бўлган мақсадлари бири бошқасини қамраб олиши мумкин эмас.

Агар ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлашлар объектив томондан битта моддада тавсифланган бир хил усулда содир этилган бўлса, қилмиш ҳарбий хизматни ўташдан вақтинчалик бўйин товлашнинг мазкур усули ва мақсади назарда тутилган норма билан қамраб олинади.

Агар ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлашларни содир этиш усуллари ЖК турли нормаларида назарда тутилган бўлса, қилмишни квалификация қилиш ҳар бирида хизматни вақтинчалик ташлаб кетишнинг мақсади назарда тутилган ушбу нормалар мажмуи бўйича амалга оширилади.

Бундай мақсад қилмишнинг ЖК 287-моддаси (“Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш”)да назарда тутилган белгиси ҳисобланади. Шу туфайли ҳам, масалан, алдов йўли билан олинган таътилдан жиноят қонунига мувофиқ жазога лойиқ кеч келиш ЖК 287 ва 290-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

Бу масала бўйича суд амалиётининг нуқтаи назари узоқ йиллар мобайнида ўзгармаган ва бизнингча, ҳозирги вақтда ҳам тўғридир.

Шундай қилиб, дезертирликни ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлашнинг бошқа усулларида фарқлаш мақсаднинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига кўра эмас, балки унинг мазмунига кўра амалга оширилади.

Жиноят-ҳуқуқий фани ва суд амалиёти ҳарбий хизматни ўтишдан вақтинчалик бўйин товлаш ва дезертирликка турли жиноий мақсадларни шакллантирувчи ўз “типик” мотивлари мос келишидан далолат беради.

Ҳарбий хизматни вақтинчалик ташлаб кетишларга туртки берувчи омиллар ўз қариндошлари, танишларини бориб кўриш, оилавий ва шахсий ишларини битириш, муваққат хусусиятга эга бўлган турли майлларни кондириш (кўнгилхушлик қилиш, аёл билан учрашиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш) ҳисобланади.

Дезертирликка хос бўлган мотивлар ҳар доим ҳарбий хизматнинг оғирликлари ва маҳрумликларига дош беришни ёки муайян қўшин турида хизмат қилишни истамаслик, доимий хусусиятга эга бўлган шахсий ва оилавий муаммоларни ҳал қилишга ҳамда хизматни ўташ даврида содир этилган жиноий жавобгарликдан қутулиб қолишга интилиш ҳисобланади.

Қилмишнинг мотиви, айбдорнинг ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлашдан олдинги, жиноят содир этиш пайтидаги ва жиноятни содир этгандан кейинги ҳуқ-атворини тавсифловчи, унинг ҳақиқий ниятларидан далолат берувчи объектив белгилар ҳақидаги маълумотлар йиғиндиси, субъектнинг ўз режалари ҳақидаги кўрсатувлари айбдорнинг асл мақсадларини аниқлашга ва бинобарин, дезертирликни ҳарбий хизматни ўташдан вақтинчалик бўйин товлашдан фарқлашга ёрдам беришга қодир.

Бешинчидан, ҳарбий хизматни ўташдан бутунлай бўйин товлаш нияти ЖК 290-моддаси тузилмасида ҳам хизматни ўташдан вақтинчалик бўйин товлаш мақсади билан бирга амал қилади. Шу туфайли ҳам айрим ҳолларда ЖК 288 ва 290-моддаларини фарқлаш фақат объектив томон элементларига кўра амалга оширилади.

Хусусан, ЖК 290-моддаси бўйича фақат ушбу нормада санаб чиқилган усуллар (ўз баданига бирон шикаст етказиш йўли билан ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш, ўзини ёлғондан касалликка солиб, ҳужжатларни қалбакилаштириш) ёрдамида бевосита эришиладиган ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлашлар квалификация қилиниши мумкин. Агар мақсад белгилари мос келмаса, бундай ҳолларда ЖК 288 ва 290-моддаларини фарқлаш субъектив томон бўйича амалга оширилиши ҳам мумкин.

Олтинчидан, тамом бўлмаган жиной фаолиятни квалификация қилиш, ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаш иштирокчиларининг ҳаракатларига ва ҳарбий хизматдан бўйин товлани охирига етказишдан ихтиёрий равишда қайтиш ҳолларига жиноят-ҳуқуқий баҳо бериш ҳам субъектларнинг муайян қилмиши мақсадининг мазмунини аниқлашга бевосита боғлиқ бўлади. Масалан, айбдорда ҳарбий хизматни ўтамаслик мақсадининг мавжудлиги ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товланган шахсга нисбатан жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш институтини қўллаш имкониятини истисно этади.

Еттинчидан, ўхшаш жиноятларни мотиви ва мақсадига кўра фарқлаш ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган мансабдорлик жиноятлари таркиблари – ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 301-моддаси); хизматга совуққонлик билан қараш (ЖК 302-моддаси)да ҳам амалга оширилади.

Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги деганда бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз ҳокимият ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиши, ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиши, шунингдек, ҳокимият ҳаракатсизлиги Қуролли Кучларнинг манфаатларига, ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши тушунилади.

Хизматга совуққонлик билан қараш эса – бу бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлишидир.

Саккизинчидан, мақсад белгисига кўра айрим ҳолларда бўйсунувчининг ўз бошлиғини ёки бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини

ҳақорат қилиши (ЖК 284-моддаси) ва ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш (ЖК 301-моддаси)ни фарқлаш талаб этилади.

Бу ерда бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини бир неча марта уриши, жабрланувчининг баданига енгил шикаст етказиш ҳоллари назарда тутилади. Бундай кам учрайдиган вазиятларда жиноятни квалификация қилиш учун асос бўлиб қилмишнинг мақсади – зўрлик ишлатиш йўли билан жабрланувчини жисмоний азоблаш эмас, балки унинг шаъни ва кадр-қимматини камситиш хизмат қилади.

Ўхшаш ҳарбий жиноятларни фарқлашда мотив ва мақсаднинг вазифалари ана шулардан иборат.

Бўйсуниш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар ҳамда ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашда қилмишларни мотив ва мақсад белгиларига кўра фарқлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этади, чунки ушбу жиноятлар гуруҳларининг нормалари объект, субъект ва объектив томон белгилари билан бир қаторда, айб шаклига кўра ҳам мос келади.

Мотив ва мақсад бир қатор ҳолларда ўхшаш ҳарбий жиноятларни бир-биридан фарқлаш имконини берадиган муҳим белгилар ҳисобланади ва бу амалга оширилган таҳлилнинг назарий аҳамияти ва амалий қимматини, ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган қилмишларни квалификация қилишда уларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

3-боб бўйича хулоса:

1. Порахўрлик жиноятлари фақат тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятни квалификация қилишда айб, мотив ва мақсад зарурий элемент ҳисобланади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси талабларидан келиб чиқиб, қорлаверса, бу соҳада

ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-моддаси 1-қисми диспозициясига қуйидаги қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқ:

“1-қисм диспозициянинг **“Пора бериш”** деб бошланувчи сўзлари **“Пора беришни ваъда қилиш, таклиф қилиш ва такдим этиш”** сўзлари билан алмаштирилсин”.

3. Агар “пора берувчи” ўзи мансабдор шахсга бераётган моддий бойликлар ёки унга такдим этилган мулкӣ хусусиятга эга нафларнинг қонунга ҳилоф хусусиятини англамаган ва буни қонунӣ деб ҳисоблаган бўлса, унинг ҳаракатларида пора бериш жиноятининг таркиби мавжуд бўлмайди. *Масалан*, шахс пулни берар экан, уларни эксперт иши ёки ахборотга ишлов бериш, ҳужжатларга тузатиш киритиш, уларни таҳрирлаш ёки кўпайтириш борасидаги ишлар учун тўлов сифатида беряпман, деб ҳисоблайди.

4. Ҳарбий жиноятни тўғри баҳолаш учун иккита ҳолатга баҳо бериш лозим: 1) ҳарбий жиноятларни ўхшаш умумӣ жиноятлардан фарқлаш; 2) муайян ҳарбий жиноятни ўхшаш ҳарбий жиноятдан фарқлаш.

ХУЛОСА

Мавзу юзасидан амалга ошириган тадқиқотларимиз натижаси сифатида якуний хулоса ва тавсияларимизни қуйидаги икки йўналишга ажратиб баён қилишни лозим топдик:

I. Жиноят ҳуқуқи назариясини ривожлантири бўйича тавсиялар:

1. Қуйидаги тушунчаларга таъриф берилди:

жиноятнинг субъектив томони – бу жиноят таркибининг шахснинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этишини белгилаган ва ушбу жараён билан боғлиқ бўлган рухий фаолиятини акс эттирувчи элементлар йиғиндиси бўлиб, айб, мотив ва мақсаддан иборатдир;

жиноятларни квалификация қилиш – бу содир этилган қилмишда ижтимоий хавфли қилмишнинг белгилари Жиноят кодексининг Умумий ва Махсус қисмининг нормаларида кўзда тутилган жиноят таркибининг белгиларига мос келишини аниқлаш ҳамда кодекс тегишли моддасининг қўлланиши тўғрисидаги хулосани жиноят процессуал қонунига асосан мустаҳкамлаш ҳақидаги тўхтамга келишдир.

2. Жиноятнинг субъектив томони қилмишни квалификация қилишда қуйидаги хусусиятлари туфайли муҳим юридик аҳамият касб этади:

биринчидан, жиноий жавобгарлик асосининг таркибий қисми сифатида, у жиноий хулқ-атворни жиноий бўлмаган хулқ-атвордан фарқлаш имконини беради. Хусусан, айбсиз ҳолда ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқариш, қасддан содир этилган тақдирдагина жазога лойиқ бўлган қилмишни эҳтиётсизлик орқасида содир этиш (ЖК 109-моддаси), шунингдек жиноят ҳуқуқи нормасида назарда тутилган, лекин ушбу нормада кўрсатилган мақсадсиз (ЖК 164–169-моддалари) ёки қонунда кўрсатилгандан бошқа мотивларга кўра (ЖК 124–125-моддалари) содир этилган қилмиш жиноят ҳисобланмайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадининг

йўқлиги кўпорувчилик (ЖК 161-моддаси) учун жавобгарликни истисно этади, моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаш, яъни қонунда кўрсатилган мотив мавжуд бўлмаган ҳолда эса, ёлланиш жинояти (ЖК 154-моддаси) таркиби ҳам мавжуд бўлмайди;

иккинчидан, жиноятнинг субъектив томони объектив белгиларга кўра ўхшаш бўлган жиноят таркибларини бир-биридан фарқлаш имконини беради. Масалан, қасддан одам ўлдириш ва эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (ЖК 97 ва 102-моддалари) фақат айб шаклига кўра, ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш (ЖК 287-моддаси) дезертирлик (ЖК 288-моддаси)дан фақат мақсаднинг мазмунига кўра, терроризм (ЖК 155-моддаси) шахсга ёки мулкка қарши тажовузлардан халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш мақсадининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига кўра фарқ қилади;

учинчидан, жиноят субъектив томони факультатив белгиларининг фактик мазмуни, ҳатто улар ЖК Махсус қисмининг нормасида кўрсатилмаган бўлса ҳам, жиноятнинг ва уни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини, демак, ЖК 55–57-моддаларида мустақамланган кўрсатмаларни ҳисобга олган ҳолда жавобгарлик хусусияти ва жазо миқдорини кўп жиҳатдан белгилайди;

тўртинчидан, содир этилган қилмиш ва жиноят субъектининг ижтимоий хавфлилик даражаси кўп жиҳатдан жиноят субъектив томонининг мазмуни билан белгиланади. Ўз навбатида, содир этилган қилмиш ва жиноят субъектининг ижтимоий хавфлилик даражаси жавобгарликнинг хусусияти ва жазо миқдorigа таъсир кўрсатади. Шу туфайли ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида”, “Одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги ва бошқа қарорларида қасднинг мазмуни ва у нимага қарши

Биринчи ёндашувга кўра, айб (айбдорлик) муайян жиноятнинг субъектив ва объектив белгилари йиғиндиси ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда жиноят ҳуқуқи фанида *етакчилик қилаётган нуқтаи назарга кўра*, айб – бу ҳар қандай жиноят таркибининг муқаррар белгиси, лекин у жиноят субъектив томонининг (мотив, мақсад билан бирга) белгиларидан бири, холос.

4. Айб тушунчасини ёритиш: *биринчидан*, ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда вужудга келган рухий ҳодиса сифатида айбнинг моҳиятини очиб беришга; *иккинчидан*, айбнинг мазмуни ва унинг моҳияти нимага қаратилганлигини аниқлашга, *учинчидан*, айбли муносабат нимага қаратилганлигини (қилмишгами, унинг оқибатларигами ёки умуман жиноятгами) аниқлашга, *тўртинчидан*, қилмишнинг онгли ёки онгсиз рухий ҳолатда ёхуд ҳар иккаласининг ўзаро таъсирида содир этилганлигига тўғри баҳо беришга, *бешинчидан*, жиноятнинг субъектив томонида айбнинг тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлашга хизмат қилади.

5. Фақат мотив ва мақсад жиноят-хукуқий маънода жиноят таркиби субъектив томонининг факультатив белгилари ҳисобланади. Шунининг олган ҳолда, мазкур тушунчаларга қуйидагича таъриф беришни таклиф қиламиз:

ЖИНОЯТ МОТИВИ – бу руҳий ҳолат билан белгиланган, шахснинг унисодир этишга бўлган аҳдида намоён бўладиган жиноят асоси;

жиноятнинг мақсади – бу шахс (субъект) жиноятни содир этиш жараёнида эришишга ҳаракат қиладиган жиноий натижанинг жиноят мотиви билан белгиланган ҳаёлий модели.

6. Жиноят-ҳуқуқий адабиётларда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасдга нисбатан қуйидаги қоидалар умумэтироф этилган.

Биринчидан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати ўз табиатига кўра физиологик ёки патологик бўлиши мумкин. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасд фақат физиологик кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати билан боғланади. Патологик кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати ақли расоликни, яъни ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англаш ва уларни бошқариш имкониятини истисно этади.

Иккинчидан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасд жабрланувчининг салбий ҳаракатларига муносабат билдириш усули сифатида пайдо бўлади. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида эмоциялар қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етиш ва уларнинг юз беришини исташ билан боғланади. Натижада эмоционал туғённинг пайдо бўлиши ҳам, етказилган зарарнинг оғирлик даражаси ҳам айбдор учун қўшилмаган бир ҳол ҳисобланади.

Учинчидан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги қасд – бу айнан қасд, чунки, биринчидан, “ҳеч ким ҳаракатни онгсиз деб фақат инсон бунда ўзи уни бажаришда фойдаланган барча воситалар ва барча ҳаракатларни англамагани учунгина айтмайди”. Иккинчидан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари таъсири остида содир этилиши боис, айбдор “ўзига озор етказган одамни ғайриқонуний ҳаракати учун жазолаш ва шу тариқа адолатни тиклаш” учун жисмоний зиён етказишга ҳаракат қилади.

6. Бепарволик орқасида жиноят содир этишнинг ҳозирги таърифи унинг икки асосий хилини ўз ичига олади.

Биринчи – “маиший” бепарволик. Бу ерда “айбдорнинг шахсий хусусиятлари (унинг жисмоний кўрсаткичлари, ривожланиш даражаси, маълумоти, касбий ва ҳаёт тажрибаси, соғлиғининг ҳолати, таъсирчанлик даражаси ва ҳ.к.) унга қилмишни содир этиш вазиятидан келиб чиқадиган

ахборотни тўғри идрок этиш, уни тўғри баҳолаш ва асосли хулосалар чиқариш имконини бериши”ни аниқлаш талаб этилади.

Иккинчи – “касбий ва техник” бепарволик. Унинг юқори чегараси ҳозир анча мавҳум, чунки суд амалиётида бепарволик орқасида жиноят содир этишнинг таърифлари, масалан, йўл ҳаракати ёки техника хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузишга ишора қилиш билан бирикади.

9. Порахўрлик жиноятлари фақат тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятни квалификация қилишда айб, мотив ва мақсад зарурий элемент ҳисобланади.

10. Агар “пора берувчи” ўзи мансабдор шахсга бераётган моддий бойликлар ёки унга тақдим этилган мулкӣ хусусиятга эга нафларнинг қонунга ҳилоф хусусиятини англамаган ва буни қонунӣ деб ҳисоблаган бўлса, унинг ҳаракатларида пора бериш жиноятининг таркиби мавжуд бўлмайди. *Масалан*, шахс пулни берар экан, уларни эксперт иши ёки ахборотга ишлов бериш, ҳужжатларга тузатиш киритиш, уларни таҳрирлаш ёки кўпайтириш борасидаги ишлар учун тўлов сифатида беряпман, деб ҳисоблайди.

11. Ҳарбий жиноятни тўғри баҳолаш учун иккита ҳолатга баҳо бериш лозим: 1) ҳарбий жиноятларни ўхшаш умумӣ жиноятлардан фарқлаш; 2) муайян ҳарбий жиноятни ўхшаш ҳарбий жиноятдан фарқлаш.

II. Жиноят кодексини такомиллаштириш юзасидан таклифлар:

1. ЖК 20-моддасини **“Айб ва унинг шакллари”** деб номлаб, унда айбнинг аниқ таърифини бериш мумкин деб ҳисоблаймиз **“Айб-жиноятчининг содир қилган ижтимоӣ хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ҳамда унинг ижтимоӣ хавфли оқибатига нисбатан руҳӣ ҳолати бўлиб, айб қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида бўлади”** деган таҳрирда баён қилиниши мумкин.

2. ЖКга юқоридаги тузатиш киритилиши шу бобида жойлашган 21-23-моддалардаги айб шакллари ҳам номлари уларнинг мазмунига мослаштирилишини талаб этиши табиий деб ҳисоблаймиз. Чунки, бу бобда биринчидан жиноят тўғрисида эмас айб ва унинг шакллари ҳақидаги нормалар мустаҳкамланган. Иккинчидан эса қасд ва эҳтиётсизлик тушунчалари назария ҳамда амалиётда жиноятнинг шакли эмас аксинча айбнинг шакли ҳисобланади. ЖК 21-моддасини **“Қасд шаклидаги айб”**, 22-моддани **“Эҳтиётсизлик шаклидаги айб”**, 23-моддани эса **“Мураккаб айб”** тарзида номлаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

3. ЖК 21-моддаси 3-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Агар шахс ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ҳақиқий хусусияти ёки ижтимоий хавфлилигини англаган ва уларни содир этишни истаган, шунингдек, шахс ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфлилигини англаган, уларнинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган деб топилади.”.

4. Ҳозирги вақтда қонун нормалари ва уларни қўллаш амалиётида мавжуд ноаниқликни бартараф этиш учун ЖК 30-моддасини қуйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдириш таклиф қилинди:

“Агар шахс (бир гуруҳ шахслар) бажарувчидан яширинча унга ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлган қилмишни содир этишда ёрдам кўрсатган бўлса, бундай қилмиш иштирокчиликда содир этилган деб ҳисобланмайди.”.

5. ЖК 54-моддаси иккинчи қисмига қуйидаги қўшимчани:

“айбдорнинг шахсини” сўзларидан сўнг, **“, айбнинг шакли ва даражасини”** сўзларини киритиш лозим.

6. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси талабларидан келиб чиқиб, қолаверса, бу соҳада ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-моддаси 1-қисми диспозициясига қуйидаги қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқ:

“1-қисм диспозициянинг **“Пора бериш”** деб бошланувчи сўзлари **“Пора беришни ваъда қилиш, таклиф қилиш ва тақдим этиш”** сўзлари билан алмаштирилсин”.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. - 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси кодекслари тўплами. – Тошкент: Адолат, 2014. – Б. 832.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: (2014 йил 1 мартгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан).– Тошкент: Адолат, 2014. – 396 б.
4. Уголовный кодекс Армения; Уголовный кодекс Республики Таджикистан. /Предисловие А.В.Федорова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 43-45.
5. Уголовный кодекс Грузии. /Науч.ред. З.К.Бигвава. Вступ. статья к.ю.н., доц. В.И.Михайлова. Обзорн. статья д.ю.н., проф. О.Гамкрелидзе. Перевод с грузинского И.Мериджанашвили.– СПб.: “Юридический центр Пресс”, 2002. – С. 89-90.
6. Уголовный кодекс Кыргызской Республики. /Предисловие канд.юрид.наук, зам. Прокурора Санкт-Петербурга А.П.Стуканова, канд.юрид.наук, зам. начальника управления прокуратуры С.Петербурга П.Ю.Константинова. – СПб.: “Юридический центр Пресс”, 2002. – С. 54.
7. Уголовный кодекс Литовской Республики. – СПб.: Юридический центр пресс, 2002. – С. 310.
8. Уголовный кодекс Молдовы. // www.legislationline.org
9. Уголовный кодекс Республики Беларусь./Предисловие проф. Б.В.Воложникина. Обзорн. статья А.В.Баркова. –СПб.: “Юридический центр Пресс”,2001. – С. 98-99.
10. Уголовный кодекс Республики Корея. – СПб.: Юридический центр пресс, 2004. – С. 104-106.

11. Уголовный кодекс Туркмения. [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.legislationline.org/ru/legislation.-php?tid=1&lid=7028>.
12. Уголовный кодекс Украины. /Науч. ред., предисловие докт.юрид.наук,проф. В.В.Сташиса; перевод с украинского В.Ю.Гиленченко. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 28-29.
13. Уголовный кодекс Федеративной Респубики Германии. – СПб.: Юридический центр пресс, 2003. – С. 506-507.
14. Уголовный кодекс Федеративной Респубики Германии. – СПб.: Юридический центр пресс, 2003. – С. 506-507.
15. Уголовный кодекс Швейцарии. – СПб.: Юридический центр пресс, 2002. – С. 281.
16. Уголовный кодекс штата Техас. – СПб.: Юридический центр пресс, 2006. – С. 376.
17. Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси. / Масъул муҳаррир: М.Восикова, Т.Нигмонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – 336 б.
18. Уголовный кодекс Узбекской ССР. – Самарканд: Издат. НКЮ УзССР, 1926. – С. 31.
19. Уголовный кодекс Украины. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 202.
20. Уголовный кодекс Эстонский Республики. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 142.

II. Раҳбарий адабиётлар:

21. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
22. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.

23. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 26.

24. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

III. Махсус адабиётлар

Дарслик, монография, ўқув қўлланмалар, шарҳлар

25. Абдуқодиров Ш.Ё. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли ва унинг белгилари. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 91 б.

26. Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. – Тошкент: ТДЮИ, 2005.- 156 б.

27. Алимов Ҳ.Р., Маҳмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати: Чизмалар албоми. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. – Б. 19.

28. Аллабергенов А.П. Фирибгарлик жинояти учун жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 39.

29. Ахраров Б.Д. Мансабдорлик жиноятлари учун жиноий жавобгарлик. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б. 118.

30. Ахраров Б.Д. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини сууистеъмол қилиш жинояти учун жиноий жавобгарлик: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 39.

31. Бакунов П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган талон-торож жиноятлари. Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 75.

32. Бакунов П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган талон-торож жиноятлари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 130.

33. Бакунов П. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 29.
34. Бакунов П. Талон-торож жиноятлари тушунчаси: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ. 2010. – Б. 44.
35. Бакунов П.Б. Айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида. – Тошкент: Адолат, 2006. – Б. 46.
36. Бердиев Ш. Жиноий жавобгарлик ва ундан озод этиш масалалари: Монография. – Тошкент: Сано стандарт, 2011. – Б. 228.
37. Благоев Е.В. Квалификация преступлений (теория и практика). Ярославль: 2003. С. 18.
38. Благоев Е.В. Применение уголовного право (теория и практика) СПб.: 2004.- С 505.
39. Большая медицинская энциклопедия: (в 30-ти т.) / Гл. ред. Б.В.Петровский. – 3-е изд. Т. 21. – М., 1993. – С. 313.
40. Бурчак Ф.Г. Квалификация преступлений. Украина., 1983. С. 140.
41. Векленко С.В. Уголовно-правовая оценка субъективной стороны состава преступления: Учебное пособие. – Омск, 2006. – С. 84.
42. Векленко С.В., Бавсун М.В. Субъективная сторона преступления: Лекция. – Омск, 2005. – С. 25.
43. Витрук Н.В. Общая теория юридической ответственности. – М., 2009. – С. 315.
44. Владимиров Л.Е. Учение об уголовных доказательствах. СПб., Тула, 2000. С. 180-181.
45. Волженкин Б.В. Служебные преступления. – М., 2000. – С. 220.
46. Волков Б.С. Мотивы преступления. – Казань, 1992. – С. 6.
47. Волков Б.С. Проблема воли и уголовная ответственность. – Казань, 1995. – С. 50.
48. Вопросы преступления и наказания по законодательству СССР и других социалистических стран. – М., 1985. – С. 47.

49. Ворошилин Е.В., Кригер Г.А. Субъективная сторона преступления. – М., 1997. – С. 6–12.
50. Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. М., 2005. – С. 311.
51. Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. – М., 2010. – С. 153.
52. Гаухман Л.Д. Субъективная сторона преступления (сравнительно-правовой аспект): Лекция. – М., 1999. – С. 27.
53. Герцензон А.А. Квалификация преступлений. – М., 2007.
54. Герцензон А.А. Преступления против подчиненности и воинской чести. – М., 1995. – С. 18, 25.
55. Дагель П.С., Котов Д.П. Субъективная сторона преступления и ее установление. – Воронеж, 1974. – С. 129–130.
56. Дагель П.С., Михеев Р.И. Теоретические основы установления вины. – Владивосток, 1995. – С. 79.
57. Демидов Ю.А. Социальная ценность и оценка в уголовном праве. – М., 1995. – С. 114.
58. Динека В.И. Ответственность за должностные преступления по уголовному праву России: Учебное пособие. – М., 1998. – С. 57.
59. Динека В.И. Ответственность за должностные преступления по уголовному праву России: Учебное пособие. – М., 1998. – С. 55.
60. Еникеев М.И. Юридическая психология. – М., 2004. – С. 83.
61. Жинойат ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б. 160.
62. Жинойатларни квалификация қилиш: Дарслик. / Р.Кабулов, А.Отажонов, И.Соттиев ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 89.

63. Жиянов М.Х. Бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик: Монография. // Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. –Тошкент: ТДЮИ, 2011. – 244 б.

64. Завидов Б.Д., Борбат А.В. Общие проблемы и отдельные особенности некоторых положений уголовного права России. – М., 2005. – С. 46.

65. Зелинский А.Ф. Криминальная мотивация хищений и иной корыстной преступной деятельности. – Киев, 1990. – С. 19.

66. Зелинский А.Ф. Осознаваемое и неосознаваемое в преступном поведении. – Харьков, 1986. – С. 69.

67. Злобин Г.А., Никифоров Б.С. Умысел и его формы. – М., 1972. – С. 37.

68. Зокирова О. Ғ. Фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. –Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 114 б.

69. Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 67.;

70. Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 79.

71. Зуфаров Р.А. Порахўрликка қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 126 б.

72. Зуфаров Р.А., Ахраров Б.Ж., Мирзаев У.М. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик: Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 168.

73. И.А. Система хозяйственных преступлений. – М., 2005. – С. 25.

74. Иванов И.С. К вопросу соотношения форм вины и их основных признаков // Российский следователь. – 2005. - №11.

75. Иногамова Хегай Л.В. Конкуренция норм об освобождении от наказания // Государство и право. 2000. - №2. - С. 57-64.

76. Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 59 б.

77. Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – Б. 31.

78. Каракетов Ю.М., Абдусаломов Е.О. Ответственность за вымогательство. – Ташкент: Адолат, 1997. – С. 13.

79. Кауфман М.А. Нормативная неопределенность в уголовном законодательстве. // Журнал российского права. – 2009. - №10. – С. 59.

80. Качмазов О.Х. Ответственность за взяточничество по Российскому уголовному праву. – Владикавказ, 2000. – С. 112.

81. Колосовский В.В. Ошибки в квалификации уголовно-правовых деяний. Челябинск, 2005. С. 94

82. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации Отв. ред. В.М. Лебедев. - 3-е изд., доп. и испр. - М. Юрайт-Издат, 2004

83. Комментарий к Уголовному кодексу РФ (постатейный) / Бриллиантов А.В., Долженкова Г.Д., Иванова Я.Е. и др. – М., 2010. – С. 846.

84. Комментарий к Уголовному кодексу РФ (постатейный). / Ашин А.А., Войтович А.П., Волженкин Б.В. и др. Под ред. А.И.Чучаева. – М., 2009. – С. 41–42.

85. Комментарий к Уголовному кодексу РФ (постатейный). / Ашин А.А., Войтович А.П., Волженкин Б.В. и др. Под ред. А.И.Чучаева. – М., 2009. – С. 42.

86. Комментарий к Уголовному кодексу РФ (постатейный). / Бриллиантов А.В., Долженкова Г.Д., Иванова Я.Е. и др.; Под ред. А.В.Бриллиантова. – М., 2010. – С. 451.

87. Комментарий к Уголовному кодексу РФ / Борзенков Г.Н., Верин В.П., Волженкин Б.В. и др. – М., 2007; Уголовное право Российской

Федерации. Общая часть: Учебник / Ю.В.Грачева, Л.Д.Ермакова, Г.А.Есаков и др.; Под ред. Л.В.Иногамовой-Хегай, А.И.Рарога, А.И.Чучаева. 2-е изд. – М., 2008. – С. 233.

88. Комментарий к Уголовному кодексу РФ / Под ред. В.И.Радченко, А.С.Михлина. – СПб., 2007. – С. 43.

89. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации. Постатейный / Смирнов А.В., Калиновский К.Б. – М., 2007. – С. 230.

90. Комментарий к УК РФ (постатейный) / Борзенков Г.Н., Верин В.П., Волженкин Б.В. и др.; Отв. ред. В.М.Лебедев. – М., 2007. – С. 81.

91. Комментарий к УК РФ / Под ред. В.И.Радченко, А.С.Михлина. – СПб., 2007. – С. 73.

92. Коржанский М.И. Квалификация преступлений. Киев, 2000. С. 10-11.

93. Коржанский Н.И. Квалификация следователем должностных преступлений. – Волгоград, 1996. – С. 42.

94. Корнеева А.В. Теоретические основм квалификации преступлений. М., 2009. С. 171.

95. Красиков А.Н. Преступления против личности. Учебное пособие. – Саратов, 1999. – С. 36.

96. Кудрявцев В.Н. Борьба мотивов в преступном поведении. – М., 2007. – С. 52.

97. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений.-2-у изд., перераб и дополн.-М., “Юрист, 2004 С. 304.

98. Куринов Б.А. Научнме основм квалификации преступлений. М., 1984. С. 25.

99. Курс криминалистики. Особенная часть. Т. 1. Методика расследования насильственных и корыстно-насильственных преступлений. / Под ред. В.Е.Корноухова. – М., 2001. – С. 70.

100. Курс уголовного права в пяти томах Т 2-Общая часть -Учение о наказании_Кузнецова Н.Ф_2002 -464с.
101. Курс уголовного права в пяти томах_Т 1_Общая часть -Учение о преступлении_Кузнецова Н.Ф_2002 -624с.
102. Курс уголовного права. Общая часть. Т. 1: Учение о преступлении. / Борзенков Г.Н., Комиссаров В.С., Крылова Н.Е. и др.; Под ред. Н.Ф.Кузнецовой и И.М.Тяжковой. – М., 2002. – С. 180.
103. Левицкий А.Г. Квалификация преступлений. М., 2001. С. 140.
104. Левицкий Г.А. Квалификация преступления. «Правоведение», 1962, №1, с. 144.
105. Лекшас И. Вина как субъективная сторона преступления. – М., 1998.
106. Лопашенко Н.А. Преступления в сфере экономики: Авторский комментарий к уголовному закону (постатейный). – М., 2006. – С. 254.
107. Лунеев В.В. Преступное поведение: мотивация, прогнозирование, профилактика. – М., 1980. – С. 53.
108. Лунеев В.В. Субъективное вменение. – М., 2000. – С. 12.
109. Маклаков А.Г. Общая психология. – СПб., 2001. – С. 374, 379, 384–387.
110. Малков В.П. Субъективные основания уголовное ответственности. // Государство и право. 1995. №1. – С. 21.
111. Мирзаев Т.Қ. Қобулов Р. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Talqin, 2005. – Б. 24-25.
112. Мирзаев У.М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарлик: Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 75.
113. Модельный Уголовный кодекс СНГ. [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.legislationline.org/ru/legislation>, свободный.

114. Можгинский Ю.Б., Андрианова Т.А. Роль аффектов в структуре агрессивного поведения // Юрид. психология: науч.-практ. и информ. изд. – 2009. - №4. – С. 14–15.

115. Мусаев М.А. Теоретико-правовые основы и современные проблемы квалификации преступлений: Учебное пособие. – Ташкент: Шарк, 2012. – С. 30.

116. Назаренко Г.В. Вина в уголовном праве. Монография. / Науч. ред.: Горобцов В.И. – Орёл, 1996. – С. 85.

117. Настольная книга судьи по квалификации преступлений_Рарог А.И_2006 -224с.

118. Настольная книга судьи по уголовным делам / Есаков Г.А., Рарог А.И., Чучаев А.И.; Отв. ред.: Рарог А.И. – М., 2007. – С. 192.

119. Наумов А.В. Практика применения УК РФ: комментарии судебной практики и доктринальное толкование (постатейный) / Под ред. Г.М.Резника. – М., 2005. – С. 70.

120. Наумов А.В. Уголовное право. Убщая часть. – М.: Бек, 1996. – С. 203.

121. Научно-методические основы квалификации преступлений / Отв. ред. М.К.Кислицын. – Архангельск, 2001. – 77-б.

122. Нерсисян В.А. Ответственность за неосторожные преступления. – СПб., 2002. – С. 134.

123. Ниёзова С.С. Ўзгалар мулкини иштирокчиликда талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. ном. олиш учун ёзил. дис... – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 55.

124. Павлов В.Г. Квалификация преступлений со специальным субъектом. -СПб.Юридический центр Пресс, 2011. - С. 374.

125. Платонов К.К. Краткий словарь системы психологических понятий. – М., 1994. – С. 164.

126. Постатейный комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. / (Н.А.Громов и.др.) -М.: ГроссМедиа: РОСБУХ, 2007. – С. 40-42.
127. Практический комментарий к Уголовному кодексу РФ. – М., 2001. – С. 68–69.
128. преступлении. – Тошкент, 1996.; Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А. С. Якубов, Р. Кабулов ва бошқ.- Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. - 374 б.
129. Рарог А.И. Квалификация преступлений по субъективным признакам. – СПб., 2002. – С. 185.
130. Рарог А.И. Настольная книга судьи по квалификации преступлений. Практическое пособие. – М., 2006. – С. 106–107.
131. Рарог А.И. Проблемы субъективной стороны преступления: Учебное пособие. – М., 1991. – С. 21.
132. Рарог А.И. Субъективная сторона и квалификация преступлений. – М., 2001. – С. 6.
133. Расулов О.Х. Совет жиноят ҳуқуқи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – Б. 144.
134. Российское уголовное право. Особенная часть. // Под ред. М.П.Журавлева, С.И.Никулина. – М., 1998. – С. 376.
135. Российское уголовное право: в 2 т. – Т. 1. Общая часть: Учебник / Под ред. Л.В.Иногамовой-Хегай, В.С.Комиссарова, А.И.Рарог. – М., 2010. – С. 178.
136. Рубинштейн С.Л. Бытие и сознание. О месте психического во всеобщей взаимосвязи явлений материального мира. – М., 1957. – С. 280.
137. Рустамбаев М.Х., Крутько О.Г. Ответственность за умышленное убийство при отягчающих обстоятельствах по признакам субъективной стороны. – Ташкент: ТГЮИ, 2006. – С. 101.
138. Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 166.

139. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т. 1. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Дарслик. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2010. – Б. 167.

140. Рустамбоев М.Х. Абдухолиқов С.О. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари (жиноят ҳуқуқида универсал алоқадорлик масалалари). - Тошкент: «ИLM ZIYO», 2008.Б.

141. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 5 томли. 3 том. Махсус қисм. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчликка қарши жиноятлар. Т.: “ИLM ZIYO”. 2011.11 б.

142. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 5 том. Дарслик. Тошкент. “ШМ 21Y0”, 2010.Б-106.

143. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 5 томли. 1 том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. Дарслик. Тошкент. “ИLM ZIYO”, 2010.Б-167.

144. Рустамбоев М.Х., Ахраров Б.Д. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни квалификация қилиш муаммолари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 228 б.

145. Салаев Н.С. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш: Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – Б. 71.

146. Светлов А.Я. Ответственность за должностные преступления. – Киев, 1998. – С. 320.

147. Сердюк Л.В. Насилие: криминологическое и уголовно-правовое исследование. – М., 2002. – С. 55–56.

148. Симонова Е.А. Вина в уголовном праве и законодательстве России / Современные разновидности российской и мировой преступности: состояние, тенденции, возможности и перспективы противодействия. Сборник научных трудов под ред. Н.А.Лопашенко. – Саратов, 2005. – С. 398.

149. Ситковская О.Д. Уголовный кодекс РФ: психологический комментарий (постатейный). – М., 2009. – С. 177.
150. Скляр С.В. Вина и мотивы преступного поведения. – СПб., 2004. – С. 21.
151. Спасенников Б.А. Принудительные меры медицинского характера. – СПб., 2003. – С. 309.
152. Строгович М.С. Материальная истина и судебные доказательства в советском уголовном процессе. – М., 1995. – С. 269.
153. Сысоев Т.В. Убийство, совершенное в состоянии аффекта. Учебное пособие. – Тюмень, 2003. – С. 44–45.
154. Тарарухин С.А. Понятие и значение квалификации преступлений: Учебное пособие. Киев, 1990. С. 6.
155. Ткаченко В.Н. Квалификация убийства и причинение тяжких последствий, совершенных в состоянии сильного душевного волнения. // Вопросы криминалистики. – 1967. - №12. – С. 79.
156. Тожиев Э.А. Жиноятнинг субъекти ва мотивига кўра жазони белгилаштирувчи ҳолатлар. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 28.
157. Тоҳиров Ф. Жинсий жиноятларни квалификация қилиш асослари. Монография. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев -Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 234.
158. Трайнин А.Н. Общее учение о составе преступления. – М., 1997. – С. 190.
159. Тухбатуллин Р.Р. Субъект и субъективная сторона преступлений против жизни и здоровья, совершенных в состоянии аффекта. // Российский следователь. – 2005. - №8.
160. Уголовное право России. Общая часть: Учебник / Д.И.Аминов, Л.И.Беляева, В.Б.Боровиков и др. – М., 2009.; Комментарий к Уголовному кодексу РФ / Борзенков Г.Н., Верин В.П., Волженкин Б.В. и др. – М., 2007.
161. Уголовное право России. Общая часть: Учебник / Д.И.Аминов, Л.И.Беляева, В.Б.Боровиков и др. – М., 2009. – С. 128.

162. Уголовное право России. Части Общая и Особенная: Учебник. / М.П.Журавлев, А.В.Наумов и др. – М.: Проспект, 2004. – С. 87.

163. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Ю.В.Грачева, Л.Д.Ермакова, Г.А.Есаков и др.; Под ред. Л.В.Иногамовой-Хегай, А.И.Рарога, А.И.Чучаева. 2-е изд. – М., 2008. – С. 165.

164. Уголовное право РФ. Общая часть. // Под ред. Б.В.Здравомыслова. – М., 1996. – С. 171.

165. Уголовное право. Общая и Особенная части: Учебник / Акоев К.Л., Беляев А.Е., Боровиков В.Б. и др.; Под ред. М.П.Журавлева и С.И.Никулина. 2-е изд. – М., 2008. – С. 52.

166. Уголовное право. Общая и Особенная части: Учебник для вузов / Н.И.Ветров, Г.В.Дашков, В.И.Динека и др.; Под ред. Н.Г.Кадникова. – М., 2006. – С. 140.

167. Уголовное право. Общая и Особенная части-под. ред Кадникова Н.Г. Учебник 2006 -Б.361

168. Уголовное право. Общая часть. Учебник для вузов / Под ред. И.Я.Козаченко, З.А.Незнамова. – М., 1997. – С. 181.

169. Уголовное право. Часть Общая. – М., 1999. – С. 94.

170. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики. /Науч. ред., предисловие докт.юрид.наук,проф. И.М.Рагимова. Перевод с азербайджанского Б.Э.Аббосова. – СПб.: “Юридический центр Пресс”, 2001. – С. 52-53.

171. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томли. 2-том. Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006, 340-бет.

172. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. / З.Ғ.Ғуломов, Р.А.Зуфаров, Р.Қ.Қобулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1997. – Б. 277.

173. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 347.
174. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир проф. Ғ.Абдумажидов. -Тошкент.: ТДЮИ, 2009. - Б. 730 .
175. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. / Масъул муҳаррир: Н. Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2011. – Б. 14.
176. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи.Умумий қисм. Тошкент. “Янги аср авлоди”, 2005. – Б.129.
177. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: “На-саф” нашриёти, 2010. – Б. 196.
178. Утевский Б.С. Вина в советском уголовном праве. – М., 1950. – С. 53.
179. Фаргиев И. Уголовно-правовая оценка заражения венерической болезнью // Уголовное право. – 2010. - №1. – С. 43–44.
180. Фельдштейн Г.С. Природа умысла. – М., 1989. – С. 2.
181. Филановский И.Г. Социально-психологическое отношение субъекта к преступлению. – Л., 1970. – С. 134.
182. Хорнабужели Б.В. Психологическая сторона вины. – Тбилиси, 1981. – С. 82.
183. Церетели Т.В. Причинная связь в уголовном праве. – М., 1993. – С. 25.
184. Чашин А.Н. Теория государства и права: Учебник. – М., 2008. – С. 309.
185. Чередниченко Е.Е. Принципы уголовного законодательства: Понятие, система, проблемы законодательной регламентации. – М., 2007. – С. 151.
186. Шишко И.В. Экономические преступления: Вопросы юридической оценки и ответственности. – СПб., 2004. – С. 285.

187. Шишков С. Установление “внезапно возникшего сильного душевного волнения (аффекта). // Законность. – 2002. - №11. – С. 26.

188. Шишов О.Ф. Теоретические проблемм квалификации преступлений.-М.: «Юность», 988.С-11.

189. Эрматов Ғ. Расмий хужжатларни калбакилаштириш ва улардан фойдаланиш жиноятини квалификация қилиш масалалари. Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 54.

190. Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении. – Ташкент, 1996. – С. 62.

191. Якушин В.А. Субъективное вменение и его значение в уголовном праве. – Тольятти, 1998. – С. 170.

192. Якушин В.А., Каштанов К.Ф. Вина как основа субъективного вменения. – Средневолжский научный центр, 1997. – С. 6.

193. Яни П.С. Экономические и служебные преступления. – М., 1997. – С. 12.

194. The handbook of comparative criminal law // Edited by Kevin Jon Heller and Markus D. Dubber. – Stanford University Press, 2011. – P. 262-263, 400-401, 502-503.

Даврий адабиётлар:

195. Абдурасулова Қ.Р., Хусаинов Д.К. Хизматчини пора эвазига оғдиришининг объектига оид айрим мулоҳазалар. // ТДЮИ Ахборотномаси, 2011 йил, 6-сон. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 159.

196. Алексеев Н.С. Доказывание и его предмет в советском уголовном процессе / Актуальные проблемы советского государства и права. – Л., 1967. – С. 455.

197. Бекеев И. Актуальные проблемы учения о субъективной стороне преступления. // Уголовное право. 2002. - №3. – С.9.

198. Бикеев И. Актуальные проблемы учения о субъективной стороне преступления. // Уголовное право. 2002. №3. – С. 9.

199. Бушуев Г.И. Программа квалификации насильственных действий по ст. 4, 6, 7 п. «в» Закона // Бюллетень ВК ВС и УВТ № 2 (67). – М., 1988. – С. 9.

200. Векленко С.В. Сущность, содержание и формы вины в уголовном праве. // Правоведение. – 2002. - №6 (245). – С. 131.

201. Волженкин Б.В. Некоторые вопросы общей характеристики преступлений в сфере экономической деятельности по Уголовному кодексу Российской Федерации. // Актуальные проблемы науки и практики коммерческого права. Сборник научных статей. Вып. 5. – М., 2005. – С. 332–346.

202. Гринберг М.С. Понятие преступной самонадеянности. // Правоведение. – 1962. - №2. – С. 102.

203. Дагель П.С. Понятие вины в советском уголовном праве. // Материалы XIII конференции ДВГУ. Ч. IV. – Владивосток, 1968. – С. 123.

204. Дагель П.С. Содержание, форма и сущность вины в советском уголовном праве. // Правоведение. 1969. №1. – С. 78.

205. Злобин Г.А. Виновное вменение в историческом аспекте. // Уголовное право в борьбе с преступностью. – М., 1991. – С. 23.

206. Иванов Н.Г. Умысел в уголовном праве. // Российская юстиция. – 1995. - №12. – С. 18.

207. Клепицкий И.А. Налоговые преступления в уголовном праве России: эволюция продолжается. // Закон. – 2007. - №7.

208. Лаптева Е.Н. О видах квалификации преступлений // Юридические записки Ярославского государственного университета им. П.Г. Демидова. Ярославль. 1998. Вып. 2. С. 232.

209. Малиновский А.А. Принципы уголовного права (сравнительно-правовой анализ) // Международное уголовное право и международная юстиция. – 2008. - №4. – С. 25.

210. Моисеева Т.В., Дубовиченко С.В., Перцев А.А. Убийство матерью новорожденного ребенка в условиях психотравмирующей

ситуации // Татищевский чтения: актуальные проблемы теории и практики: Материалы международной научной конференции. – Тольятти, 2006. – С. 260–262.

211. Недопекина Т. Проблемные аспекты преступного легкомыслия в правоприменении. // головное право. – 2009. - №5. – С. 54.

212. Нерсисян В.А. Понятие и формы вины в уголовном праве // Правоведение. – 2002. - №2. – С. 68.

213. Носков Д. Понятие “аффект” в уголовном праве // Законность. – 2003. - №6. – С. 39.

214. Нургалеев Ш.Х., Чинчикова Г.Б. К вопросу о юридических ошибках // Безопасность бизнеса. – 2006. - №3.

215. Петелин Б.Я. Психологический анализ преступного поведения. // Государство и право, 1993. №5. С. 75.

216. Петин И.А. Логические основания вины в уголовном праве // Российский следователь. – 2009. - №17. – С. 20.; Лунев В.В. Субъективное вменение. – М., 2000. – С. 47.

217. Преступления против интересов службы в коммерческих и иных организациях: Комментарий законодательства и справочные материалы // Авт.-сост. В. С. Буров. – Ростов-на-Дону, 1997. – С. 160–161.

218. Рогачевский Л.А. Особенности субъективной стороны преступлений, совершенных в состоянии аффекта // Правоведение. – 1983. - №6. – С. 84.

219. Салаев Н.С., Хусаинов Д.К. Коррупцияга қарши кураш – давлат хизматида қонунийликни таъминлашнинг муҳим шарт. // Коррупцияга қарши кураш ва илмий тадқиқотлар: стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 35.

220. Сафуанов Ф.С. Криминальная агрессия лиц с психическими расстройствами, не исключающими вменяемости: судебно-экспертные оценки. // Юридическая психология. – 2006. - №4. – С. 44.

221. Сафуанов Ф.С. Криминальная агрессия лиц с психическими расстройствами, не исключающими вменяемости: судебно-экспертные оценки. // Юридическая психология. – 2006. - №4. – С. 43.

222. Сирохин А.И. Теоретические аспекты небрежности в праве России // История государства и права. – 2007. - №12. – С. 7.

223. Сирохин А.И. Теоретические аспекты небрежности в праве России // История государства и права. – 2007. - №12. – С. 7.

224. Яни П. Ответственность за легализацию: нужен ли приговор по делу о предикатном преступлении? // Законность. – 2005. - №8.

225. Яни П. Постановление Пленума Верховного суда о квалификации мошенничества, присвоения и растраты: объективная сторона преступления // Законность. – 2008. - №4.

Диссертациялар ва диссертация авторефератлари:

226. Векленко С.В. Виновное вменение в уголовном праве. Автореф. дисс. ...д-ра юрид. наук. – Омск, 2003. – С. 10–11.

227. Гребенюк А.В. Вина в российском уголовном праве. Автореф. ...дисс. канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2004. – С. 4.

228. Дашкова Л.Г. Криминологические проблемы взяточничества. Дисс... канд. юрид. наук. – М., Московская государственная юридическая академия, 1996. – С. 35.

229. Дубинина М.И. Уголовная ответственность за преступления, совершенные в состоянии сильного душевного волнения. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 1971. – С. 15.

230. Рахматуллина Н.Г. Убийство по мотиву национальной, расовой, религиозной ненависти или вражды либо кровной мести: вопросы квалификации и индивидуализации наказания: Дисс. ...канд. юрид. наук. – Ставрополь, 2005. – С. 16.

231. Салаев Н.С. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш (жиноят-

хукукий ва криминологик жиҳатлари). Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 88.

232. Турғунбоев Э.О. Жиноятни квалификация қилишга юридик ва фактик ҳатонинг таъсири. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 29.

233. Юсупджанов О.А. Мураккаб айбли жиноятларни квалификация қилиш муаммолари: юридик фанлари номзоди учун ёзилган диссертация афтореферати. - Тошкент, 2010. - Б 48.

234. Андреев И.В. Теоретико-правовые основы квалификации преступлений: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. - Омск: 2000. - 21 с.

235. Дубовиченко С.В. Интеллектуальные моменты умышленной формы вины. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Тольятти, 2007. – С. 8.

236. Есаков Г.А. Mens rea в уголовном праве Соединенных Штатов Америки: Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 92–93.

237. Гревнова И.А. Вина как принцип уголовного права Российской Федерации: Дисс. ...канд. юрид. наук. – Саратов, 2001. – С. 129.

238. Иванов С.А. Понятие вины и ее основные характеристики в уголовном праве: Дисс. ...канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2004. – С. 29–30.

239. Ивченко О.С. Проблемы мотива и цели убийства в уголовном праве России: Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 14.

240. Идрисов Н.Т. правила квалификации преступлений: понятие, видм, проблема правового регулирования Автореф. дисс... канд. юрид. наук. - Самара: 2009. - 18 с.

241. Малиновский И.Б. Уголовно-правовая борьба с корыстными должностными преступлениями в современных условиях: Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 1993. – С. 167.

242. Манойлова С.А. Эмоции в уголовном праве. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2008. – С. 11.

243. Мурадов Э.С. Субъективные признаки преступлений в сфере экономической деятельности. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2008. – С. 6.

244. Мухторов Н.И. Жиноят қонунида айбнинг эҳтиётсизлик шакли муаммолари: юридик фанлари номзодлиги учун ёзилган диссертация афтореферати. – Тошкент, 2009. – Б. 28.

245. Найимов С.С. Қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари: юридик фанлари номзодлиги учун ёзилган диссертация афтореферати. – Тошкент, 2007. - Б 48.

246. Новокшенов Д.В. Уголовно-правовая и криминологическая характеристика преступлений против порядка подчиненности и воинских уставных взаимоотношений. Дисс. ...канд. юрид. наук. – СПб., 2007. – С.100-102.

247. Паньков И.В. Умышленная вина по российскому уголовному праву: теоретический и нормативный аспекты. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – СПб., 2010. – С. 12.

248. Скляр С.В. Мотивы индивидуального преступного поведения и их уголовно-правовое значение: Дисс. ...канд. юрид. наук. – Иркутск, 1995. – С. 54–55.

249. Толкаченко А.А. Мотив и цель воинских преступлений по советскому уголовному праву: Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 1991. – С.67.

IV. Суд ҳужжатлари:

250. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суди архивидан, 2012 йил.

251. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман суди архиви, 2008 йил

252. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 2-сонли қарори. // www.lex.uz

253. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. I жилдли. (1991 2006) - Тош: 2007.

254. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-банди. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. 1991-2006 йиллар. Т.1. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б. 236.

V. Интернет саҳифалари:

255. www.lex.uz

256. www.parliament.gov.uz

257. www.huquqburch.uz

258. www.xs.uz

259. www.dic.academic.ru

260. www.gks.ru.

261. www.zakon.ru

262. www.lex.kz